



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

3 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 3, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 3, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали
№3 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-3>

Бош муҳаррир:
Раҳматов Анвар Исламович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш
маркази директори

Бош муҳаррир ўринбосари:
Отажонов Абдоржон Анварович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш
маркази директори ўринбосари,
юридик фанлар доктори, профессор

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ЖУРНАЛИ
ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Одилқориев Ҳожимурод Тўхтамуродович

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра
мудири, юридик фанлар доктори, профессор*

Окюлов Омонбой

*Юристлар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлар доктори,
профессор, Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган юрист*

Саидова Лола Абдувахидовна

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра
мудири, юридик фанлар доктори*

Тошев Бобокул Норқобилович

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра
мудири, юридик фанлар доктори*

Аюбов Улугбек Тулаганович

*Юристлар малакасини ошириш маркази доценти,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
юрист, юридик фанлар номзоди, доцент*

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусаҷонович

*Бош Прокуратура Академияси Марказ бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор*

Отаҳонов Фозилжон Хайдарович

*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси
ҳузуридаги Халқаро тиҷорат арбитраж (ҳакамлик)
суди раиси, юридик фанлар доктори (DSc), доцент*

Исроилов Боходир Ибрагимович

*Юристлар малакасини ошириш маркази
кафедраси мудири, иқтисод фанлар доктори,
профессор*

Масъул Котиб:

Раҳманов Шухрат Наимович

*Юристлар малакасини ошириш маркази доценти,
юридик фанлар номзоди*

Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакцији журнали:
100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99898) 0000341

Contact Editorial Staff
100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99898) 0000341

Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА

№3 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-3>

Главный редактор:

Рахматов Анвар Исламович

Директор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции

Заместитель главного редактора:

Отажонов Абдоржон Анварович

Первый заместитель директора Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, доктор юридических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

**Общественно-правового и научно-практического журнала
ВЕСТНИК ЮРИСТА**

Адилкариев Хожимурод Тўхтамуродович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор

Окюлов Омонбой

Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан

Саидова Лола Абдувахидовна

Заведующая кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук

Тошев Бобокул Норқобилович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук

Исроилов Боходир Ибрагимович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор экономических наук, профессор

Аюбов Улугбек Тулаганович

Доцент Центра повышения квалификации юристов, Заслуженный юрист Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович

Начальник Центра Академии Генеральной Прокуратуры, доктор юридических наук, профессор

Отахонов Фозилжон Хайдарович

Председатель Международного коммерческого арбитражного суда при Торгово-промышленной палате, доктор юридических наук, доцент

Ответственный секретарь:

Рахманов Шухрат Наимович

Доцент Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук

Верстка: Шахрам Файзиев

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99898) 0000341

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99898) 0000341

**Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD**

№3 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-3>

**Chief Editor:
Rakhmatov Anvar**

Director of the Lawyers' Training Center
under the Ministry of Justice

**Deputy Chief Editor:
Otajonov Abrorjon**

First Deputy Director of the Lawyers' Training
Center under the Ministry of Justice, Doctor of
Law Sciences, Professor

EDITORIAL BOARD

**Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD**

Adilkariyev Khojimurat

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Doctor of Law Sciences, Professor*

Oqyulov Omonboy

*Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor of
Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of the
Republic of Uzbekistan*

Saidova Lola

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Doctor of Law Sciences*

Toshev Bobokul

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Doctor of Law Sciences*

Israilov Bokhodir

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Doctor of Economics, Professor*

Ayubov Ulugbek

*Senior Lecturer at the Lawyers' Training Center,
Candidate of Juridical Sciences, Associate
Professor, Honored Lawyer of the Republic of
Uzbekistan*

Mamasiddikov Muzaffarjon

*Head of the Center of the Academy of the General
Prosecutor's Office, Doctor of Law Sciences, Professor*

Otaxonov Foziljon

*Chairman of the International Commercial
Arbitration Court at the Chamber of Commerce
Doctor of the Science of Law, Associate Professor*

**Executive Editor:
Rakhmanov Shukhrat**

*Senior Lecturer at the Lawyers' Training Center,
Candidate of Juridical Sciences*

Pagemaker: Shakhram Fayziev

Контакт редакции журнала:
100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99898) 0000341

Contact Editorial Staff
100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99898) 0000341

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENT

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

- 1. МАХМУДОВ Фируз Бахтиёр ўғли**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ДАВЛАТ
ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ УЧУН ЎРНАТИЛГАН ТАҚИҚ ВА
ЧЕКЛОВ МАСАЛАЛАРИ.....8
- 2. НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич**
ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ТАРИХИ ВА
РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....18

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

- 3. ИСМАИЛОВ Баходир Исламович, Маманов Сардоржон Собир ўғли**
ФОРМИРОВАНИЕ СИСТЕМ КОМПЛЕКСНОГО КОНТРОЛЯ КАК
ЭФФЕКТИВНОГО ИНСТРУМЕНТА ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ
В ЧАСТНОМ СЕКТОРЕ.....30
- 4. АБДУЛЛАЕВ Хуршидjon Назрулло ўғли**
АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ.....37
- 5. JAMOLOV Azizjon**
TERM OF SUBJECTS OF INVESTMENT ACTIVITY: THEORETICAL AND
COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS.....44
- 6. EGAMOVA Dilrabo Talibovna**
KREDIT TALABLARI BO'YICHA INTELLEKTUAL MULK OBYEKTLARIGA
NISBATAN UNDIRUVNI QARATISH MASALALARI.....49
- 7. АҲРОРҚУЛОВ Анвар**
НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МУЛКИЙ
АСОСЛАРИ.....56
- 8. АЛМОСОВА Шаҳноза**
ТРИПС БИТИМИ НОРМАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ
МУАММОЛАРИ.....63

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

- 9. ОТАХОНОВ Фозилжон Хайдарович**
НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА.....72

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

- 10. КАРАКЕТОВА Дилноза Юлдашевна**
ОФИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТ СИФАТИДА ЁШ БОЛА, ҚАРИЯ, НОГИРОН
ЁКИ ОЖИЗ АҲВОЛДАГИ ШАХСЛАРНИ ХЎРЛАБ СОДИР ЭТИЛГАН
БЕЗОРИЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.....80
- 11. ХЎЖАҚУЛОВ Сиёвуш Бахтиёрвич**

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENT

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ.....88

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

12.МАТЧАНОВ Алимжан Атабаевич

УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ДОКАЗЫВАНИЯ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИ.....96

13.ЮГАЙ Людмила Юрьевна

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СУДЕБНОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....104

14.ЗУЛФУҚОРОВ Абдувахоб Абдумалик ўғли

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ БЎЙИЧА ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....112

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

15.СУЛАЙМАНОВ Одилжон Раббимович

ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА ИШНИНГ МУСТАҚИЛ ВА ХОЛИС СУД ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ҲУҚУҚИ.....118

16.ГАФФАРОВА Шахноза Нуритдиновна

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....126

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

17.АЛИМОВ Гайбулла Алимович

ЮРИДИК ШАХСЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ: АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ.....134

18.ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна

"ОДИН ПОЯС, ОДИН ПУТЬ" КАК СРЕДСТВО КУЛЬТУРНОЙ ИНТЕГРАЦИИ, ИНСТРУМЕНТ УКРЕПЛЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ НАУЧНЫХ СВЯЗЕЙ ИИ КАТАЛИЗАТОР РАЗВИТИЯ НАУКИ В ЭПОХУ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ.....141

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МАХМУДОВ Фируз Бахтиёр ўғли

Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги профессионал ўқитиш
маркази директори ўринбосари
E-mail: firuzbek2015@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ УЧУН ЎРНАТИЛГАН ТАҚИҚ ВА ЧЕКЛОВ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): МАХМУДОВ Ф.Б.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК
ХИЗМАТЧИЛАРИ УЧУН ЎРНАТИЛГАН ТАҚИҚ ВА ЧЕКЛОВ МАСАЛАЛАРИ
// Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 3 (2020), Б.8-17.

 №3 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-3-1>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада давлат хизматчиси, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат хизматчиси фаолиятида тақиқ ва чеклов масалалари, уларнинг юридик табиати ҳамда коррупция ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этишдаги аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида таҳлил қилинган. Давлат хизматчиларининг ишни ҳал қилишда иштирок этишини истисно қиладиган ҳолатлар бўйича фикрлар юритилган. Ўзбекистон Республикасининг турли тармоқ қонунчиликларида давлат хизматчиларига ўрнатилган тақиқ ва чеклов масалаларининг бугунги кундаги муаммолари, уларни бартараф этиш йўллари баён қилинган. Тақиқ ва чеклов масалалари бўйича миллий ва хорижий олимларнинг фикрлари ўрганилган, ривожланган хорижий мамлакатлар ҳуқуқ тизимининг мавзуга оид жиҳатлари таҳлил қилинган. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида тақиқ ва чеклов институтини такомиллаштириш бўйига таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: давлат фуқаролик хизмати, манфаатлар тўқнашуви, коррупция, чеклов, тақиқ, давлат хизматчиси, мажбурият.

МАХМУДОВ Фируз Бахтиёр угли

Заместитель директора центра профессионального обучения при
Ташкентском государственном юридическом университете
E-mail: firuzbek2015@mail.ru

ВОПРОСЫ ЗАПРЕТОВ И ОГРАНИЧЕНИЙ ДЛЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ

ГРАЖДАНСКИХ СЛУЖАЩИХ, УСТАНОВЛЕННЫХ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВОМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**АННОТАЦИЯ**

В настоящей статье проведен анализ понятий государственного служащего, его прав и обязанностей, вопросы запретов и ограничений в деятельности государственного служащего, их юридическая природа и значение при устранении коррупции и конфликта интересов в рамках действующего законодательства Республики Узбекистан. Были высказаны мнения об обстоятельствах, препятствующих участию государственных служащих в разрешении дел. Кроме того, описаны актуальные проблемы запретов и ограничений, налагаемые на государственных служащих в различных отраслях законодательства Республики Узбекистан, и пути их преодоления. Изучены труды национальных и зарубежных ученых по запретам и ограничениям, проанализированы особенности правовых систем развитых зарубежных стран по указанной теме. Даны предложения по совершенствованию вопросов запретов и ограничений для устранения конфликтов интересов.

Ключевые слова: государственная гражданская служба, конфликт интересов, коррупция, ограничения, запреты, государственный служащий, обязательства.

MAKHMUDOV Firuz

Deputy Director of the Professional
Training Center under Tashkent State University of Law
E-mail: firuzbek2015@mail.ru

ISSUES OF PROHIBITIONS AND RESTRICTIONS FOR PUBLIC CIVIL SERVANTS IN THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**ANNOTATION**

This article provides analysis of the public civil servant, his rights and obligations, issues of prohibition and restriction in the activities of civil servants, their legal nature and their importance in overcoming corruption and conflicts of interest within the current legislation of the Republic of Uzbekistan. Opinions were expressed on the circumstances that precluded the participation of civil servants in resolving cases. In addition, the article describes the current problems of prohibitions and restrictions imposed on civil servants in various sectoral legislation of the Republic of Uzbekistan, and ways to overcome them. Opinions of national and foreign scholars on the issues of prohibitions and restrictions were studied, thematic aspects of the legal system of developed foreign countries were analyzed. At the end of the article, suggestions and recommendations were made to improve the institutes of prohibitions and restrictions in order to avoid conflicts of interest.

Keywords: public civil service, conflict of interests, corruption, restriction, prohibition, public servant, obligation.

Мамлакатимизда давлат хизматини янада ислоҳ қилиш ҳамда хизматни ўташ давомида коррупция ва унинг бир кўриниши бўлган манфаатлар тўқнашувини бартараф этишда давлат хизматчилари учун ўрнатилган тақиқ ва чеклов масалалари муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ишлаб чиқилиб, муҳокамага қўйилган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонун лойиҳасида ҳам тақиқ ва чеклов институти билан боғлиқ қатор нормалар ўз аксини топган.

Бундан ташқари, бугунги кунга қадар қабул қилинган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам самарали давлат хизматини ташкил этишда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, бу борада давлат хизматчилари фаолиятидаги тақиқ ва чеклов масалаларига алоҳида эътибор берилиб, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича вазифалар ҳам белгилаб ўтилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5729-сон Фармонида давлат хизматчилари учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича бошқа механизмларнинг аниқ рўйхатини белгилаш билан боғлиқ қоидалар назарда тутилган.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида давлат хизматчилари учун белгиланган чеклов ва тақиқ институтини чуқур ўрганиш, шу асосида коррупция ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш олдимизда турган асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Шу ўринда қисқача тақиқ ва чеклов масалаларига оид илмий жамоатчилик фикрларига қарайдиган бўлсак, А.Ноздрачев давлат хизматидаги бундай чекловлар ва тақиқлар, биринчи навбатда, давлат хизматининг нормал ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлашини, давлат хизматчилари томонидан мансаб ваколатларидан фойдаланишининг ҳуқуқий чегараларини ўрнатишини, шунингдек мансаб мажбуриятларини мустақил амалга ошириши учун шароит яратишини таъкидлайди [1].

Бошқа юридик адабиётларда эса давлат хизмати билан боғлиқ бўлган чекловлар деганда Конституция ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган, давлат хизматчиси чиқиши ман этилган аниқ ҳуқуқ доирасидаги белгиланган шарт ва қоидалар тушунилиши айтиб ўтилади [2, Б.63].

Шу билан биргаликда, юқоридаги манбада М.Мирбобоев чеклов институтини давлат хизматчиларининг бурчлари сифатида ҳам баҳолайди, давлат хизматчиларининг бурчлари чеклашлар тарзида ҳам бўлиши мумкинлигини қайд этиб, ўз фикрини чеклашлар ҳам моҳиятига кўра бурч бўлиб ҳисобланиши билан изоҳлайди.

Фикримизча бу фикрга қисман қўшилиш мумкин, чунки чеклашлар бурч сифатида, одатда, ҳаракатсизлик орқали амалга оширилади, давлат хизматида айрим чекловлар эса ҳаракат орқали ҳам намоён бўлади.

Бундан ташқари, олимлар Э.Хожиев ва Т.Хожиевлар тақиқлар, ўз моҳиятига кўра, давлат хизматчисининг ҳуқуқий чекловларига яқин, аммо ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини таъкидлаб, биринчи ҳолда хизматчиларнинг ахлоқи ва хатти-ҳаракатлари чекланади, иккинчисида қатъий ман этилади, деб тушунтиришади [3, Б.232].

Таҳлилни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида давлат хизматчилари учун ўрнатилган тақиқ ва чеклов масалалари билан давом эттирадиган бўлсак, бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикасида Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида ягона Қонуннинг мавжуд эмаслиги, давлат хизматчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ягона қонун ҳужжатларида белгиланмаганлиги давлат хизматчилари фаолиятидаги тақиқ ва чекловлар турли тармоқ қонун ҳужжатларида акс этганини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчилари учун ўрнатилган тақиқларда сиёсий партияларга аъзолик масаласи марказий ўринда туради. Амалдаги қонунчиликка асосан қуйидагилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар:

судьялар;
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари;
прокурорлар ва прокуратура терговчилари;
ички ишлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари, давлат хавфсизлик хизмати ходимлари;
ҳарбий хизматчилар;
хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар [4].

Қонун чиқарувчи давлат хизматчиси учун бундай чекловни белгилашда партия фаолиятининг сиёсий ҳокимиятга ҳаракат қилиши, бу борада манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ реал эҳтимол келиб чиқишини эътиборга олади. Айнан юқорида санаб ўтилган шахсларнинг фаолияти бевосита давлат хавфсизлиги ва барқарор ички сиёсати билан боғлиқлигини, шунингдек партия манфаатлари билан давлат хизмати манфаатлари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган қарама-қаршилик нуқтаи назаридан, фикримизча, бундай тақиқнинг ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, давлат хизматига ишга киришда ҳам айрим чекловлар назарда тутилган бўлиб, шулардан бири сифатида ёш цензи ва фуқаролик масаласини кўрсатиш мумкин. Масалан, прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар, суриштирувчилар ва иш ўрганувчилар лавозимига олий юридик маълумотга эга, зарур касбий фазилатлари бўлган, зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинланади [5].

Ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судининг, туман (шаҳар) маъмурий судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси бўлиши мумкин [6].

Бунда, юқоридаги қоида мазмунидан келиб чиқиб, асосий эътибор бериш керак бўлган масала - бу хорижий мамлакат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат хизматида фаолият юритиши чекланганлигидир.

Фикримизча, хорижий мамлакат ёки хорижий мамлакат фуқароси билан Ўзбекистон Республикаси ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси манфаатлари ўртасида турли зиддият ва қарама-қаршилик келиб чиқиши эҳтимолининг юқорилигидан келиб чиқиб, мазкур қоида ўрнатилганлигини мақсадга мувофиқдир.

Яна бир муҳим масала бу давлат хизматчиларининг тадбиркорлик фаолити билан шуғулланишларига йўл қўйилмаслигидир. Қонун ҳужжатлари билан қуйидаги мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига;

давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахсларга;

давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарларига;

давлат таъминот ва савдо-сотиқ корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимларига;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш

ёки бундай фаолиятни назорат қилиш вазифасига кирувчи давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларига [7].

Фикримизча, қонун чиқарувчи томонидан бундай тақиқнинг ўрнатилиши жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки манфаатлар тўқнашувининг асосини бевосита шахсий манфаатдорлик ташкил этар экан, давлат хизматчисининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши унга ўз лавозим ваколатларидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, тадбиркорлик текширувлари, солиқ имтиёз ёки преференциялари, лоббистик хусусиятга эга бўлган нормаларни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши ва бошқа масалаларда имкониятлар келтириб чиқаради. Давлат хизматчисининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ шахсий манфаатдорлиги давлат манфаатларига зарар етказиши билан бир қаторда, ўзининг хизмат вазифаларини муносиб бажаришига таъсир қилади. Аммо, бугунги кун амалиётида қатор давлат хизматчилари, хусусан ҳокимлар томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилаётганлигини учратиш мумкин. Бугунги очиқлик сиёсати жараёнида бу каби ҳолатларни яшириш имконсиз.

Бу борада яна бир муҳим масала борки, давлат хизматчиси нафақат ўзи, балки бази ўринларда ўз таниши ёки қариндоши номига тадбиркорлик фаолиятини расмийлаштиради ва ўзининг сиёсий вазифа ва ваколатларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятига имтиёз ва преференциялар юзага келтиради.

Шундан келиб чиқиб, давлат хизматчиларига ўрнатилган тақиқ ва чекловларни ишлаш ва назорат қилиш бўйича аниқ механизмларни жорий қилиш, бу борада фаолиятни очиқ ва шаффофлигини таъминлашда кенг жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари назоратини кучайтириш лозим.

Миллий қонунчилигимизда чекловлар билан боғлиқ белгиланган яна бир масала бу давлат хизматчиларининг ўз фаолиятидан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларни эгаллаши тақиқланганлигидир. Бунда инобатга олиш керакки, ижод эркакчилиги нуқтаи назаридан илмий ва педагогик фаолият бундан мустаснодир. Масалан, давлат хизматчиларининг асосини ташкил этадиган ҳукумат аъзоларига эътибор берадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас [8].

Бу каби чекловлар сенатор ва депутатлар, прокуратура органлари ходимлари, судьялар ва бошқа давлат хизматчилари учун ҳам ўрнатилган. Бундай тартибнинг ўрнатилиши эса давлат хизматчисининг икки лавозим ваколатлари ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган қарама-қаршилик билан боғлиқ.

Хизмат ва корхона сирини сақлаш механизмлари бузилиши билан бир қаторда қўш лавозимда фаолият юритиш давлат хизматчисининг икки хизмат ваколатларидан бир-бирига қарши ёки бир-бирини қўллаб-қувватлашга замин яратиши мумкин.

Хўш борада амалиётимиз қай аҳволда? Аслини олганда, бугунги кун амалиётида бу қонуннинг, яъни давлат хизматчисининг қўш лавозимда фаолият юритиши тақиқланганлик принципи бир неча ўринларда бузилаётганлигини кўриш мумкин. Масалан, сенаторнинг бир вақтда ҳукумат тизимида ҳам фаолият юритиши, ҳокимларнинг амалдаги ҳуқуқий ҳолати, айрим вазирларнинг ўз вазифаси билан бир қаторда турли қўмита, комиссия ва агентликларда фаолият юритиши фикримизни тасдиқлайди. Бу борада давлат хизматчисининг бир вақтнинг ўзида ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро тизимида фаолият юритиши эътиборни тортади. Чунки қабул қилинган ҳужжатнинг субъекти ва ижрочиси бир эканлиги натижадорлик ва ҳисобдорликка салбий таъсир қилади, манфаатлар тўқнашувининг юзага келиш эҳтимолини оширади.

Шу сабабли, қабул қилиниши кутилаётган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонун лойиҳасида бу каби масалаларни олдини олишга доир қоидаларни белгилаш мақсадга мувофиқ [9].

Шу ўринда қисқача мазкур қонун лойиҳаси ҳақида фикр билдирган ҳолда, айтиш мумкинки, муҳокама учун эълон қилинган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонун лойиҳасида айрим камчиликларни кузатиш мумкин. Бу борада мавзу моҳиятидан келиб чиқиб, фикр билдирадиган бўлсак, лойиҳада тақиқлар масаласига эътибор қаратилмаган [9].

Бундан ташқари, чекловлар масаласи алоҳида моддада белгиланган бўлса-да, унда давлат хизматчиларига белгиланган барча чеклов масалалари ўз аксини топмаган. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси, шунингдек бу борадаги миллий қонунчилигимиз умумий мазмунидан келиб чиқиб, чеклов ва тақиқ масалаларини мазкур қонунда алоҳида модда сифатида тартибга солиш, барча тармоқ ҳужжатлардаги масалаларни унификациялаш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқшунослик соҳасидаги рад қилиш институти ҳам чекловлар масаласида муҳим урин тутати. Рад қилишнинг асосий мақсади ишни ҳал қилишда иштирок этаётган шахснинг қонун талабларидан, ўз хизмат мажбуриятидан ўз манфаати ёки учинчи шахслар манфаати йўлида четга чиқиши оқибатида фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етишини олдини олишга қаратилгандир. Рад қилиш механизмининг четга чиқиши эса манфаатлар тўқнашувини юзага келтириб, ишни ҳал қилиш бўйича қабул қилинадиган қарорнинг шундай қарор қабул қилган шахс манфаати йўлида хизмат қилишига олиб келади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг қатор қонун ҳужжатларида шахсий манфаатдорлик асосида манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган ҳолатларни инобатга олиб, Қонун чиқарувчи иш юритишда иштирок этиш имкониятини истисно қилувчи ҳолатларни белгилаб қўйган. Мазкур тоифадаги ҳолатлар юзага келганда эса рад қилиш институти марказий ўринга чиқиши керак. Рад қилиш институти асосан суд процессларида учраса-да, лекин давлат хизматчисиинг ҳар бир фаолиятида бу билан боғлиқ ҳолатлар учрашини инобатга олиш керак.

Бу борада амалдаги қонунчилик талабларига қарайдиган бўлсак, судьяни ва маъмурий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларини, прокурорни, экспертни, мутахассисни, таржимонни ва суд мажлиси котибини рад қилиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 21-22-моддалари, фуқаролик процессида судья ва прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлиси котибини рад қилиш Фуқаролик процессуал кодексининг 21-22 моддалари, жиноят процессида судьяни, прокурорни, терговчини, суриштирувчини, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсини ва суд мажлиси котибини рад қилиш Жиноят процессуал кодексининг 80-моддаси, шунингдек иқтисодий суд процесси иштирокчиларини рад қилиш масалалари эса Иқтисодий процессуал кодексининг 20-21-моддалари билан тартибга солинган.

Бундан ташқари, 2018 йил 8 январдаги "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасида маъмурий иш юритишда иштирок этиш имкониятини истисно қилувчи ҳолатлар ҳам белгиланган бўлиб, мазкур ҳолатлар юзага келганда маъмурий орган мансабдор шахси мазкур қонуннинг 32-моддасига асосан ўзини рад этиши керак.

Суд процессида ҳам, бошқа турдаги иш юритиш жараёнида ҳам умумий асосларда айтиш мумкинки, шахснинг ўзини рад қилишига бевосита ишнинг қонуний ҳал қилиниши ва шахсий манфаатдорликка йўл қўйилмаслигини хавфга,

эҳтимолга қолдирадиган қуйидаги ҳолатлар асос бўлади:

ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса;
ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;

ўтмишда хизмат вазифаси юзасидан ёхуд бошқа жиҳатдан тобе бўлганлиги;
олдин мазкур ишни ҳал қилишда иштирок этган бўлса.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатларда ошкор бўлган маълумотлардан ўзга мақсадларда фойдаланиш, қариндошларга иш юритиш жараёнида ёрдам бериш, иш натижасидан манфаатдор бўлиш, бир сўз билан айтганда, холислик ва қонунийлик принциплари бузилиши ва манфаатлар тўқнашуви юзага келишини олдини олиш мақсадида рад қилиш масаласи ҳам муҳим ўрин тутади.

Давлат хизматчилари фаолиятида ўрнатилган чекловлардан яна бири бу мансабдор шахсларнинг бевосита хорижга чиқиши чекланганлигидир, яъни бу борада маълум бир тартиблар ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлиги ва давлат сирлари ҳимоясини таъминлаш, манфаатлар тўқнашуви юзага келишини олдини олиш, шаффоф давлат хизматини ташкил этиш мақсадида мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга хизмат сафарларига чиқиши тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари билан махсус келишув асосида амалга оширилади [10].

Юқоридагилар билан бир қаторда, қонунчиликда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида давлат хизматчиларининг бир корхонада ёки ўзаро бўйсунувда бўлган ташкилотда ишламасликлари, бир вақтда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимда меҳнат фаолиятини олиб бормаликлари, турли ташкилот, шу жумладан хорижий ташкилотларда ишламасликлари, давлат сири ва хизмат сири ҳимоясини муносиб таъминлашлари, акциядор ёки турли корхоналарга улушдор бўлмасликлари бўйича ҳам қатор чеклов ва тақиқлар ўрнатилганлигини ҳам кўришимиз мумкин.

Таҳлилимизни хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида давом эттирадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида чеклов ва тақиқлар рўйхати ягона қонун ҳужжатида белгиланмаган, ҳуқуқий асослари мукамал яратилмаган бўлса-да, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида бу борада ижобий кўрсаткичларни кўриш мумкин.

Россия Федерациясининг "Давлат хизмати тўғрисида"ги Қонунида давлат хизматчиларига ўрнатилган чекловларнинг ягона рўйхати кўрсатилган. Унга кўра, давлат хизматига кириши муносабати билан давлат хизматчисига қуйидагилар тақиқланади:

ўзга лавозимга тайинланиш ва сайланиш (касаба уюшмасига, маҳаллий бошқарув органларига, тижорат ва нотижорат ташкилотларга, колегиал органларга, акциядорлар кенгашларига, сиёсий партияларга. Уларнинг рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади);

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

қимматли қоғозларни сотиб олиш;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланган ҳолларда учинчи шахсларга вакил бўлиш;

ўз хизмат вазифаларини бажариш муносабати ёки шарт билан жисмоний ёки юридик шахслардан совға, моддий қимматликлар, мулклар ёки ўзга афзаллик ва хизматлар олиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлардан ташқари чет эл фуқаролари ва ташкилотлари билан муносабатда бўлиш;

хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда моддий-

техник ва бошқа таъминот воситаларидан, давлат мулкларидан фойдаланиш, шу жумладан бошқа шахсларга бериш;

хизматни ўташ давомида ўзига маълум бўлган ахборотдан ўзга мақсадларда фойдаланиш, шу жумладан уларни бошқа шахсларга бериш;

иш берувчининг рухсатисиз чет эл ташкилотларининг хизмат ёки фахрий мукофотларини олиш, даражаларига (илмий фаолият бундан мустасно) эга бўлиш;

сайловолди ташвиқоти, шунингдек референдумга оид масалаларда ўз лавозимидан фойдаланиш;

халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, хорижий давлатларнинг, чет эл ташкилотларининг мамлакатдаги ваколатхоналари ва бошқа муассасаларига аъзо бўлиш, фаолиятида иштирок этиш;

халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, чет эл ташкилотлари томонидан молиялаштириладиган фаолиятда иштирок этиш [11].

Бундан ташқари, Францияда штатдаги лавозимларни эгаллаш учун француз фуқаролигига эга бўлиш зарур. Штатдан ташқари лавозимларга чет элликларни қабул қилиш мумкин [12, Б.106].

Англияда эса олий мансабдор шахсларга умуммиллий даражада сиёсат билан шуғулланиш тақиқланган. Маҳаллий сиёсий фаолиятда иштирок этиш учун тегишли муассаса раҳбариятининг барча ҳолатларда ҳам берилавермайдиган рухсати ва улар намоён этадиган муассасаларга содиқликнинг мажбурий шарти зарурдир [12, Б.113].

Олимларнинг илмий қарашлари ва бугунги қонунчилик ҳлатидан келиб чиқиб, чеклов ва тақиқ масалаларида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

чеклов ва тақиқларга амал қилиш ва уларни ижросини таъминлашнинг реал механизмлари яратилмаган ва бу ижро тизимида муаммоларни келтириб чиқармоқда;

илмий жиҳатдан ҳам, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам чеклов ва тақиқ институти бу бир-биридан алоҳида масаладир ва шундан келиб чиқиб, қонунчилик асосларини (янги Қонун лойиҳаси нуқтаи назаридан) қайта кўриб чиқиш лозим.

Таҳлиллардан келиб чиқиб, чеклов ва тақиқлар масаласида қуйидаги таклиф ва тавсияларни билдириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, қабул қилиниши режалаштирилаётган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонуннинг амал қилиш доираси ва давлат хизматчиларининг мақомини аниқ белгилаш. Бу нима беради?

Бугунги кунда давлат хизматчиларининг аниқ мақоми белгиланмаган ва бу улар учун чеклов ва тақиқ масалаларини ишлаб чиқишда муаммони юзага келтирмоқда. Бундан ташқари, Қонуннинг қайси соҳаларга нисбатан татбиқ этилиши шу соҳа хусусиятидан келиб чиқиб, хизматчиларга мажбурият, тақиқ ва чеклов масалаларини конкрет белгилашга имкон беради;

иккинчидан, юқорида таҳлил қилинганидек, давлат хизматчилари учун ўрнатилган тақиқ ва чеклов масалалари турли ҳужжатларда ўз аксии топган. Шундан келиб чиққан ҳолда, коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш учун давлат хизматчиларига белгиланадиган тақиқ ва чекловларнинг ягона рўйхатини тузиш лозим;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиларининг тақиқ ва чекловларга амал қилмасликларига нисбатан жавобгарлик масалалари тўлиқ тартибга солилмаган. Хусусан, давлат хизматчисининг турли ташкилотларда ишлаши, тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланиши, акциядор бўлиши ва ҳоказо. Шу нуқтаи назардан, моддий жавобгарлик масаласини белгилаш ўринли, яъни ноқонуний топган даромадини давлат хисобига ўтказиш, солиқ ва даромад

декларациялари асосида ташкилот ҳиобига ушлаб қолиш мумкин;

тўртинчидан, давлат хизмати муносабатларида ўрнатилган ҳар бир тақиқ, чеклов ва мажбуриятларнинг бузилиши тўғрисидаги маълумотларни олиш манбаларини белгилаш лозим, бошқача айтганда, манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериш механизмини такомиллаштириш, бу борада ўз фаолиятида манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши ҳақида хабар берган давлат хизматчисини мукофотлаш, лавозим поғоналарини эгаллашда устуворлик бериш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олишда давлат хизматчисининг чеклов ва тақиқларга қатъий амал қилиши муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан, мазкур масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш ва самарали механизмларни жорий этиш давлат хизматининг самарали ташкил этилишига ва коррупциявий омилларнинг бартараф этилишига имкон беради.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ноздрачев А. Правоограничения государственных служащих // Право и экономика. 1995. - №15. (Nozdrachev A. Legal restrictions on Public servants // Law and economics. 1995. - № 15)

2. Мирбобоев Б., Хусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий ҳуқуқий масалалари. "Академия" нашриёти, Тошкент, 2005 йил. (Mirboboev B., Husanov O., Begmatov A. Organizational and legal issues of the organization of Public service in Uzbekistan. Akademiya Publishing House, Tashkent, 2005)

3. Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ. -Т.: "Фан ва технология", 2008. (Khojiev E., Khojiev T. Administrative Law. -Т.: , 2008)

4. Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонуни, 1996 йил 26 декабрь, 337-І-сон (Law of the Republic of Uzbekistan "On Political Parties", December 26, 1996, № 337-І)

5. Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни, 2001 йил 29 август, 257-ІІ-сон (Law of the Republic of Uzbekistan "On the Prosecutor's Office", August 29, 2001, № 257-ІІ)

6. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни, 2000 йил 14 декабрь, 162-ІІ-сон (Law of the Republic of Uzbekistan "On Courts", December 14, 2000, № 162-ІІ)

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартдаги "Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида"ги 103-сон қарори (Resolution of the Cabinet of Ministers under the President of the Republic of Uzbekistan № 103 of March 6, 1992 "On the list of officials prohibited from engaging in entrepreneurial activity")

8. "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни, 2019 йил 10 декабрь, ЎРҚ-591-сон (Law of the Republic of Uzbekistan "On the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan", December 10, 2019, № -591)

9. "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси, <https://regulation.gov.uz/uz/document/18047> (Law project "On Public service", <https://regulation.gov.uz/uz/document/18047>)

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги "Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги ПҚ-2142-сонли қарори (Order of the President of the Republic

of Uzbekistan in March 5, 2014 №-2142 "On measures to improve the procedure for travel of officials abroad")

11.Россия Федерациясининг "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Федерал Қонуни, 27.07.2004 № 79-ФЗ, https://legalacts.ru/doc/79_FZ-o-gosudarstvennoj-grazhdanskoj-sluzhbe/ (Federal Law of Russian Federation "On Public service" 27.07.2004 № 79-ФЗ, https://legalacts.ru/doc/79_FZ-o-gosudarstvennoj-grazhdanskoj-sluzhbe/)

12.Э.Т.Хожиев, Г.С.Исмаилова, М.А.Рахимова, Давлат хизмати: ўқув қўлланма - Т.: Baktria press, 2015. - 172 б. (E.T.Khojiev, G.S.Ismailova, M.A.Rakhimova, Public service: Handbook - Т.: Baktria press, 2015)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич

Тошкент давлат юридик университети декан ўринбосари

E-mail: tiu-bek@inbox.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): НАРИМАНОВ Б.А. ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 3 (2020), Б.18-29.



№3 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-3-2>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари илк кўринишларининг вужудга келиши, ривожланишининг асосий тенденциялари, Ўзбекистонда мустақилликка қадар нодавлат нотижорат ташкилотлари ривожланишининг асосий хусусиятлари ва мустақилликка эришилгандан сўнг нодавлат секторнинг ривожланиш тенденциялари баён қилинган. Унда аввало нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги туган ўрни ҳамда таҳлил қилинади. Сўнгра даврий нуқтаи назардан Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари илк кўринишлари сифатида хайрия ташкилотлари, хонликлар даврида ёш маърифатпарварлар ҳаракати, Собиқ иттифоқ давридаги турли уюшмаларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилади. Мустақиллик даврида нодавлат нотижорат ташкилотлари соҳасидаги ислохотлар тарихий босқичларга бўлиниб таҳлил қилинади. Тадқиқотлар натижасида олинган билим ва кўникмалар асосида фуқаролик жамияти институтлари ва "учинчи сектор"ни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилади.

Калит сўзлар: нодавлат нотижорат ташкилоти, фуқаролик жамияти, хайрия ташкилотлари, уюшма, "учинчи сектор", касаба уюшмалари, фондлар, тадбиркорлар уюшмалари.

НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич

Заместитель декана

Ташкентского государственного юридического университета

E-mail: tiu-bek@inbox.ru

ИСТОРИЯ И ОСНОВНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются возникновение первых проявлений некоммерческих организаций в Узбекистане, основные тенденции их развития, основные особенности развития некоммерческих организаций до обретения независимости в Узбекистане, а также тенденции развития некоммерческого сектора после обретения независимости. Прежде всего, анализируется роль некоммерческих организаций в системе институтов гражданского общества. Затем, как первые проявления некоммерческих организаций в Узбекистане с точки зрения благотворительных организаций, изучаются движение молодых педагогов в период ханств, особенности различных объединений в период бывшего Союза. Реформы в сфере некоммерческих организаций в период независимости разделены на исторические этапы и проанализированы. На основе знаний и навыков, полученных в результате проведенных исследований, будут внесены предложения по совершенствованию институтов гражданского общества и "третьего сектора".

Ключевые слова: негосударственная некоммерческая организация, гражданское общество, благотворительные организации, Ассоциация, "Третий сектор".

NARIMANOV Bekzod

Deputy dean Tashkent State University of Law

E-mail: tiu-bek@inbox.ru

HISTORY AND MAIN TRENDS OF DEVELOPMENT OF NON-PROFIT ORGANIZATIONS IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

This article discusses the emergence of the first manifestations of non-profit organizations in Uzbekistan, the main trends in their development, the main features of the development of non-profit organizations before independence in Uzbekistan, as well as trends in the development of the non-profit sector after independence. First of all, the role of non-profit organizations in the system of civil society institutions is analyzed. Then, as the first manifestations of non-profit organizations in Uzbekistan from the point of view of charitable organizations, we study the movement of young teachers in the period of khanates, the features of various associations in the period of the former Union. Reforms in the sphere of non-profit organizations during the period of independence are divided into historical stages and analyzed. Based on the knowledge and skills gained from the research, proposals will be made to improve the institutions of civil society and the "third sector".

Keywords: non-governmental non-profit organization, civil society, charitable organizations, Association, "Third sector".

Нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистонда замонавий фуқаролик жамиятини шакллантиришда, демократияни қарор топтиришда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда жуда муҳим бунёдкорлик ролини ўйнайди. Шунингдек, уларнинг иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ умуммиллий ва минтақавий вазифаларни ҳал этишга қўшаётган ҳиссалари тобора салмоқли бўлмоқда.

Бевосита шунинг учун бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотларини

янада ривожлантириш, уларнинг ўтказилаётган ислохотларнинг шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлашдаги ролини кучайтириш, ННТнинг давлат ижтимоий-иқтисодий дастурларини амалга оширишда иштирок этишларининг зарур ҳуқуқий асосларини яратиш масалалари ниҳоятда долзарблик касб этмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар инсоннинг жамоа бўлиб яшаш эҳтиёжида вужудга келади. Шарқ уйғониш даврининг мутафаккири Абу Наср Форобий "Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, унинг бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш кишилик жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интиланган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришмоқ учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон кўпайди ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди [1. Б.18-19]" деб инсоннинг муайян жамиятга бирлашишини изоҳлайди.

Албатта ҳар бир жамият аъзосининг муштарак мақсадларини бирлаштиради. Шу маънода, нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш бу биринчидан, инсоннинг табиий эҳтиёжидан келиб чиқса, иккинчидан, жамиятга бирлашган бошқа инсонларга ёрдам беришга қаратилган инсонгагина хос бўлган хусусиятни кўрсатади.

Жамият институтлар ва бирликларнинг ўзаро муносабатларини қўллаб-қувватлайдиган, янги социал тузилмаларни интеграциялайдиган, ўз мантиғидан келиб чиқиб аҳолининг асосий қисмини ўзига бўйсундирадиган, мазкур ҳудудда яшовчи одамлар ўз хатти-ҳаракатларидаги турли туман социал ўзаро таъсирлар ва алоқаларни ягона негизга уюштиришга ундовчи ва ўзини ўзи мувофиқлаштириш механизмларига эгадир. Жамият - одамлар, бирликлар ва тузилмалар ўзаро таъсирлари ва алоқаларининг тарихан ривожаланувчан, уларнинг биргаликда яшаш жараёнида ўзгариб борадиган ва таркиб топадиган яхлит тизимдир [2. Б. 508].

Индивидларни бирлашишга ундовчи куч, бу уларнинг манфаатларидир. Жамиятга бирлашган инсонларнинг манфаатлари ижтимоий гуруҳнинг манфаатларига айланади. Албатта, бир индивид муайян ижтимоий гуруҳ аъзоси сифатида бошқа ижтимоий гуруҳларнинг ҳам аъзоси бўлишига тўсиқ қўйилиши мумкин эмас.

ННТ атамаси кўпгина давлатлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлсада, аксарият ҳолларда уларнинг конституцияларида бу атама ўрнида жамоат бирлашмаси ишлатилади. Шунингдек, кўпчилик давлатларда ННТга нисбатан махсус юридик таъриф мавжуд эмас.

Сернеанинг фикрига кўра, нодавлат ташкилотлар тараққиётнинг марказида "инсон" омили туриши ва мазкур институт инсонларга ҳукумат билан қиёслаш имконини беради. Лекин нодавлат сектордан жуда катта натижа кутилди ва айрим доираларда "муаммоларни тез ҳал қилиш воситаси" сифатида қаралди [3].

Моррис Сузукининг таъкилашича, нодавлат нотижорат ташкилотлар давлат бошқарувида ўзгаришларга интилиши мумкин, аммо айримлари мавжуд ижтимоий ва сиёсий тизимларни сақлаб қолиш учун ҳам ҳаракат қилиши мумкин. Масалан, ривожланиш ва ўзгаришларнинг муқобил вариантларни ўрганишга интилаётган радикаллар учун нодавлат нотижорат ташкилотларни ўзгариш учун прогрессив восита сифатида кўриш мумкин. Давлатга хусусий алтернативларни излаётган консерватив мутафаккирлар учун нодавлат нотижорат ташкилотларини сиёсий

муаммоларга бозор асосидаги ечимларнинг бир қисми сифатида кўриш мумкин. Бу ерда асосий нуқта нодавлат нотижорат ташкилотлар салоҳиятидан фойдаланиш ҳисобланади [4. Б. 63-84].

Д.Холманова нодавлат нотижорат ташкилотларининг пайдо бўлиши хайрия жамғармалари билан боғлиқ [5. Б. 19] эканлигини келтириб ўтган. Унинг фикрича, мазкур ташкилотларни тадқиқотчи Рим давлатчилигида 4 турдаги юридик шахснинг биттаси хайрия ташкилотлари деб номланганлиги билан асослайди.

Ўзбекистон ҳудудида ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлар ривожланиш тенденцияси ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давом этган.

Садиков фикрига кўра, мамлакатимиз ҳудудига ислом дини ва маданияти кириб келгач давлат ва айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ва хайрли мақсадлар йўлида ажратилган маблағларини йўналтириш закот маблағлари ҳисобидан амалга оширилган [6. Б. 14].

Мазкур фикрни давом эттириб айтиш мумкинки, тарихий нуқтаи назардан хайр-эҳсон ва закот маблағларини тизимли тартибга солиш "Вақф" институти орқали амалга оширилган.

Вақф институти тарихини тадқиқ қилган тарихчи олим Қ. Якубов таъкидлашича, таълим тизими, диний ва жамоат муассасалари, йўл, кўприк, қудуқлар қурилиши, уларнинг мунтазам фаолияти ҳамда бошқа хайрия тадбирлари вақф мулклари келтирган даромад ҳисобидан мунтазам таъминланган. Бу ўзига хос ижтимоий ҳимоя институти, мусулмон жамиятининг эҳтиёжларига хизмат қилиб келган [7. Б. 3].

XX аср бошларида мамлакатимиз ҳудудида Европада, хусусан Туркияда бошланган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат бошқарув фаолиятидаги фаоллиги тенденцияси кўрина бошланди. Бу даврда жадидларнинг фаоллиги таълим соҳасидан сиёсий соҳага ўта бошлади. Р. Абдуллаев, С.Агзамходжаев ва И.Алимов таъкидлашларича, XX аср бошларида мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги таназули фонида тараққийпарварлар таълим, маърифат, маданият, санъат, хайрия соҳаларида зиёлилар ҳаракати сифатида сиёсий майдонга чиқа бошлади. Улар ташаббуси билан 1917 йилда "Клуб исломия", Кўқонда "Мирважул ислом", Андижонда "Озод халқ", Каттақўрғонда "Равнақул ислом", Хўжандда "Муайян ат-толибийн" каби ташкилотлар ташкил этилди. Шулардан "Шўрои исломия" ташкил этилганлиги Туркистон сиёсий ҳаётида катта янгилик бўлди [8. Б. 16].

Собиқ Иттифоқ даврида совет ҳокимияти "Ишчи-деҳқон"ларни тараққийпарварлардан ажратиб олиш ва коммунистик партия мафкураси доирасида сақлаш учун деҳқонлар ёки чўпонлар каби касб эгаларининг уюшмаларини ташкил этишга ҳаракат қилди.

1920 йилдан Коммунистик партия V қурултойида "Ишчи деҳқонлар" уюшмасини ташкил этиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Мазкур иттифоқ халқ тилида "Кўшчи" деган ном билан танилди ва унинг Уставига асосан қишлоқ хўжалигидаги банд аҳоли унга аъзоликка қабул қилинди. Хусусий тадбиркорлар, диний ташкилотлар ходимлари уюшма аъзоллигига қабул қилинмади. Совет ҳокимияти маъмурий усуллардан фойдаланиб уюшма аъзолари сонини 1921 йилда 9 минг нафарга, 1923 йилда 261 минг нафарга етказишга эришишди [9. Б. 28].

Фикримизча, совет ҳукумати "Кўшчи" уюшмаси ниқоби остида Марказий Осиёда (Қозоғистонда кўшчилар "кедей" деб юритилган) мўйян меҳнат фаолияти билан шуғулланмайдиган шахсларни ажратиб олиш бўлган. Кейинчалик мазкур ҳисобнинг юритилиши "қулоқлаштириш" сиёсатини амалга оширишга омиллардан бири

бўлиб хизмат қилган.

Октябрь тўнтаришидан сўнг совет ҳукумати Шарқ аёлларини озодликка чиқариш кампанияси кучайиб, аёлларнинг "Ҳужум" ҳаракати ташкил этилиб, унинг асосий мақсади кўпхотинликка қарши кураш, балоғат ёшига етмаган қизларни барвақт турмушга чиқишини олдини олиш ва қалин пулини йўқ қилиш эди [10. Б. 457].

Ўзбекистон ССР тузилгач, Республика бошқарувининг энг осон ва оддий, лекин шу билан бирга самарали шакли Марказдан иттифоқ республикаларигача моделлаштириш амалга оширилди. Бутун Иттифоқда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам энг оммавий ташкилот касаба уюшмалари бутунлай партия қўмиталарига қарам ҳолда ташкил этилди. 1925 йил 21 март Ўзбекистон касаба уюшмалари қурултойига асос солинди.

Собиқ Иттифоқ даврида нодавлат нотижорат ташкилотлар совт мафкурасининг кучли таъсирида бўлиб, нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш ёки унга уюшиш ҳуқуқи коммунистик партиянинг у ёки бу мақсадларни амалга оширишга қаратилган эди.

Бугунги кунда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро муносабатининг асосий хусусиятлари, яъни икки субъект ўзаро бир-бирининг ишларига аралашмаслик ёхуд ижтимоий фойдали лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш тенденцияси ўрнига нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан давлат ва жамиятни бошқариш тизими ўрнатилган эди.

Собиқ Иттифоқ даврида ташкил этилган барча нодавлат нотижорат ташкилотлар коммунистик партия "буюртма"сига кўра ташкил этилган. Бу эса ўз навбатида Конституцияда белгилаб берилган уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқини бошқа бир нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан чекланиши деб баҳолашга асос бўлади.

Ўзбекистон ССР Конституцияси моҳиятан Собиқ Иттифоқ Конституциясидан кўчириб олинган эди. Масалан, Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Конституциясининг 49-моддасида белгиланган "Коммунистик қурилиш мақсадларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сиёсий фаолият ва ўз-ўзини ривожлантиришга кўмаклашувчи жамоат ташкилотларида бирлашиб, уларнинг хилма-хил манфаатларини қондириш ҳуқуқига эгадирлар. Жамоат ташкилотлари ўз устав вазифаларини муваффақиятли амалга оширишлари учун шарт-шароитлар кафолатланади [11], деб белгиланганлиги фуқароларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларни ташкил этиш ва уларга уюшиш ҳуқуқи коммунистик мафкура асосида чекланганлигини кўрсатиб турибди. Мазкур норма амалда фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи буткул партия сиёсий иродасига бўйсундирилганлигининг яққол намунасидир.

Мустақиллик даврида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси ва у асосда қабул қилинган қўллаб қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида ривожланиб борди.

Шу соҳада тадқиқот қилган тадқиқотчи олим Ш. Назаров "учинчи сектор"га оид ислоҳотларни, амалга оширилган ишларни мустақиллик давридаги тарихий ривожланишдан келиб чиқиб, шартли равишда уч босқичга ажратади [12. Б. 21]:

Дастлабки босқич (1991-2000 йиллар). Мазкур босқич мустақил Ўзбекистон сиёсий тизими пойдеворини барпо этиш соҳасида пухта ва жиддий иш олиб борилган давр бўлди. Маълумки, истиқлолгача юртимизда ҳақиқий маънодаги сиёсий партия ҳамда кўппартиявийлик бўлмай, яқка мафкура, ягона партия ҳукмронлиги ўрнатилган эди. Фақат мустақилликка эришилгандан кейингина мамлакатимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги қатъиян конституциявий асосда

белгиланиб, ҳақиқий маънодаги сиёсий партиялар фаолият кўрсатиши учун зарур ҳуқуқий база яратилди.

Иккинчи босқич (2001-2010 йиллар). Бу босқичдаги устувор йўналишларнинг барчасини ўзига қамраб олган энг муҳим вазифа мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини янада эркинлаштиришдан иборат бўлди. Бу босқичда мустақил ривожланиш йилларида тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш, ривожланган мамлакатларнинг давлат қурилиши ва бошқаруви бўйича босиб ўтган йўлини чуқур тадқиқ этиш асосида ижобий тажрибани ўтган йиллар мобайнида тўпланган миллий тажрибамиз билан уйғунлаштириш асосида жамиятимизни демократлаштириш ва янгилашнинг концепциясини, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ этиш бўйича асосий вазифалар белгилаб олинди.

Учинчи босқич (2010 йил - ҳозирга қадар). Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма йиғилишидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида жамоат бирлашмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан қатор таклифларни илгари сурдилар. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш; атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат ноижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш; фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ - ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг родини кучайтиришда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиш каби таклифлар шулар жумласидандир .

Ш.Якубов давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари доирасида мустақилликнинг дастлабки йилларида Конституция қонунларда турли жамоат бирлашмалари фаолиятига оид асосий принципларнинг мустақамлаб қўйилгани ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида бошланган ислоҳотларни "учинчи сектор" фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланганлигини эътироф этади [13. Б. 46].

А.Жалилов ва бошқаларнинг Фуқаролик жамияти асослари ўқув қўлланмасида [14. Б. 160] Асосий Қонунимиз билан ННТлар фаолиятига доир асосий тамойилларнинг мустақамлаб қўйилгани ва унинг асосида қабул қилинган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асослари ривожлантирилганига эътибор қаратади. Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июнда қабул қилинган "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чоратadbирлар тўғрисида"ги қарори ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш борасида янги давр бошлаб берганини эътироф этади. Ислоҳотларнинг мазкур босқичида олий қонунчилик органи ҳузурида Нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилади. Ўзбекистон

Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ушбу муҳим соҳада ислохотларнинг муҳим босқичи бошланганлиги "Ижтимоий шериклик тўғрисида" ҳамда "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги кўплаб муҳим қонунлар қабул қилинганлиги билан асослаб берган.

М.Моховикова ўзининг диссертациясида Ўзбекистонда давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотлар ўзаро ҳамкорлигини тадқиқ қила туриб Ўзбекистонда ННТлар ривожланишининг илк босқичларини Ҳукумат ижтимоий фаолликни ННТ форматидаги ижтимоий йўналтирилган фаолиятга айлантирилганлиги билан асослантиради. Шунингдек, у Ўзбекистонда ижтимоий шериклик, жамоат фонди каби механизмлар ва замонавий иш шаклларида фойдаланишга қарамай советча тажрибаси асосида давлат томонидан йирик жамоат ташкилотларини тузиш каби ўзига хос ривожланиш йўлини келтириб ўтади [15; Б. 26].

Бизнингча, Ўзбекистонда ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожланиши турли йилларда қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан чамбарчас боғлиқ.

Шартли равишда ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожланишини 3 та муҳим босқичдан иборат деб олиш мумкин:

Биринчи босқич. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши ва мамлакат Бош қомусининг қабул қилиниши билан "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги (1991), "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги (1994), Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995-1996), "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги (1996), "Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида"ги (1999) қонунлари қабул қилиниб ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосининг пойдевори ўрнатилди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 18 февралдаги "Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлиги масалалари" қарорига [5;] асосан жамоат бирлашмалари билан алоқаларни таъминлаш, уларнинг уставларини рўйхатдан ўтказиш ва ана шу уставларга риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш ишларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлигига мазкур вазирликнинг марказий аппаратида жамоат бирлашмалари бўйича Бошқарма, Қорақалпоғистон МССЖ Адлия вазирлиги, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси адлия бошқармаларида тегишли бўлимлар тузилиб, ЎзССЖ Адлия вазирлиги бошқарув системаси аппарати ходимларининг сонини 60 кишига, шу жумладан, Вазирлик марказий аппаратининг сонини 20 кишига кўпайтиришга рухсат этилиши белгиланди.

Демак, мазкур босқични асосий жиҳатларини таҳлил қилиб, биринчидан, ННТлар ҳуқуқий асоси конституциявий норма билан мустаҳкамланганлиги, иккинчидан, кўппартиявийлик тизимининг ҳуқуқий асоси яратилганлиги, учинчидан, давлат ва ННТлар ўртасидаги муносабат, хусусан ННТларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни назорат қилиш механизми ўрнатилганлигини кўришимиз мумкин.

Мазкур институционал ва ҳуқуқий асослар Ўзбекистонда ННТлар давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши учун етарли эмас эди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги "Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2005 йил 10 мартдаги "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш

ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида"ги Қарори ННТлар ташкилий ҳуқуқий асосини ривожланиши борасида янги даврни бошлаб берди. Мазкур босқичда "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги (2004), "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги (2007), "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Иккинчи босқич. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Парламентнинг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма йиғилишида илгари сурган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" ҳуқуқий асос сифатида "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилинишига олиб келди.

Мазкур босқичда қуйидаги Ўзбекистонда ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асослари ривожланиши бўйича қуйидаги муҳим

Биринчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизми белгиланди. Бу борада жамоатчилик назорати институтига 2014 йилда Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида конституциявий мақом берилди. Мазкур ислохотлар билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ННТларининг роли ва ўрнини оширди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги "Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида ННТ фаолияти ва молиявий ҳолатининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасида белгиланган юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда уларни тугатиш учун асос бўлишини назарда тутувчи қоида ННТларга жорий этилмаслиги мустақкамлаб қўйилди. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи миқдори 5 бараварга, уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимлар миқдори 2,5 бараварга камайди, Ўзбекистон Республикасида ННТнинг алоҳида бўлинмаларини давлат рўйхатидан ўтказишда давлат божи олинмаслиги, давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатлари икки ой муддат ўрнига бир ой муддатда кўриб чиқилиши белгиланди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, шунингдек, фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилиши давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлашнинг институционал асосини белгиланишига олиб келди. Мазкур тузилмалар ННТларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очиқ, ошқора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлашга қаратилган.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ННТ фаолият кўрсатишининг

қонунийлигини таъминлаш Адлия вазирлигига юклатилиши ННТ ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ривожланиш дастурларини амалга ошириш, маҳаллий, халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан тизимли мониторинг олиб боришнинг ҳуқуқий механизмини белгилади. Мазкур ҳужжатларга асосан адлия органлари ННТ тадбирларига эркин кириш имкон бериши ҳамда солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган низомга асосан ННТ адлия органига ҳар йили 1 февралгача - ўтган йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиши ва фаолиятни молиялаштириш манбалари ва маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги декларацияни, мавжуд аъзолар сони тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишлари шартлиги белгиланган.

2015 йил 8 июнда "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тадбирларини келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари тасдиқлаш тўғрисида"ги, "Аккредитация карточкасининг шаклини тасдиқлаш тўғрисида"ги ҳужжатлар асосида ННТнинг адлия органлари билан муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш механизми белгиланди. Масалан, ҳисобот шаклларида ННТларнинг рўйхатдан ўтиши билан боғлиқ маълумотлар, банк реквизитлари, раҳбарлари ва раҳбар органлари, ходимларга оид маълумотлар, почта манзили, аъзолари, ҳамкорлари, уларнинг таъсисчилигида очилган тадбиркорлик субъектлари, оммавий ахборот воситалари, лицензияланадиган фаолият турлари, устав доирасида амалга оширилган ишлари, шу билан бирга фаолиятини молиявий таъминлаш маблағлари ҳамда ташкилотни текшириш (мониторинг қилиш) ҳақидаги маълумотларни кўрсатиш

Учинчи босқич. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур босқичда ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни қуйидаги 3 та муҳим қисмга ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида амалий ва самарали мулоқот механизмлари йўлга қўйиш мақсадида қабул қилинган "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди. Бундан ташқари, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра 2018 йил 1 июндан бошлаб рўйхатдан ўтказувчи орган билан ННТнинг тадбирларини келишиш тартиби режалаштириладиган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш тартиби билан алмаштирилди. Шунингдек, худди шу санадан бошлаб, ННТга чет давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлар, чет давлатларнинг фуқароларидан келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишилгандан сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз фойдаланиш имконияти берилди. Жамоат фондлари ҳар йилги маъмурий харажатлар барча харажатлари суммасининг максимал чегараси 20 фоиздан 30 фоиз этиб деб белгиланди. Бу

борада "учинчи сектор" ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишиш мажбурий тартибда амалга оширилиши белгиланди. [16]

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4473-сон Қарори билан тасдиқланган амалий чора-тадбирлар режасининг 8-бандида илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва шаклланган миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти асосида Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш белгиланди. Мазкур кодексни қабул қилишдан асосий мақсад ННТлар соҳасидаги қонун ва қонун ости ҳужжатлари нормаларини ягона кодексга бирлаштириш, ННТларга давлат хизматларини очиқ, ошкора кўрсатишни таъминлаш мақсадида барча маъмурий-тартиб-таомилларни электрон шаклда амалга ошириш, умуман давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан муносабатларини демократлаштириш ҳисобланади. [17;]

ННТларга адлия органлари билан боғлиқ барча хизмат ва алоқаларни электрон шаклда амалга ошириш имконини берувчи E-ngo.uz сайти синов режимида ишга туширилди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонида асосан Жамоатчилик палатаси қўйидаги бир қатор вазифаларни амалга ошириш мақсадида тузилди:

фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини фаоллаштиришга ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этишга кўмаклашиш;

аҳоли фикрини тизимли ўрганиш орқали ечимини кутаётган долзарб масалалар муҳокама қилиш ва уларнинг ечими бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифларни киритиб бориш;

фуқаролик жамияти институтларининг жамият ва давлат ривожига қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва соҳадаги ҳолат ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида йиллик маърузалар тайёрлаш;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда фуқаролик жамияти институтларининг амалий ва самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишга кўмаклашиш ҳамда мазкур масала бўйича жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш;

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини кучайтириш, уларга услубий ва бошқа амалий ёрдам кўрсатиш;

муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, жамоатчилик билан маслаҳатлашув ва эшитувларини ташкил этиш орқали норма ижодкорлиги сифатини тубдан яхшилашга кўмаклашиш ва бошқалар.

ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожланишини қўйидаги рақамлар яққол кўрсатиб турибди. Жумладан, ННТларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг ривожланишини ўрганган биринчи босқичнинг боши яъни 1991 йилда ННТлар сони 100 та бўлган бўлса 2000 йилда қарийб 2000 тани ташкил этган. Иккинчи босқичда, яъни 2015 йилда 8 219 тани ташкил этган ҳолда учинчи босқич, яъни 2019 йил 1 июль ҳолатига 10194 та ННТ рўйхатидан ўтказилган. ННТлар ҳуқуқий асосларига назар ташлайдиган бўлсак, 2020 йилга қадар соҳага оид 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг тарихи ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожланиши ҳамда асосий тенденцияларни тадқиқ этиб

қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

1. Фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш ҳамда жамият ривожланишига қўшган ҳиссасини инобатга олган ҳолда уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари ва методологияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Унда фуқаролик жамияти институтларининг самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари мезонлари сифатида ижтимоий фойдали лойиҳалар сони, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар ва улар асосида иш жараёни ва қонун ҳужжатларига киритилган тегишли ўзгартиришлар, жамоатчилик назорати соҳасида фаоллик даражаси кабиларни келтириш мумкин.

Хориж тажрибасидан маълумки, ҳомийлик ва хайрия фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти ҳақидаги маълумотлар бир қатор бир биридан мустақил манбаларда эълон қилинади. Турли рейтинг агентликлари фондлар фаолиятини таҳлил қилиб уларнинг рейтингларини эълон қилиб боради. Мазкур ҳолат ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга оширувчилар учун ҳам ўзига хос ҳисобот вазифасини ўтайди.

2. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини жамоатчилик томонидан назоратига солиш учун нодавлат нотижорат ташкилотларининг Этика кодексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш лозим.

3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш" деб номланган бўлиб, бўлимнинг мазкур номланиши халқаро тажрибага ҳамда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро муносабатларни тартибга солишга қаратилган демократик принципларга мос келмайди. Шу сабабли, хорижий мамлакатлар қонунчилиги тажрибасидан келиб чиқиб, мазкур нормаларни "Давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари муносабатлари" деб номлаш мақсадга мувофиқ.

4. Бугунги кунда, коронавирус пандемияси даврида ННТларни давлат рўйхатидан ўтказишни хабардор қилиш тартибида амалга оширишни жорий этишни эксперимент сифатида қасаба уюшмаларидан бошлаш мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сессияларида иштирок этувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг доимий вакили институтини жорий этиш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатаси кўрилаётган масала хусусиятидан келиб чиқиб, муайян фуқаролик жамияти институтларини сессияларда иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Абу Наср Фарабий. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент: А.Қодирий ном. Халқ мероси нашриёти. 1993. - Б.18-19. (Abu Nasr Farabi. Treatise on the views of the residents of the virtuous city. Tashkent: Publishing house "National heritage" named after Kadyri. 1993. - P. 18-19.)

2. Джери Дж., Джери Дж. Большой толковый социологический словарь. Том 1. - Москва, 1999. - С.508. (Jerry J., Jerry J. Large explanatory sociological dictionary. Volume 1. - M., 1999. - P. 508.)

3. Cernea M. M. (1988). Non-governmental organizations and local development, world bank discussion papers. Washington, DC: World Bank.

4. Morris-Suzuki T. (2000). For and against NGOs. New Left Review, March/April, 63-84.

5. Холманова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни. Юрид. фан. ном.... дис.

ТДЮУ, Тошкент, 2012. <http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/37583> (Xolmanova D.R. The role of non-governmental non-profit organizations in the system of public associations in the Republic of Uzbekistan. Dissert. cand. of jur. sciences. TSUL, Tashkent, 2012.).

6. Садыков Н., Котова Л. Неправительственные организации - основа гражданского общества создаваемого в Узбекистане - Ташкент. 2000 (Sadykov N., Kotova L. Non-governmental organizations - the basis of civil society created in Uzbekistan. - Т., 2000.).

7. Якубов Қ.К. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошида Хива хонлигида вақф институти (тарихий-манбашунослик таҳлили). Тарих фан. б. фал. док. ном.... дис. Тарих институти, Тошкент, 2018. <http://library.ziyouet.uz/ru/book/download/94686> (Yakubov Q.K. The second half of the XIX century - the institute of waqf in the Khiva khanate in the early XX century (historical-source analysis) doct. disser. in phil. of hist. The Institute of History. - Т., 2018.).

8. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости // Коллектив авт.: Р.М. Абдуллаев, С.С. Агзамходжаев, И.А.Алимов ва бошқ. - Т.: "Шарқ" 2000. - 672 с. (Turkestan at the beginning of the 20th century: to the history of the origins of national independence // Collective auth. : R.M. Abdullaev, S.S. Agzamkhodjaev, I.A. Alimov. - Т., 2000. - 672 p.).

9. Давлет-Юсупов М.Х. Союз "Кошчи" и его роль в укреплении советской власти в Туркестане (1919-1924 гг.). - Т., 1953. - С.28. (Davlet-Yusupov M.Kh. The Koshchi Union and its role in strengthening Soviet power in Turkestan (1919-1924). - Т., 1953. - P. 28.).

10. Ўзбекистон тарихи. - Т., "ЎЗАЖБНТ" Маркази, 2003. - 456 б. (History of Uzbekistan. Т., "UZAJBNT" Center. - Т., 2003. - 456 p.).

11. <http://nodussr.ru/konstituciya-uzbekskoj-ssr>.

12. Ш.Назаров. Конституция ва жамоат бирлашмалари. / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор А.Х.Саидов. - Тошкент: ТДЮИ, 2012. - 30 б. (Sh.Nazarov. Constitution and public associations. / Editor-in-Chief Doctor of Law, Professor A.Kh. Saidov. - Т., 2012. - 30 p.).

13. Якубов Ш. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари / Монография. - Т., 2018 - 206 б. (Yakubov Sh. Legal mechanisms of cooperation between state and civil society institutions / Monograph. - Т., 2018. - 206 p.).

14. Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма/ А. Жалилов, Ў. Мухамадиев, Қ. Жўраев. - Тошкент, 2015. - 264 б. (Fundamentals of Civil Society: Textbook / A. Jalilov, U. Muhamadiev, Q. Juraev. - Т., 2015. - 264 p.).

15. Моховикова М.Н. Взаимодействие государства и негосударственных некоммерческих организаций в Узбекистане. Автореф. дис. ... канд. полит. наук. - Москва, 2016. - С. 26-27. (Mokhovichova M.N. The interaction of the state and non-governmental non-profit organizations in Uzbekistan. - М., 2016. - P. 26-27.).

16. Маҳмудов З. Фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий веб сайти / <http://uza.uz/oz/society/fu-arolik-zhamiyatining-mu-im-b-ini-26-06-2015> (Mahmudov Z. An important link in civil society.).

17. Эшбоев Р. Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган имтиёзлар. Адолат газетаси расмий веб-сайти https://adolatgzt.uz/news_latest/glavnaya-novosty/4755 (Eshboev R. Privileges provided to non-governmental non-profit organizations.).

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

ИСМАИЛОВ Баходир Исламович

Начальник Научно-образовательного центра противодействия коррупции
Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан,
доктор юридических наук, профессор
E-mail: ismoiliy1965@gmail.com

МАМАНОВ Сардоржон Собир угли

Слушатель Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан
E-mail: sardormamanov@mail.ru

ФОРМИРОВАНИЕ СИСТЕМ КОМПЛАЕНС КОНТРОЛЯ КАК ЭФФЕКТИВНОГО ИНСТРУМЕНТА ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ В ЧАСТНОМ СЕКТОРЕ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ИСМАИЛОВ Б.И., МАМАНОВ С.С. РОЛЬ ФОРМИРОВАНИЕ СИСТЕМ КОМПЛАЕНС КОНТРОЛЯ КАК ЭФФЕКТИВНОГО ИНСТРУМЕНТА ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ В ЧАСТНОМ СЕКТОРЕ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 3 (2020), С.30-36.



№3 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-3-3>

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются понятие, роль и значение системы комплаенс-контроля, которая считается одной из эффективных систем в сфере противодействия коррупции в частном секторе, история ее формирования, сущность правовых документов, особенности системы предупреждения и оценки коррупционных рисков.

Ключевые слова: частный сектор, комплаенс контроль, история, международно-правовая база, коррупционные риски, комплаенс политика.

ИСМАИЛОВ Баходир Исламович

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси Коррупцияга қарши курашиш Илмий-таълим маркази бошлиғи,
юримдик фанлар доктори, профессор
E-mail: ismoiliy1965@gmail.com

МАМАНОВ Сардоржон Собир ўғли

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тингловчиси

ХУСУСИЙ СЕКТОРДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш соҳасида самарали тизимлардан бири ҳисобланган комплаенс назорат тизимининг тушунчаси, ўрни ва ахамияти, унинг шаклланиш тарихи, халқаро тажрибада қандай ҳуқуқий ҳужжатларда акс этгани, тизимнинг коррупциявий хавфларни олдини олиш ва баҳолашдаги ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: хусусий сектор, комплаенс назорат тизими, шаклланиш тарихи, халқаро қонун ҳужжатлари, коррупциявий хавфлар, комплаенс сиёсати.

ISMAILOV Bahodir

Head of Scientific and Educational Anti-corruption center Academy of
the Prosecutor General Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences, professor

E-mail: ismoiliy1965@gmail.com

MAMANOV Sardorjon Sobir ugli

Trainee of the Academy of the General Prosecutor's Office
of the Republic of Uzbekistan

E-mail: sardormamanov@mail.ru

FORMATION OF COMPLIANCE CONTROL SYSTEMS AS AN EFFECTIVE INSTRUMENT OF COMBATING CORRUPTION IN THE PRIVATE SECTOR

ANNOTATION

This article examines the system of compliance control, its concept, history, international legal basis, role and importance of this system, its peculiarities in prevention and evaluation of corruption risks. The system of compliance control is argued as one of the effective systems in combating corruption in private sector.

Keywords: private sector, compliance control, history, international legal basis, corruption risks, compliance policy.

Вопросы противодействия коррупции, в особенности в частном секторе, обретают особую актуальность в условиях усиления конкуренции на мировых рынках, активизации транснациональной преступности, увеличения ущерба от совершаемых коррупционных преступлений.

Анализ зарубежной практики показал, что в странах с рыночной экономикой обеспечение соответствия деятельности хозяйствующих субъектов установленным законодательством требованиям и стандартам осуществляется службами комплаенса. Под "комплаенс контролем" или соответствием требованиям законодательства подразумевается часть системы управления/контроля хозяйствующего субъекта, связанная с предупреждением рисков несоблюдения требований национального антикоррупционного законодательства, нормативных документов, правил и стандартов надзорных органов, отраслевых кодексов поведения, систем предупреждения конфликтов интересов и т.д.

Комплаенс (англ. compliance - согласие, соответствие; происходит от глагола to comply - исполнять) - буквально означает действие в соответствии с запросом

или указанием; повиновение (англ. compliance is an action in accordance with a request or command, obedience) [1, С.45]. "Комплаенс" представляет собой соответствие внутренним или внешним требованиям или нормам.

Цель внедрения системы "Комплаенс" - это создание эффективных механизмов по выявлению и анализу коррупционно-опасных сфер деятельности, оценка и управление правовыми и финансовыми рисками при возникновении коррупционных отношений, обеспечение комплексной защиты бизнеса от различных правовых, налоговых, экономических, репутационных, санкционных и иных угроз.

"Комплаенс-контроль" как корпоративная идеология выступает в качестве средства пропаганды, направленного на продвижение требований в соответствии с внутренним нормативам предприятия и общепринятым социальным ценностям. Реализация такой "комплаенс" идеологии предполагает формирование условий для того, чтобы представители компании при совершении определенных действий руководствовались стандартами, которые предполагает комплаенс контроль. Если в нашей стране корпоративная идеология комплаенс находится на этапе зарождения, то в большинстве развитых государств различные направления комплаенс-контроля прочно вошли во все отрасли бизнеса и хозяйственно-экономической деятельности.

В 1978 г. Европейский комитет по проблемам преступности Совета Европы рекомендовал законодателям европейских государств признать юридические лица субъектами уголовной ответственности за экологические преступления. Такая же рекомендация содержится и в решениях периодически проводимых Конгрессов ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями. Наконец, весьма важным документом по рассматриваемой проблеме стала Рекомендация № (88)18 Комитета Министров стран - членов Совета Европы по ответственности предприятий - юридических лиц за правонарушения, совершенные в ходе ведения ими хозяйственной деятельности.

Тем не менее вышеуказанные идеи пока не получили всеобщего признания. В подавляющем большинстве стран романо-германской системы права, законодатель по-прежнему полагает, что для эффективной борьбы с крупными экологическими и хозяйственными правонарушениями корпораций достаточно институтов административной и гражданской ответственности.

С принятием 31 октября 2003 г. Конвенции ООН против коррупции требование закрепляется в императивном порядке. В соответствии со ст. 12. "Каждое Государство-участник принимает меры, в соответствии с основополагающими принципами своего внутреннего законодательства, по предупреждению коррупции в частном секторе, усилению стандартов бухгалтерского учета и аудита в частном секторе и, в надлежащих случаях, установлению эффективных, соразмерных и оказывающих сдерживающее воздействие гражданско-правовых, административных или уголовных санкций за несоблюдение таких мер" [2, С.36].

Комплаенс зародился в самом начале XX века, а именно в 1906 году, когда в США было создано FDA - Food and Drug Administration [3, С.78]. Агентство стало регулятором в области фармацевтической и пищевой промышленности и создавало правила, которым участники рынка были обязаны следовать.

Однако, толчком бурного развития комплаенс в США стали скандалы 60-70 гг. XX века, и, в частности, Уотергейтский скандал, вскрывший многочисленные случаи коррупции, в том числе и в частных компаниях. Результатом этих скандалов стало принятие Акта о коррупции зарубежом 1977 года (FCPA - Foreign Corrupt Practices Act). FCPA установил жесткие правила контроля, ввел требования к

бухгалтерской и финансовой документации, установил правила взаимоотношений с государственными чиновниками.

Закон вводит "запрет на использование в коррупционных целях почты и любых других средств и инструментов трансграничной торговли для поддержки, осуществления и продвижения предложений, выплат, обещаний произвести какие-либо выплаты, или же для разрешения на передачу каких-либо денег, предложений, подарков, обещаний или разрешения на предоставление чего-либо ценного для иностранного должностного лица, политической партии и её функционеров, кандидата на иностранный государственный пост, какого-либо лица в случае осведомлённости, что эти деньги, обещания и т.п. предназначены иностранному должностному лицу, партии, её функционерам или кандидату" [4, С.24].

Вместе с принятием FCPA в конце 70 годов XX века в США создается целый ряд регуляторов в других отраслях.

Ряд коррупционных скандалов 80 годов в США, и, в частности, скандал, связанный с закупками оружия для американской армии, направил вектор развития комплаенса не только в область соблюдения императивных норм права, но и этических правил ведения бизнеса.

В начале 90х принимаются Federal Sentencing Guidelines (разъяснения о порядке применения уголовного наказания для организаций), которые содержат в себе четкие инструкции по созданию эффективной программы в области комплаенс, и, в том числе, правил этического регулирования, а в 2004 году они были дополнены положениями о необходимости знания менеджментом основных условий комплаенс программ.

Девяностые годы запомнились чередой масштабных корпоративных скандалов. Так, в 2001 году обанкротилась компания ENRON (крупнейшая энергетическая компания в США). Причиной банкротства стали серьезные внутренние нарушения деятельности, большое количество офшоров, в которые выводились активы компании, ну а кроме того, и фальсификация отчетности, в частности, завышение размера убытков. За ENRON камнем полетела и компания Arthur Andersen - аудитор ENRON, которая участвовала в подготовке документации.

Анализируя причины кризиса ENRON, большинство аналитиков сходятся во мнении, что это отсутствие эффективной системы внешнего и внутреннего контроля, противоречие между интересами менеджеров высшего звена и интересами корпорации в целом.

После скандала 2001 года внимание американских контролирующих органов усилилось, а это привело к пересмотру многими компаниями своей бизнес стратегии и созданию специальных служб, которые отслеживали соблюдение норм закона и этических правил, контролировали внутреннюю финансовую документацию.

Скандал с ENRON привел к принятию 30 июля 2002 г. Закона Сарбейнза-Оксли (Sarbanes-Oxley Act, SOX), который серьезно ужесточил требования к финансовой отчетности организаций, а кроме того, установил обязанность принятия кодексом корпоративного поведения, а также предоставления отчетности американским регуляторам.

Начиная с 2002 года, любая компания в мире, акции которой котируются на Нью-Йоркской Фондовой Бирже, подчиняется требованиям американского законодательства, в соответствии с которыми она обязана внедрить у себя корпоративную систему комплаенс (КСК) [5, С.41].

2006 год отмечен серьезным коррупционным скандалом - делом Siemens после

которого наличие комплаенс службы в транснациональных корпорациях становится безусловно обязательным, да и не столь крупные компании, работающие на рынке одной страны, начинают серьезно относиться к комплаенс вопросам. Закон США о налогообложении иностранных счетов (Foreign Account Tax Compliance Act - FATCA) принят 18 марта 2010 г. № 111-147 вступил в силу с 1 января 2013г.

Требования FATCA установлены гл. 4, разд. А Налогового кодекса США (секции 1471-1474) (Chapter 4 of Subtitle A, sections 1471-1474 of the Income Revenue Code), Инструкцией Казначейства США "О порядке передачи информации иностранными финансовыми институтами и удержанию налога в отношении некоторых платежей, совершенных иностранным финансовым институтам и другим иностранным компаниям" (Федеральный реестр, т. 79, № 44 от 6 марта 2014 г.) (Department of Treasury Internal Revenue Service Regulation Relating to Information Reporting by Foreign Financial Institutions and Withholding on Certain Payments to Foreign Financial Institutions and Other Foreign Entities) [6,С.27] и другими нормативно-правовых актами государственных органов США, которые упоминаются в Инструкции Казначейства.

Закон Великобритании "О взяточничестве" (Bribery Act of 2010) принятый 8 апреля 2010 года направлен на предотвращение взяточничества как непосредственно на территории Великобритании, так и за рубежом [7].

Можно выделить ряд основных особенностей вышеуказанных законов, отличающихся от антикоррупционного законодательства других стран. В законодательстве многих стран, основной упор традиционно делался на меры контроля в отношении потенциальных взяткополучателей - государственных служащих и иных лиц, выполняющих государственные функции. Закон Великобритании "О взяточничестве" направлен, прежде всего, на внедрение механизмов предотвращения коррупции потенциальными взяткодателями - коммерческими фирмами.

К компетенции комплаенс-контроля также относится большой блок работы, посвященный соответствию международным стандартам и законам о налоговой дисциплине.

После вступления в действие FATCA, европейские регуляторные органы подготовили свою версию закона о налоговой дисциплине Стандарт по автоматическому обмену информацией о счетах для налоговых целей Организации экономического сотрудничества и развития от 21 июля 2014 г. (Organisation for Economic Co-operation and Development Standard for Automatic Exchange of Financial Information in Tax Matters (Common Reporting Standard - стандарт CRS. Данные нормативные акты, по сути, являются экстерриториальными законами, распространяющими свое действие на все финансовые институты мира.

Обязательства по участию в CRS приняли на себя 90 стран. С 2017 г. большинство из них обязали финансовые институты предоставлять информацию о счетах клиентов - налоговых резидентов каждой из стран-участниц, которой впоследствии будут обмениваться налоговые службы данных стран.

К вопросам комплаенс-контроля также относят координацию и контроль соблюдения организацией режима международных санкций при проведении операций. Под международными санкциями понимаются принудительные меры политического, дипломатического или экономического характера, введенные какой-либо международной организацией, правительством иностранного государства или уполномоченным государственным органом иностранного государства и предусматривающие частичный или полный запрет на осуществление торговых, финансовых и иных операций с государством и/или его резидентами,

в отношении которых установлены санкции.

Соответствие законам, правилам и стандартам в сфере комплаенса обычно касается таких вопросов, как соблюдение надлежащих стандартов поведения на рынке, управление конфликтами интересов, справедливое отношение к клиентам и обеспечение добросовестного подхода при консультировании клиентов.

К сфере комплаенса относятся также специфические области, такие как: противодействие легализации доходов, полученных преступным путём, и финансированию терроризма;

разработка документов и процедур, обеспечивающих соответствие деятельности компании действующему законодательству;

защита информационных потоков, противодействие мошенничеству и коррупции, установление этических норм поведения сотрудников и т.д.

Комплаенс-контроль институционально представляет структуру, состоящую из специалистов с высокой квалификацией, создающую привлекательность восприятия деятельности компании и ее топ-менеджмента. Правильное отношение руководства компании к функции комплаенс-контроль создает условия для эффективного контроля рисков потери прибыли, снижает потенциальную вероятность потерь преднамеренного или непреднамеренного характера.

Комплаенс-контроль в структурных подразделениях может быть использован в качестве консультационного центра по внутренней комплаенс политике и внедрению корпоративных комплаенс процедур.

Комплаенс-контроль следует внедрять независимо от размера бизнеса, ведь соблюдать законы и вести контроль коррупции должны все компании. Главный фактор развития комплаенс-контроль инструмента - это госрегулирование. Когда каждую сделку могут проверить с точки зрения комплаенс-контроля, это стимулирует, ведь никому не хочется рисковать репутацией или деньгами.

Комплекс существующих стандартных направлений системы комплаенс-контроля включает разработку: кодексов корпоративной этики, политик противодействия отмыванию доходов, полученных преступным путем, запрета принятия и дарения подарков, сообщений о нарушениях этических стандартов, урегулирования конфликтов интересов, формирования этических принципов действия работников компании, проверки добросовестности контрагентов, контроля покупок ценных бумаг работниками компании, ограничения распространения служебной информации, взаимодействия с регулирующими органами и др..

В зависимости от поставленных задач компании могут внедрять и реализовывать различные политики комплаенс-контроля, формируя собственные системы комплаенса.

Результатами эффективной работы корпоративной комплаенс-системы в компаниях является:

отлаженная система обнаружения и предотвращения явлений мошенничества, коррупции и другого рода угроз бизнесу;

предотвращение и минимизация финансовых потерь, банкротства и санкций применительно к компаниям со стороны национальных и зарубежных регуляторов;

заблаговременный мониторинг, распознавание и предупреждение рисков несоблюдения требований регуляторов;

повышение эффективности деятельности компаний и увеличение их конкурентоспособности и стоимости.

Полагаем, что повсеместное внедрение в хозяйствующих субъектах нашей страны систем комплаенс контроля в значительной степени минимизирует риски

коррупции, способствует повышению деловой репутации национальных компаний, обеспечит доступ отечественных производителей на мировые рынки, усилит инвестиционную привлекательность страны, предотвратит негативные проявления в экономике.

Иқтибослар/Сноски/References

- 1.Иванов Э.Антикоррупционный комплаенс-контроль в странах БРИКС // Монография. - М.: Юриспруденция, 2015. (Ivanov E. Anti-corruption compliance in BRICS countries)
- 2.Bannenberг B., Inderst P., Poppe S. Compliance. Aufbau - Management - Risikobereiche. Heidelberg, 2013.
- 3."Syndromes of compliance" by M.Johnston, Colgate University, New York. Publisher: Cambridge University Press; online publication date: September 2009.
- 4.The Foreign Corrupt Practices Act of 1977, op. cit. notes 4.
- 5.Sarbanes-Oxley Act of 2002. Corporate responsibility. // Public law 107. July 30, 2002.
- 6.Примаков Д. Специальные виды комплаенса: антикоррупционный, банковский, санкционный и розыск активов.- М.: Infotropicmedia, 2019. (Primakov D. Compliance practices: anti-corruption, banking compliance, sanction compliance and asset tracing, M.,2019)
- 7.The Bribery Act of 2010 // URL: www.legislation.gov.uk/ukpga/2010/23/contents.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

АБДУЛЛАЕВ Хуршиджон Назрулло ўғли
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси
E-mail: abdullaev_xurshidjon@mail.ru

АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): АБДУЛЛАЕВ Х.Н. АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ// Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 3 (2020), Б.37-43.

 №3 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-3-4>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ўтган йилларда аудитнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси ўрганилган ва аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига, бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш ва корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга тўсқинлик қилаётган соҳада қатор муаммолар ва камчиликлар таҳлил этилган. Шу муносабат билан аудиторлик фаолиятини олиб бориш ҳамда аудиторлик ташкилиотини ташкил қилиш билан боғлиқ нормаларга жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда тегишли ҳулосалар берилган.

Калит сўзлар: аудитор, аудиторлик фаолияти, аудиторлик ташкилоти, тадбиркорлик субъектлари, аудиторлик хизматлари, аудиторнинг малака сертификати, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш.

АБДУЛЛАЕВ Хуршиджон Назрулло угли,
Преподаватель Ташкентского государственного
юридического университета
E-mail: abdullaev_xurshidjon@mail.ru

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ АУДИТОРСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье изучена и проанализирована нормативно-правовая и методическая база аудита за прошедшие годы, после достижения нашей страной независимости, а также ряд проблем и недостатков в этой сфере препятствующие дальнейшему развитию аудиторской деятельности, повышению значимости аудиторских услуг

Intellektual mulk obyektlariga nisbatan huquqlar yuridik shaxslar ustav fondiga ulush sifatida kiritilishi bilan bu huquqlar yuridik shaxs ixtiyoriga o'tadi va yuridik shaxsning bug'alteriya balansida nomoddiy aktivlar sifatida rasmiylashtiradi. Yuridik shaxs bu huquqlardan qonunda belgilangan tartibda egalik qilishi, foydalanishi yoki begonalashtirishi mumkin. Agar yuridik shaxs kreditorlar oldidagi majburiyatlarini bajara olmasa, kreditorlar talabi korxonaga mol-mulki bilan birga ustav fondidagi intellektual mulk obyektlariga nisbatan huquqlarga ham qaratilishi mumkin. Bu holat to'g'ridan to'g'ri qonun hujjatlarida belgilab qo'yilmaganligi, amaliyotda ko'plab muammoli holatlarni keltirib chiqarayotganligi bois shu sohada o'z izlanishlarini olib borayotgan mualliflardan biri S.Safoyeva o'z nomzodlik dissertatsiyasida ushbu holatlarni bartaraf etish maqsadida,

O'zbekiston Respublikasi "Sud hujjatlari va boshqa organlar hujjatlarini ijro qilish to'g'risida" qonuning 59-moddasiga quyidagi tahrirda o'zgartirish kiritishni taklif etadi "Qarzdor yuridik shaxsning qarzlarni uzish uchun yetarli pul mablag'lari bo'lmasa, undiruv unga mulk huquqi asosida tegishli bo'lgan, qayerda va kimning foydalanishida bo'lishidan qat'i nazar, boshqa mol-mulkka (muomaladan chiqarilgan yoxud muomalada bo'lishi cheklangan mol-mulk bundan mustasno) mulkiy huquqlarga, jumladan, intellektual mulk obyektlariga nisbatan qaratiladi" [8]. Muallif tomonidan keltirilgan bu taklifni haliyam o'z kuchini yo'qotmagan deb aytish mumkin. Fikrimizcha agrda bu taklif qabul qilinsa amaliyotda tadbirkorlar uchun nizoli holatlarni oldini olishda katta yordam berilgan bo'lar edi.

Agar tadbirkor kreditni qaytarib bera olmasa, garovga qo'yilgan intellektual mulkka nima bo'ladi? Bunday holatlarda, bank intellektual mulk huquqlariga nisbatan to'liq yoki bunday huquqlarning bir qismini oladi va ularni o'z xohishiga ko'ra har qanday holatda: sotish, litsenziyalash, ustav kapitaliga hissa qo'shish orqali amalga oshirishi mumkin bo'ladi.

Bu jarayonga shunday holatlar ko'p qo'llanilib kelayotgan davlatlar misolida ko'rib chiqadigan bo'lsa, bu jarayonga masalan rus olimi Kirill Nikitin quyidagicha ta'rif beradi: "Garovga qo'yish institutining eng nozik nuqtasidan biri bu bankrotlik e'lon qilingandan so'ng undiruvga qaratilgan intellektual mulk obyektlarining tijoratlashuvidir" deb ta'riflaydi [2]. Muallifning bunday ta'rif berishiga sabab, to'lov qobiliyatiga ega bo'lmagan korxonalarining mol-mulkleri qonun normalaridan kelib chiqib, elektron svado maydonchalariga tijoratlashtirishga qo'yiladi va qachonki korxonalar qarzlarini to'lashga qodir bo'lmaganda ya'ni bankrot bo'lganda ushbu tijoratlashtirishga qo'yilgan intellektual mulk qarzlarning undiruviga faqatgina bankrotlik (bankrotlik) to'g'risidagi qonun hujjatlarida belgilangan tartibda amalga oshirilishi muallifning yuqorida keltirilgan fikriga sababdir.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra, bankrot bo'lgan korxonalarining aksariyat mol-mulkleri ommaviy taklif bilan sotiladi, ya'ni narxlarni pasaytirish maqsadida. Rossiya qonunchiligiga ko'ra, arbitraj boshqaruvchisi birinchi navbatda narxni pasaytirish maqsadida savdolashishni boshlaydi agarda mol-mulkka davogar topilmasa narxlarni pasaytirish boshlanadi. Alohida guruhni garovda bo'lgan qarzdorlarning mulki tashkil etadi. Garov egasi - aksariyat hollarda bu bank - agar qarzdorlikka undirishga qaratilgan mulkni kim oshdi savdosida sotolmasa, o'zi uchun qoldirishga haqli. Bunday holatlar esa banklar uchun unchalik ham foyda keltirmaydi ular sotilmay qolgan muammoli aktivni ko'pincha autsorsingga o'tkazishadi, bu esa o'z navbatida kelajakda mablag'larni qaytarishning noaniq prognozi bilan yo'qotishlarni oshirishi mumkin. Shuning uchun banklar ko'pincha bunday aktivlarni sotib oluvchi xaridorlarga katta chegirmalarni taqdim etadilar.

Shu bilan birga, "an'anaviy" garov ob'ektlariga xos bo'lmagan intellektual mulk ob'ektlarining huquqiy rejimining o'ziga xos xususiyati bilan bog'liq muayyan xavflarni yodda tutish kerak va shuning uchun tegishli qarorlar qabul qilishda ko'pincha hisobga olinmaydi.

Intellektual mulk obyektlari banklar uchun asosiy bo'lmagan aktiv hisoblanadi. Shuning uchun ham asosiy bo'lmagan aktivlarni sotishda banklar garovni majburiy sotilishi bilan bog'liq yo'qotishlarni minimallashtirishga intilishadi va bunday aktivlar sotuvga qo'yilganda ko'plab chegirmalar bilan sotilishi amaliyotda ko'p kuzatilganligini ushu soha mualliflari bu jarayonni ijobiy bo'lmagan qarashlar bilan ifodalaydilar.

Shuning uchun ham soha mutaxassislari, intellektual mulk ob'ektlarining huquqiy rejimining o'ziga xos xususiyatlari bilan bog'liq bo'lgan, "an'anaviy" garov ob'ektlari uchun xos bo'lmagan va shuning uchun tegishli qarorlarni qabul qilishda hisobga olinmaydigan xatarlarni yodda tutish kerak deb ta'kidlaydilar. Masalan, xuddi shunday intellektual mulk obyektlaridan tovar belgilari uchun ko'pgina davlat qonunchiliklarida cheklovlar mavjudligini ko'rish mumkin, ya'ni mutlaq huquq egasi faqat yuridik shaxs yoki yakka

tartibdagi tadbirkor bo'lishi mumkin. Bundan kelib chiqib, jismoniy shaxs to'lovga layoqatsizlik (bankrotlik) to'g'risidagi qonun hujjatlari asosida garovga qo'yilgan mol-mulkni sotib olish uchun tender ishtirokchisi bo'lib savdo g'olibi deb e'lon qilingan bo'lishiga qaramasdan, ayni paytda amaldagi cheklovlar tufayli tovar belgisini sotib olish to'g'risida shartnoma tuza olmasligi ni keltirish mumkin.

Shu bilan bir qatarda yana bir guruh olimlar intellektual mulk obyektlarini garov evaziga qo'yib kredit olishlari va to'lov qobiliyatini yo'qotgan paytda qarzdorlikni undirishni intellektual mulk obyektlariga qaratish masalalarini ijobiy holat deb baholaydilar. Chunki bunday jarayon tadbirkor uchun yagona o'z bizneslarini boshlashi uchun imkoniyat bo'lishi bilan baholaydilar. Biznesning boshlang'ich bosqichida tadbirkor ularda kredit olish uchun hechqanday moddiy mulkka ega bo'lmasligi mumkin. Boshlang'ich tadbirkorlar faqatgina g'oyalarga: ilmiy ishlanmalar, ixtirolar, texnologik yechimlarga ega bo'lishi mumkin. Patentlarga ega tadbirkor kredit uchun ularni bankka garovga qo'yib bankdan o'z biznesi uchun mablag'larni olishi mumkin. Bu jarayon ayniqsa boshlang'ich startapplarni faollashtirish uchun juda muhim jarayon ekanligini inobatga olish darkorligini ayrim soha mutaxassislari o'z qarashlarida ta'kidlab o'tadilar [9].

Shunday ekan rovojlangan mamlakatlar taribasidan kelib chiqib xulosa qiladigan bo'lsak, bugungi kunda banklar butun dunyo bo'ylab intellektual mulk huquqlariga ega ekanligini ko'rish mumkin. Xususan, turli banklarning garovlarida AQShning ko'plab patentlari mavjud. Intellektual mulk garovga ob'ektlar soni bo'yicha uch rahbarlari JP Morgan Chase (48804 dona.), Amerika banki (46897 dona), Citigroup (34658 dona) larni o'z ichiga oladi [10].

Xitoyda ham ushbu kredit usulining o'sishini kuzatish mumkin. 2017-yilda intellektual mulkka berilgan kreditlar hajmi 10,5 milliard dollarni tashkil etgan, bu korsatkich 2013-yilga nisbatan deyarli uch barobar ko'paygan deb baholangan. Shu bilan birga, bu davlatda unday kreditlarni olgan kompaniyalar soni ham ortganligini kuzatish mumkin masalan, 2013 yilda bunday kompaniyalar 530 tani tashkil etgan bo'lsa, 2017 yilga kelib esa bu ko'rsatkich 4177 tani tashkil etgan [11].

Patent huquqlari garovi bo'yicha berilgan kreditlar hajmi Koreya Respublikasida ham o'sib bormoqda: 2017 - yilda bunday kreditlarning umumiy hajmi 228 million dollarni tashkil etgan bo'lsa bu ko'rsatkich 2013 yilga nisbatan 5 barobarga ko'payganligini bildiradi. Bunday kreditlarni olgan kompaniyalar 2013-yilda faqat 235 tani tashkil etgan bo'lsa, 2017 yilga kelib 429 kompaniyalari soniga oshganligini ko'rish mumkin. Shu bilan birga, 2018 yildan Koreyada mahalliy patent idorasi (KIPO) tomonidan akkreditlangan intellektual mulkni baholaydigan 15 ta tashkilot faoliyat ko'rsatib kelmoqda. Bunday tashkilotlarda intellektual mulk huquqlari portfelini baholatgan kompaniyalar muammosiz banklardan kredit olish imkoniyatiga ega bo'lganlar [12].

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, eng avvalo ushbu jarayonlarning hali hamon ko'pchilik davlatlar tajribasida sinovda ekanligi bir muncha ushbu jarayonning xavfi borligidadir. Lekin rovojlangan davlatlar tajribasidan kelib chiqib fikrimizni davvom ettiradigan bo'lsak, istiqbolli baholangan intellektual mulk obyektlarini kreditga qo'yib ulardan samarali foydalanish tadbirkorlik faoliyatining o'sishiga olib keladi. Aksincha hollarda esa bank ham o'z qarzlarini undirish jarayonida istiqbolli baholangan intellektual mulk obyektlarini kim oshdi savdosiga qo'yilganda ularning narxini pasaytirmagan holda sotish imkoniga ega bo'ladi. Ya'ni haridor topilish imkoniyati ko'proq bo'lganligi uchu har ikki taraf kelajakda qo'rqmasligi mumkin bo'ladi. Shu o'rinda yurtimizda ham turli hil qarashlarning mavjudligini inobatga olgan holda bizning ham mamlakatimizda intellektual mulk obyektlarini baholaydigan tashkilotlarning tashkil etilishini taklif o'keltirib o'tishni joiz deb bildik, hamda ularning faoliyati davlat nazoratga olsa ushbu jarayonning yurtimizda tadbir etilishini tezlashtirgan bo'lar edi.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. О. Оқулов "Fan, adabiyot, san'at asarlarini baholash va tijoratlashtirish. Qiyosiy huquqiy tahlil". Toshkent davlat yuridik universiteti, 2020 y. (O. Okulov. "Evaluation and commercialization of works of science, literature, and art. A comparative legal analysis". Tashkent State University of Law, 2020)
2. К. Никитин. Взыскание объектов интеллектуальной собственности, находящихся в залоге у банка, в процедуре банкротства" Юридическая работа в кредитной организации №3(53)\2017г. <https://www.vegaslex.ru>.
3. О. Оқулов. Intellektual mulk huquqiy maqomining nazariy va amaliy muammolari. -Т.: O'zbekiston. 2004 y. (O. Okulov. Theoretical and practical problems of the legal status of intellectual property. Т.: Uzbekistan. 2004 y)
4. Куршина О.Г. Залог исключительных прав: Автореферат дис... канд. юрид. Наук.: Б 2005. (Kursina O. G. Pledges of rights: the author's abstract dis. The faculty of law.sciences':.2005)
5. В.Н.Кастальский. Залог исключительных имущественных прав и его особенности, применительно к исключительным имущественным правам унитарных предприятий: : Автореферат дисс...канд... юрид. Наук.:. 2006г. (Kastalsky. V. N. Pledge of exclusive property rights and its features, in relation to the exclusive property rights of unitary enterprises: : abstract dis. The faculty of law sciences':. 2006.)
6. Пахоменко О.В. Собственность, управление которой требует ума. Налоговые и таможенные вести. 2005 г. (Pakhomenko O. V. A property whose management requires the mind. Tax and customs news. 2005)
7. Пирданов С.И. Залог как способ обеспечения обязательства заемщика, возникших из договора банковского кредита. Юридическая работа в кредитной организации 2005 г. (Pirdanov S.I. Collateral as a way of securing the borrower's obligations arising from a bank credit agreement. Legal work in a credit organization, 2005)
8. S.Safoeva. Intellektual mulk ob'ektlarini tijorat muomilasidagi ayrim huquqiy muammolari. Nomzodlik dissertasiyasi 2009 yil. (Safoeva S. Some legal problems of commercial turnover of intellectual property objects. PhD thesis in 2009)
9. Ирина Смазневич. Кредиты под залог интеллектуальной собственности - для МСП и не только. Часть I. // URL: <https://rupto.ru/ru/news/kredity-pod-zalog-is-chast-1> (Irina Smaznevich. Credits secured by intellectual property - for SMEs and not only. Part I)
10. Relecura, Inc., IP backed financing trends, 2009-2014.
11. Ирина Смазневич. Кредиты под залог интеллектуальной собственности - для МСП и не только. Часть II. // URL: <https://rupto.ru/ru/news/kredity-pod-zalog-is-chast-2> (Irina Smaznevich. Credits secured by intellectual property - for SMEs and not only. Part II)
12. Ирина Смазневич. Кредиты под залог интеллектуальной Кредиты под залог интеллектуальной собственности - для МСП и не только. Часть III. // URL: <https://rupto.ru/ru/news/kredity-pod-zalog-is-chast-3> (Irina Smaznevich. Credits secured by intellectual property - for SMEs and not only. Part III)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

АҲРОРҚУЛОВ Анвар

Тошкент давлат юридик университети тадқиқотчиси
E-mail: mr.ahrorkulov74@mail.ru

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МУЛКИЙ АСОСЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): АҲРОРҚУЛОВ А. НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МУЛКИЙ АСОСЛАРИ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 3 (2020), Б.56-62.

 №3 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-3-7>

АННОТАЦИЯ

Мақолада нотижорат ташкилотларининг мол-мулки, юридик шахсларнинг мулки турлари, уларнинг шаклланиши, хорижий давлатларда нотижорат ташкилотлар мулкани вужудга келиши, хайрия, грант маблағлари, субсидияларга эга бўлиш масалалари ёритилган. Айрим хорижий давлатларда нодавлат нотижорат ташкилотлари мулкнинг бошқарилиши тартиби ва ушбу тажрибадан республикамизда фойдаланиш бўйича қиёсий таҳлил олиб борилади. Мақолада соҳага оид қонунчилик нормалари қиёсий таҳлил қилинган, қонунчиликни такомиллаштириш зарурияти очиб берилган.

Калит сўзлар: нодавлат нотижорат ташкилотлар, давлат сектори, субсидия, грант, ижтимоий буюртма, ҳомийлик бадали, жамоат фонди, моддий жавобгарлик.

АҲРОРҚУЛОВ Анвар

Соискатель Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: mr.ahrorkulov74@mail.ru

ИМУЩЕСТВО НЕПРАВИТЕЛЬСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы имущества неправительственных некоммерческих организаций, виды имущества юридических лиц, их формирование опыт зарубежных стран, приобретение имущества, благотворительных, безвозмездных средств, субсидий. Проведен сравнительный анализ порядка управления имуществом некоммерческих организаций в некоторых зарубежных странах и использования этого опыта в нашей стране. В статье

обоснованы предложения о необходимости совершенствования национального законодательства.

Ключевые слова: негосударственные, некоммерческие организации, государственный сектор, субсидия, грант, социальный заказ, спонсорский взнос, общественный фонд, финансовая ответственность.

AHRORKULOV Anvar

Tashkent State University of Law, researcher

E-mail: mr.ahrorkulov74@mail.ru

PROPERTY OF NON-GOVERNMENTAL NON-PROFIT ORGANIZATIONS

ANNOTATION

The article discusses issues of property of non-profit organizations, types of property of legal entities, their formation, formation of property of non-profit organizations in foreign countries, the acquisition of charity, gratuitous funds, subsidies. A comparative analysis of the procedure for managing the property of non-profit organizations in some foreign countries and the use of this experience in our country is carried out. The article provides a comparative analysis of legislation in this area, reveals the need to improve legislation.

Keywords: non-governmental non-profit organizations, public sector, subsidy, grant, social order, sponsorship fee, public fund, financial responsibility.

Ҳар қандай юридик шахс фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида субъекти бўлиши ҳамда иқтисодий муомалада иштирок этиши учун ўз мол-мулкига эга бўлиши талаб қилинади. Бу талаб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 39-моддасида белгиланган. Юридик шахсда мол-мулкнинг шаклланиши ва вужудга келиши қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартиблардан келиб чиқади. Жумладан, ФКда нотижорат ташкилотларининг алоҳида турларига берилган таърифларда бу ҳолат кўзга ташланади. Масалан, ФКнинг 73-моддаси биринчи қисмига кўра, иштирокчиларнинг моддий (мулкӣ) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси матлубот кооперативи ҳисобланиб, бу бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкӣ (пай) бадалларини қўшиш йўли билан амалга оширилади. Бундан кўринадики, матлубот кооперативининг мулкӣ асоси бўлиб унинг аъзолари томонидан тўланадиган мулкӣ (пай) бадаллари ҳисобланади. ФКнинг 76-моддасида эса, муассасалар мулкдор томонидан тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот эканлиги назарда тутилган.

Нотижорат ташкилотларининг алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шакллари бағишланган махсус қонунларда эса уларнинг мулкӣ асосларини белгиловчи алоҳида нормалар ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, нотижорат ташкилотларнинг барчасига оид бўлган қоидаларни ифода этувчи Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонунининг 5-бўлими "нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятининг иқтисодий асослари" деб номланади. Бунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг мол-мулки таркиби, уни шакллантириш манбалари, улар томонидан амалга ошириладиган иқтисодий фаолият турлари, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятига оид қоидалар белгиланган. Жумладан, бинолар, иншоотлар, турар жойлар, ускуналар, инвентар, пул маблағлари, шунингдек, чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк нодавлат нотижорат ташкилотининг мулки бўлиши

мумкин.

Бундан фарқли равишда "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги қонунда жамоат бирлашмалари мулки таркиби нисбатан бошқача тарзда белгиланган. Мазкур қонуннинг 18-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, жамоат бирлашмалари, уларнинг ташкилотлари бинолар, иншоотлар, уй-жой фонди, ускуналар, асбоблар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадлари учун мўлжалланган мулкларга, пул маблағига, акцияларга, бошқа қимматли қоғозларга ҳамда уларнинг уставларида кўзда тутилган фаолиятни моддий таъминлаш учун зарур бўлган ўзга мол-мулкка, шунингдек, интеллектуал мулк объектларига эгалик қилишлари мумкин. Бирлашмаларнинг уставларида кўрсатилган мақсадларга мувофиқ уларнинг маблағи ҳисобидан барпо этилган наشريётлар, бошқа корхоналар, хайрия муассасалари жамоат бирлашмаларининг мулки бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, Қорақалпоғистон Республикасида эса - Қорақалпоғистон Республикасининг ҳам қонун ҳужжатларида давлат ва жамоат хавфсизлиги мулоҳазалари билан ёки халқаро шартномаларга мувофиқ жамоат бирлашмалари мулки бўла олмайдиган мол-мулк турлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг [1] 13-моддасига кўра давлат гранти нодавлат нотижорат ташкилотларига ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун танлов асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бериладиган пул маблағлари ва моддий ресурслардир. Мазкур Қонуннинг 11,12,13-моддаларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Шунингдек, давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини бошқа жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин.

Давлат субсидияси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун бериладиган ва махсус лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган молиявий ёки бошқа моддий кўмақдир (Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун 12-моддаси).

Жамоат бирлашмалари фаолияти ижтимоий буюртма шаклида ҳам қўллаб қувватланиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат ижтимоий буюртмаси ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат органи ва нодавлат нотижорат ташкилоти ўртасида шартнома тузиш орқали ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказишга қаратилган давлат топшириғидан иборат бўлади.

Давлат грантлари ва субсидиялари тегишли соҳани ўрганиш, тадқиқ этиш ва ривожлантириш ҳамда муайян ишни бажариш ёки бирон-бир самарали натижага эришишни назарда тутувчи воситалар ҳисобланади. Албатта, давлат муайян соҳани ривожлантириш ва тегишли натижага эришиш учун ўзининг органлари, юридик шахслари, муассасалари, давлат хизматчилари ва ходимларини жалб қилиши мумкин. Бироқ, маъмурий воситалар орқали жалб этиш танлаш имкониятининг йўқлиги, ижрочиларга эркинлик ва ижодкорлик тақдим этилмаслиги, улар учун моддий мафаатдорликнинг юқори эмаслиги билан тавсифланади.

Бундан фарқли равишда давлат грантлари, субсидиялари танловлар орқали энг яхши ижрочиларни, таклифларни саралаб олиш имкониятини беради, қолаверса, давлат грантида ижрочилар ўзлари амалга оширган иш учун қанча

миқдорда ҳақ олишлари олдиндан маълум бўлса, бу ҳолат уларнинг иш натижаси учун масъулиятини ва самарадорлигини оширади. Бундан ташқари ижрочиларга нисбатан давлат грантини бажармагани учун жавобгарлик санкцияларни белгиланиши ва моддий жавобгарликни назарда тутилиши бу турдаги грантларнинг давлат учун ҳам мақбул эканлигини кўрсатади.

Давлат субсидияларини бериш билан боғлиқ шартлар асосан шартнома тузиш жараёнида шартнома матнида ўз ифодасини топади. Шу билан бирга ушбу соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам муайян талаблар шакллантирилган. Давлат субсидиялари аввало, муайян ижтимоий самара бера оладиган натижа сифатида намоён бўлмоғи зарур. Шу билан бирга давлат субсидияларини олгандан сўнг ундан мақсадли фойдаланишга доир шартларга қатъий риоя қилинади.

Бугунги кунда фуқаролик жамиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳамда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашувчи сиёсий ҳужжатларда учинчи секторга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ҳолат нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятдаги ролини кўрсатади, умумий асосларда ҳамкорликнинг тузилиши ва принципларини намоён қилади шунингдек, келгусидаги ҳамкорлик ва (ёки) сектор ривожланишининг йўналишларини белгилайди [2].

Европа мамлакатларида сиёсий ҳужжатлар одатда икки тараф ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка интилиш ва музокаралар натижасида вужудга келади. Улар келишув ёки шартнома сифатида маълум бўлган икки томонлама ҳужжат сифатида ҳам намоён бўлади. Давлат органи ва нотижорат ташкилот ўртасидаги ушбу сиёсий ҳужжатда давлат органи ва нотижорат ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик мақсадлари ва принциплари қисқача баён қилинган бўлади. Бундай ҳужжат намуналарини Англия, Франция, Хорватия, Эстония, Шотландияда топиш мумкин. Жумладан, Англияда ҳукумат ҳамда волонтерлар ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги Шартномада "Ҳукумат билан ихтиёрий ва жамоат бирлашмалари сектори ўртасидаги муносабатларни яхшилаш мақсадида умумий фойдага ва жамият манфаатига эришиш" сифатида баён қилинган [3].

Таъкидлаш керакки, икки томонлама шартнома асосида ёки давлат субсидиялари ёки грантлари асосида жамоат бирлашмалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш имконияти мавжуд. Ушбу келишувларни ишлаб чиқишда музокаралар ва ҳамкорлик муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, икки томонлама келишув тушунчаси ҳар икки тарафни ҳам тўлиқ ихтиёрий равишда жараёнга, ҳужжатга ва унинг бажарилишига интилишини, шунингдек ушбу жараёнда ҳар икки тарафнинг ҳам тенг ҳуқуқларда иштирок этишини назарда тутаяди.

Айрим мамлакатларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан давлат ўртасидаги ҳамкорлик борасидаги ҳуқуқий тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Марказий Европа минтақасида Венгрия фуқаролик жамияти ташкилотларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш тизими ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Бу ерда давлат томонидан молиялаштириш бир қатор марказий ва маҳаллий йўналишларда берилади. фуқаролик жамияти ташкилотлари учун ажратиладиган пул маблағлари фуқаролик жамияти ташкилотларини қўллаб қувватлаш учун солиқ тўловчиларнинг пуллари йўналтириладиган "фоизли механизм" принципи асосида тақсимланади.

Фуқаролик жамияти ташкилотлари шунингдек, марказий манбалар ҳисобидан ҳам молиялаштирилади, жумладан, у ёки бу вазирлик томонидан бошқариладиган грант дастурлари, давлат бюджетидан ижтимоий йўналтирилган ташкилотлар учун назарда тутилган субсидиялар ва давлат фондлари (мамлакат парламенти, ҳукумати,

маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ташкил қилинадиган грантлар бериш бўйича квази ҳукумат фондлари)дан молиялаштиришни олади [4]. Охирги йилларда Венгрия фуқаролик жамияти ташкилотларини давлат томонидан молиялаштириш бўйича ўзининг қонунчилик қисми сифатида универсал принципларини ва тартибларини ишлаб чиқишни бошлади. "Давлат томонидан молиялаштириш шаффофлиги тўғрисида"ги Қонун (2008, 2010 йил янги таҳрирда) шулар жумласидан.

Англия ўзининг фуқаролик жамияти ташкилотлари (хайрия ва кўнгиллилар ташкилоти) билан ҳамкорлик аънаналари билан машҳур. Давлат бюджетидан молиялаштириш кўпинча бошқа органлар, жумладан минтақавий ҳокимият органлари ва минтақавий ривожлантириш агентликлари, ноидоравий давлат органлари ва соғлиқни сақлаш миллий хизмати маҳаллий трестлари (фондлари) орқали йўналтирилади [5].

Англия ва Уэльсда 180918 та хайрия ташкилоти мавжуд. Фуқаролик жамияти ташкилотларини давлат томонидан молиялаштириш 2007-2008 йилларда 12,8 млрд. фунтни ташкил қилди ва бу сектордаги барча тушумларнинг учдан бирдан ортигини ташкил қилади. 40000 га яқин ташкилотлар давлат сектори билан молиявий ҳамкорликка эга, шу билан бирга 75% фуқаролик жамияти ташкилотлари давлат билан тўғридан-тўғри молиявий муносабатларга эга эмас [6]. Давлатнинг асосий маблағлари ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчи ташкилотлар ўртасида тақсимланади.

Албатта, жамоат бирлашмалари фаолиятига доир хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш муҳим саналади. Шу билан бирга ҳар бир мамлакатнинг миллий қонунчилиги ҳам мавжудки, уларда албатта нодавлат нотижорат ташкилотлари қонуний фаолият юритиши учун муайян қоидаларни белгилайди. Бу эса, улар фаолиятининг янада кенгайиши, фаолияти шаффофлигини таъминлаш, пировардида эса, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари рўёбга чиқарилишига эришилади. Ушбу ҳолатни бевосита бугунги кунда юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг барча турлари тобора ривожланиб бораётганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонунининг 20-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, муассислар (муассис) ёки васият қилувчи томонидан фондга ўтказилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк фонднинг мулкдир. Бинолар, иншоотлар, турар жойлар ва бошқа иморатлар, асбоб-ускуналар, инвентарь, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги маблағлар, қимматли қоғозлар ва ўзга мол-мулк фонднинг мулки бўлиши мумкин.

Қуйидагиларни ташкил этиш учун зарур бўлган дастлабки маблағларнинг энг кам миқдори:

халқаро ва республика жамоат фондлари учун - энг кам иш ҳақининг беш юз баравари миқдорида;

маҳаллий жамоат фондлари учун - энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида бўлиши керак.

Жамоат фондларининг алоҳида бўлинмалари (ваколатхоналари ва филиаллари) учун дастлабки маблағларнинг энг кам миқдори мавжуд бўлиши талаб этилмайди. Жамоат фондларини ташкил этиш учун зарур бўлган дастлабки маблағларнинг энг кам миқдори давлат рўйхатидан ўтказиш пайтида фақат пул шаклида шакллантирилган бўлиши лозим.

Фонднинг мол-мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

муассислар (муассис) томонидан бир йўла тўланадиган (ўтказиладиган) ёки

мунтазам келиб турадиган пул ва бошқа тушумлар;

фонд васиятнома бўйича ташкил этилган тақдирда васият қилувчининг фондга ўтказилган мол-мулки;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари;

юридик ва жисмоний шахслар, давлат, чет эл ва халқаро ташкилотлар, чет давлатлар ажратадиган грантлар;

фонднинг тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар (фойда);

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2015 йил 13 майда қабул қилинган 132-III/КҚ-15-III-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тўғрисидаги Низомнинг 4-бўлимига кўра, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг мол-мулкани асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ қиймати Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди балансида акс эттириладиган бошқа мол-мулк ташкил этади. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини шакллантириш манбалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг (Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ҳамда норезидентларининг) ихтиёрийлик асосидаги ҳомийлик бадаллари, халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ҳамда бегараз бериладиган маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелда ПФ-5416-сонли "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармонида Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида "Вақф" хайрия жамоат фондиди ташкил этилиш билан боғлиқ тадбирлар белгиланган. Унинг мол-мулки диний маросимларни адо этишдан тушадиган хайрия, закот, фитр, ушр ёки вақф маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.

Нотижорат ташкилотлари мол-мулкимга нисбатан қонунчилик алоҳида режимни белгилайди. Юридик шахсларнинг бошқа турларида мавжуд бўлмаган имтиёзлар ва кафолатлар нотижорат ташкилотларига нисбатан ўрнатилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни 7-моддасига кўра қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқаринодавлат нотижорат ташкилотларининг мулки дахлсиз ва қонун билан муҳофаза қилинади. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг мол-мулки национализация, реквизиция ва мусодара қилинмайди.

Хулоса қилиб айтганда, нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунларнинг қабул қилинишидан кўринадикки, давлатнинг ўзи жамоат ташкилотларини ривожлантиришдан манфаатдор бўлмоқда, уларни турли соҳадаги ислохотларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга даъват этмоқда.

Нотижорат ташкилотлари мол-мулкнинг вужудга келиш асослари ва шаклланиш манбалари ҳар бир ташкилий-ҳуқуқий шакл учун муайян ўзига хосликларга эга бўлса-да, улар фаолиятининг мақсадлари, вазифалари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, муайян умумий қоидалар ва мезонларга бирлашади. Бунда нотижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий мақсади фойда олишга йўналтирилмаганлик ҳамда фойдани иштирокчилар ёки муассислар ўртасида тақсимланмаслиги асосий жиҳат ҳисобланади. Республикамизнинг нодавлат нотижорат ташкилотларининг мол-мулкка эга бўлиш ва мулкни бошқариш билан фаолиятини

такомиллаштиришда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ижобий самаралар бериши мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References:

1.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 1-2-сон, 2-модда; 2008 й., 51-сон, 500-модда. (1. Collection of Documents of the Republic of Uzbekistan, 2007, No. 1-2, Article 2; 2008, No. 51, Art.)

2.Billian N., and Toftisova R. "A Comparative Analysis of European Policies and Practices of NGO/Government Cooperation" (2005), International Journal of Not-for-Profit Law, vol. 7, Issue 4, // URL: www.icnl.org/knowledge/ijnl/vol7iss4/art_1.htm

3.www.thecompact.org.uk.

4.Hadzi-Miceva K., and Suplisson, F., "Фуқаролик жамиятини давлат томонидан молиялаштириш схемаси таҳлили, ЕИ", ЕЦНП ва COWI A/S (2007). ("Analysis of the scheme of public funding of civil society, EU ", ETsNP and COWI A / S (2007)."

5.NCVO, The State and the Voluntary sector; Resent Trends in Government Funding and Public Service Delivery, 2009. URL: www.ncvo-vol.org.uk.

6.www.ncvo-vol.org.uk.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

АЛМОСОВА Шаҳноза

Тошкент давлат юридик университети магистранти

E-mail: alshahknoza@gmail.com

ТРИПС БИТИМИ НОРМАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): АЛМОСОВА Ш. ТРИПС БИТИМИ НОРМАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 3 (2020), Б.63-71.

 №3 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-3-8>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиши асносида интеллектуал мулк соҳасидаги миллий қонунчилигини ташкилотнинг Интеллектуал мулкнинг савдо жиҳатларига оид битими (ТРИПС) нормаларига уйғунлаштириш масалалари ёритиб берилади. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк қонунчилигини ушбу битим билан ўзаро номувофиқ бандлар бўйича қиёсий таҳлил олиб борилади. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги интеллектуал мулк ҳуқуқлари муҳофазаси тизимида бугунги кундаги кузатилаётган муаммолар ва оптимал муҳофаза режимини яратиш зарурати ҳақида маълумотлар келтирилади. Мақолада қонунчилик нормаларини битим бандлари билан уйғунлаштириш юзасидан муаллиф томонидан бир неча таклиф ва тавсиялар берилади.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк ҳуқуқлари муҳофазаси, имплементация қилиш, ТРИПС битими, контрафакция ва қароқчилик, интеллектуал мулк ҳуқуқларини қўллаш амалиёти, ИМҲ бузилиши бўйича жавобгарлик, ҳимоя режими.

АЛМОСОВА Шаҳноза

Магистрант Ташкентского государственного юридического университета

E-mail: alshahknoza@gmail.com

ПРОБЛЕМЫ ИМПЛЕМЕНТАЦИИ НОРМ СОГЛАШЕНИЯ ТРИПС В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В статье освещаются вопросы гармонизации национального законодательства Республики Узбекистан в сфере интеллектуальной собственности с нормами Соглашения Всемирной Торговой Организации по торговым аспектам интеллектуальной собственности (ТРИПС) при вступлении Республики Узбекистан в организацию. Проведен сравнительный анализ законодательства Республики Узбекистан по пунктам несовместимым с настоящим Соглашением. Кроме того, представлена информация о проблемах, наблюдаемых сегодня, в системе защиты прав интеллектуальной собственности в нашей стране и необходимости создания оптимального режима защиты. В статье представлен ряд предложений и рекомендаций автора по гармонизации законодательных норм с положениями Соглашения.

Ключевые слова: защита прав интеллектуальной собственности, имплементация, соглашение ТРИПС, контрафакция и пиратство, практика правоприменения прав интеллектуальной собственности, ответственность за нарушения ПИС, режим защиты.

ALMOSOVA Shakhnoza

Master student of Tashkent State University of Law

E-mail: alshahknoza@gmail.com

PROBLEMS OF IMPLEMENTATION OF THE NORMS OF THE TRIPS AGREEMENT IN THE LAW OF INTELLECTUAL PROPERTY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**ANNOTATION**

The article highlights the issues of harmonization of the national legislation of the Republic of Uzbekistan in the field of intellectual property with the norms of the World Trade Organization Agreement on Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights (TRIPS) upon the country's accession to the organization. A comparative analysis of the legislation of the Republic of Uzbekistan on incompatible sections with this Agreement is carried out. In addition, information is provided about the problems observed today in the system of protection of intellectual property rights in our country and the need to create an optimal protection regime. The article presents a number of suggestions and recommendations of the author on the harmonization of legislative norms with the provisions of the Agreement.

Keywords: intellectual property rights protection, implementation, TRIPS Agreement, counterfeiting and piracy, intellectual property rights enforcement, liability for IPR violations, protection regime.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" учинчи бўлими "Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари"га бағишланган бўлиб, унда республиканинг хорижий инвесторлар учун халқаро имиджи ва жозибадорлигини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар келтирилган.

Маълумки, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ҳозирги кунда савдо соҳасида халқаро ташкилот ҳисобланади ва жаҳон савдосининг 90 фоизидан ортиғи ушбу

ташкilot доирасида олиб борилади. Шу сабабли, бу ташкilotга аъзо бўлиш Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан, Ўзбекистон қонунчилигини ЖСТнинг асосий битимлари талаблари, жумладан Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдога оид жиҳатлари тўғрисидаги битими (ТРИПС) нормалари билан уйғунлаштириш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Қонунларимизни жаҳон стандартларига уйғунлаштириш ҳам республиканинг йирик молиявий ташкilotларга интеграциялашувида, ҳам оптимал муҳофаза режимини яратишда жуда муҳим.

Рақобат қўмитаси томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, охириги 5 йил давомида республикада ноҳалол рақобат бўйича келиб тушган шикоятлар сони 7 мартага кўпайган [1]. Судлар томонидан кўрилган шикоятлар натижаларидан бир ҳолат аён бўладики, судлар маҳаллий тадбиркорларга кўпроқ ён босишмоқда, яъни жавобгар сифатида маҳаллий ишлаб чиқарувчининг судларда устунликка эга бўлаётгани бор ҳақиқат. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк ҳуқуқлари муҳофазаси тизимининг яна бир оғриқли нуқтаси бу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун етарли мулкый жавобгарлик белгиланмаганлиги бу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши давомийлигини келтириб чиқармоқда. Бундан ташқари, ҳуқуқ эгасига етказилган зарар ўрнини қоплаш бўйича ҳам ўрнатилган амалиёт мавжуд эмас. Божхона маъмурияти ҳам контрафакт ёки қароқчилик асосида ўзлаштирилган интеллектуал мулк объектлари бўйича тўғридан-тўғри таъсир чораларини қўллай олмайди. Бу ҳолатлар эса соҳадаги қонунчилик такомиллаширилиши лозимлигидан далолат беради.

С.Элисон [2] ва К.Ю. Петер [3] каби олимлар фикрларига кўра, ТРИПС битими билим ва яратувчанлик маҳсуллари савдосини енгиллаштириш, интеллектуал мулк борасидаги савдо низоларини ҳал қилиш, шу билан бирга, ЖСТ аъзоларига ўз миллий мақсадларига эришишларини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Бу битим интеллектуал мулк ва савдонинг ўзаро боғлиқлигининг ҳуқуқий тан олинисидир.

ТРИПС битими 5 та кенг қамровли масалаларни ўз ичига олади:

Умумий қоидалар ва кўп томонлама савдо тизимининг асосий тамойиллари халқаро интеллектуал мулкка қай тарзда татбиқ этилади?;

Аъзо давлатлар таъминлаши керак бўлган интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимоясининг минимум стандартлари қандай?;

Аъзо давлатлар битимда кўрсатилган нормаларни ўзларининг ҳудудларида кучга киритиш учун қандай процедураларга амал қилишлари керак?;

ЖСТ аъзолари орасида интеллектуал мулк билан боғлиқ низолар қай тариқа ҳал этилади?;

ТРИПС нормаларини имплементация қилишда махсус ўтиш даври муддатлари қанча?

Ушбу шартнома глобал корпоратив тузилмаларнинг тижорат манфаатларига ва уларнинг ривожланаётган мамлакатлардаги технология бозорига кириши учун катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда, "билимни мулкка айлантириш" борасидаги уринишлар авж олган пайтда, интеллектуал мулк бўйича қонунчилик - бу шундай сиёсий жараёнки, муайян ҳуқуқ тушунчалари ва вазифалар институционализация қилинган, аммо ҳар бир қарор янги низоларни чақиради [4]. Маҳаллий саноатни қўллаб-қувватлаш мақсадида баъзи давлатларда тадбиркорлар уларга технологиялардан нусха кўчириш ва ушбу технологияларни ўзларига мослаштиришга имкон берадиган кучсиз патент ҳуқуқлари учун курашишади.

ТРИПС имзоланишидан олдин глобал интеллектуал мулк тизимида танланиши керак бўлган шартномалар бир нечта бўлиб, улар ичидан ТРИПСнинг танлаб

олинишига унинг барча ЖСТ аъзоларига интеллектуал мулкнинг деярли барча объектларига муҳофазанинг минимум стандартларини аниқ муддат доирасида жорий қилганлиги сабаб бўлди. ТРИПС биринчилардан бўлиб хусусий секторда яратилган интеллектуал мулкка катта урғу берди ва унга бўлган ҳуқуқларни тўла тан олиш мажбуриятини аъзо давлатларга юкледи. Бундан ташқари, ТРИПС Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) қоидаларини ва иккитомонлама шартномаларни ўз ичига олди, бошқа бир қатор давлатлар ҳисобига уларнинг амал қилиши доирасини кенгайтирди ҳамда мазкур қоидалар ва шартнома шартларини самарали татбиқ этиш механизмига (ЖСТнинг низоларни ҳал этиш тизими) боғлади [5].

Ривожланган мамлакатлар ТРИПСга ҳам ўзларининг интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш стандартларига ва институтларига эгаллиги боис уларда фақат миллий интеллектуал мулк қонунчилиги ва маъмуриятига кичик ўзгаришларга эҳтиёж сезилди холос. Ривожланаётган давлатларда эса ТРИПС нормаларини имплементация қилиш интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш стандартларини кучайтириш, жумладан, муҳофаза қўлами ва муддатини ошириш, мавжуд қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, янги қонунлар яратиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини кучайтириш, маъмурий тартибга солиш тизимини янгилаш, энг асосийси, интеллектуал мулк муаммоларини ҳал қилиш учун каттароқ моддий ресурсларни жалб қилишни тақозо қилди.

Шу муносабат билан, ТРИПС тарафдорлари баъзи зиддиятли масалалар бўйича ривожланаётган мамлакатларга ён босишга қарор қилишди (бу ривожланган давлатларга ҳам тааллуқли, масалан, йирик интеллектуал мулк тармоқ маҳсулотларини импорт қилувчи давлат). Булардан бири ТРИПСнинг кириш қисмидаги ЖСТ аъзо давлатларига ўз миллий ҳуқуқий тизимлари ва амалиётларидан келиб чиқиб ТРИПС қоидаларини имплементация қилиш ҳуқуқининг берилишидир. Яна бир шундай банд соғлиқни сақлаш ва озиқ-овқат тизимини ҳимоя қилишга қаратилган чоралар кўриш, ижтимоий-иқтисодий ва технологик ривожланиш учун муҳим бўлган соҳаларга қизиқишни кучайтиришга бўлган ҳуқуқларни назарда тутди [6].

Ўзбекистон ҳам ривожланаётган давлатлардан бири сифатида айнан ривожланаётган давлатларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганган ҳолда ўзи учун энг оптимал имплементация мезонларини танлаб олиши керак. Бунда миллий ҳуқуқий тизимимиз ва амалиётимиз, шунингдек мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги ва технологик тараққиёти учун хизмат қилувчи миллий манфаатлари инобатга олиниши зарур.

Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишини таъминлашда интеллектуал мулк соҳасидаги қонунларни ташкилотнинг ТРИПС битими билан уйғунлаштиришда миллий қонунчилигимизни ТРИПС бандлари билан ўзаро қиёсий таҳлил қилар эканмиз, бир неча номувофиқ нормаларга дуч келамиз.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида амалдаги қонунчиликни ТРИПС битими асосида такомиллаштириш учун қуйидагиларни эътиборга олиш ва амалга ошириш лозим бўлади:

Режим масаласи. Маълумки, миллий режим ва энг мақбул "миллий режим"и ЖСТнинг асосий тамойилларидан саналади, яъни ташкилотга аъзо бўлиб кирмоқчи бўлган ҳар қандай мамлакатдан нафақат ташқи савдода (товарлар ва хизматлар савдоси), балки интеллектуал мулк ҳуқуқлари муҳофазаси тизимида ҳам ушбу режимлар ҳам моддий ҳуқуқ нормаларида, ҳам амалиётда таъминланиши талаб этилади. Шу сабабли, битимнинг 3 (миллий режим) ва 4 (миллий режим, энг мақбул режим)-моддаларидаги бандлар интеллектуал мулк соҳасидаги

қонунларимизнинг ҳар бирига ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1032-моддаси (Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш)га имплементация қилиниши лозим.

Мутлақ ҳуқуқларни кенгайтириш. ТРИПСнинг 14-моддаси 1-қисми ЖСТ аъзоларига фанограмма ижрочиларига уларнинг ошкор этилмаган ижроларини ёзиб олиш ва такрорлашни, уларнинг жонли ижроларини симсиз воситалар ёрдамида узатиш ва барчанинг эътиборига етказишни таъқиқлаш ҳуқуқи ва шу модданинг 2-қисмида фонограммаларни бевосита ва билвосита такрорлашни таъқиқлаш ҳуқуқи берилишини назарда тутди. Шу сабабли, "Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонуннинг 47-моддаси (Ижрочининг ҳуқуқлари) 2-қисми 5-банди ва 50-моддаси (Фонограмма тайёрловчиларнинг ҳуқуқлари) 2-қисми маълум ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш билан боғлиқ мутлақ ҳуқуқлар таъқиқлаш билан боғлиқ қоидалар билан тўлдириши лозим. Худди шу тарзда, ТРИПС битимининг 16-моддаси 1-қисми товар белгиси эгаси мутлақ ҳуқуқлари қаторига учинчи шахлар томонидан айни бир хил ёки ўхшаш товар белгисининг ноқонуний фойдаланилишини таъқиқлаш ҳуқуқини ҳам назарда тутди, шу мақсадда "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Қонуннинг 26-моддаси 1-қисмидаги товар белгиси эгасига ушбу товар белгисидан фойдаланиш ва тасарруф этишдан ташқари, уни учинчи шахсларнинг ноқонуний фойдаланишини таъқиқлаш ҳуқуқини ҳам мутлақ ҳуқуқлар сирасига қўшиш мақсадага мувоиқ бўлади.

Жуғрофий кўрсаткичлар. Ўзбекистон Республикасининг "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Қонунини ТРИПС бандлари билан ўзаро мувофиқлаштирилиши борасидаги энг катта масала бу жуғрофий кўрсаткичлар ҳисобланади. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, 1999 йил 4 июнда имзоланган ва шу санадан Ўзбекистон Республикаси учун кучга кирган "Сохта товар белгилари ва жуғрофий кўрсаткичлардан фойдаланишни чеклаш ва олдини олиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги (Соглашение о мерах по предупреждению и пресечению использования ложных товарных знаков и географических указаний) Минск шартномасидаги [7] жуғрофий кўрсаткичлар тушунчасининг таърифи ТРИПС битимида бу объектга берилган таъриф билан айнан ўхшаш. Ўзбекистон Республикаси бу шартномага анча олдин қўшилганига қарамай, бу интеллектуал мулк объекти қонунчилигимизда ўз аксини топмаган. Интеллектуал мулкнинг ушбу объектига оид ТРИПС битими қоидаларини миллий қонунчилигимизга 2 усулда имплементация қилиш мумкин:

биринчи усули, Ўзбекистон Республикасининг "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги қонунини "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва жуғрофий кўрсаткичлар тўғрисида"ги қонунга ўзгартириш киритиш;

иккинчи усули, "Жуғрофий кўрсаткичлар тўғрисида"ги қонун қабул қилиш.

Соҳа мутахассислари томонидан ўрганилган маълумотлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон учун иккинчи усул маъқул эканлигини айтиш мумкин, чунки ТРИПС битими ёки ривожланган давлатлар интеллектуал мулк ҳуқуқлари муҳофазаси амалиётидаги жуғрофий кўрсаткичлар қадокланган сув маҳсулотларини назарда тутмайди, бизда эса "Чортоқ", "Хумсон", "Омонхона" каби жой номи ва товарнинг мазкур жой номи билан боғлиқ хусусиятларни акс эттирувчи сув маҳсулотлари мавжуд, улар товар келиб чиққан жойи номи сифатида ҳимояланган.

Ҳаммага маълум товар белгилари. Ўзбекистон Республикасининг "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари

тўғрисида"ги қонуни ҳаммага маълум товар белгилари муҳофазаси борасида ҳам баъзи қўшимча нормалар киритилишини талаб этади. Ушбу қонуннинг 321-моддаси ТРИПС битимининг 16-моддаси 2-қисми асосида товар белгиси ҳаммага маълум товар белгиси сифатида эътироф этилиши учун зарур мезонлар тўла кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мажбурий лицензия бериш тартибини такомиллаштириш. Ўзбекистон Республикасининг "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Қонуни қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир. Жумладан, ушбу қонуннинг 11-моддаси патент эгалари патент рўйхатга олинган санадан бошлаб уч йил мобайнида саноат мулки объектидан фойдаланмаса ёки етарли даражада фойдаланмаса, ушбу муҳофаза этилаётган саноат мулки объектидан фойдаланишни хоҳловчи ва фойдаланишга тайёр ҳар қандай шахс, патент эгаси лицензия шартномаси тузишдан бош тортган тақдирда, ўзига мажбурий номуллақ лицензия беришни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкинлигини назарда тутлади. Ушбу қонуннинг 32-моддаси 5-қисмида эса саноат мулки объектидан патент эгасининг розилигисиз мутаносиб миқдорда унга товон тўлаган ҳолда фойдаланилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда рухсат бериши мумкинлиги тўғрисидаги қоида киритилган. Аммо, юқорида кўрсатилган қонун моддаларидаги қоидалар мажбурий лицензиялашнинг умумий мазмунини ва аниқ воситаларини ёритиб бермайди, шу боисдан ушбу қонун мажбурий лицензия бериш бўйича ваколатли орган ва унинг процедураларига оид қўшимча нормалар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

Келтириб ўтган дастлабки Пленум қарорида жаюбрланувчининг "уйқу"далиги ожиз аҳвол деб кўрсатилган бўлса, навбатдагисида бу ҳолат назарда тутилмайди. Бунинг асосий сабаби ҳар бир жиноятнинг ўзига хос хусусияти билан боғлиқдир. Лекин ҳар икки қарорда ҳам жабрланувчининг физиологик, жисмоний ва руҳий ҳолатига кўра ўзини ўзи ҳимоя қилиш, айбдорга фаол қаршилик кўрсатиш ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини тушуниш ёки ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятига эга эмаслиги ожиз аҳволда деб топишнинг асоси сифатида олинган.

Таҳлилларимиздан келиб чиқиб, жабрланувчини ожиз аҳволда деб топишнинг барча жиноятлар учун хос бўлган икки: объектив ва субъектив мезонларини ажратиш мумкин.

Ожизлик объектив белги ҳисобланиб, жабрланувчи ўзининг ожиз аҳволда эканини англаган ёки англамаганидан қатъи назар мавжуд бўлади. Акс ҳолда биз руҳий касал ва жуда кичик ёшдаги болаларни ожиз аҳволдаги шахслар жумласига кирита олмаймиз.

"Ожиз аҳволдаги" шахсга нисбатан жиноят содир этишнинг субъектив мезони жиноятчининг жабрланувчини "ожизлиги"ни англаши билан боғлиқдир. Жабрланувчининг ожиз аҳволдалиги жиноий ниятнинг шаклланишини осонлаштириб, жабрланувчининг ўзига нисбатан жиноят содир этаётган шахсга

қаршилик кўрсата олмаслиги, жиноятчининг бир қарорга келишини тезлаштиради. Шу сабабли ҳам, Жиноят кодексининг қатор нормаларида ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан жиноят содир этиш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарорида ожизликни жабрланувчининг жисмоний ёки руҳий носоғломлиги туфайли жиноятчига қаршилик кўрсата олмаслигида, ўз ҳуқуқлари, манфаатлари ва қадр-қимматини ҳимоя эта олмаслигида, шунингдек кутилаётган хавфдан сақлана олмаслигида намоён бўлиши кўрсатилган. Бу тушунтириш орқали Олий суд Пленуми ожизлик ҳолатини чеклаб, содир этилаётган безорлик ҳаракатларининг моҳиятини англай олмайдиган ва жиноятчига қаршилик кўрсата олмайдиган даражадаги маст шахсларни, эътибордан четда қолдиради. Қилмишнинг моҳиятини англай олмайдиган даражада маст бўлган шахс безорининг ҳаракатларини англамайди ва жиноятчига қаршилик кўрсата олмайди.

Амалиётда ҳам безорилик ҳаракатларининг айнан маст аҳволдаги шахсга нисбатан содир этиш ҳоллари кўплаб учраб туради. Судланувчи С. ва Т.лар 2015 йил 10 июнь куни соат тахминан 22:00 лар чамасида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолда бўлган Р.нинг йўлини тўсиб, тегажоғлик қилиб, ҳеч бир сабабсиз унинг турли жойларига уриб енгил шикаст етказдилар. Суд С. ва Т.ларнинг ҳаракатини ЖК 277-модда 2-қисми "б" банди билан квалификация қилиб [14], жазо тайинлаган. Бунда ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада маст бўлган шахсга нисбатан, безорилик ҳаракатларини содир этиш, ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан жиноят содир этиш деб баҳоланиши зарур.

Бундан ташқари ожиз аҳволдалик жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат қилиб белгиланган нормаларнинг барчасида қария ва ногиронлар ушбу тушунчанинг ўзи билан қамраб олиниб, алоҳида кўрсатилмаганлигини эътиборга олиб, ЖК нормаларини бир хиллаштириш мақсадида ЖК 277-моддаси 2-қисми "д" бандидан қария ва ногирон сўзларини чиқаришни таклиф қиламиз.

Қилмишни ЖК 277-моддаси 2-қисми "д" банди билан квалификация қилиш учун безорилик 14 ёшга тўлмаган, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсни "хўрлаб" содир этилган бўлиши керак. Хўрламоқ деганда, бировнинг иззат-нафсини таҳқирламоқ, поймол қилмоқ тушунилади.

Н.С.Салаев қонун чиқарувчи "хўрлаш" тушунчасини ишлатиб "шахснинг қадр-қимматини камситиш" [15, С.46] билан боғлиқ ҳаракатларни назарда тутишга ҳаракат қилганини айтади.

Безорилик натижасида ожиз аҳволдаги шахслар хўрланса, яъни уларнинг қадр-қимматини камситиш билан боғлиқ ҳаракатлар амалга оширилса, жиноят ЖК 277-моддаси 2-қисми "д" банди билан квалификация қилинади. Бироқ-суд тергов амалиётини таҳлил қилганимизда, қилмишни ЖК 277-модда 2-қисми "д" банди билан квалификация қилишда асосий эътибор безориликнинг ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан содир этилганига қаратилиб, хўрлаш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар эътибордан четда қолдирилган ёхуд жабрланувчини хўрлаш факти мавжуд бўлмаганида ҳам қилмиш ушбу банд билан квалификация қилинган. Мисол тарзида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди томонидан кўрилган қўйидаги жиноят ишини келтириш мумкин. Судланувчи Д.маст холда 2006 йил 29 апрель куни соат тахминан 23:00ларда, терговда шахси аниқланмаган номаълум шахс билан жиноий тил бириктириб, Тошкент шаҳар Учтепа тумани Фарход ва Уйғур кўчалари кесишган чорражадаги автобуслар бекати олдида, ҳеч бир сабабсиз жанжал чиқариб, 1946 йил туғилган фуқаро А.ни ҳақорат қилиб,

уриб дўппослаб, унга енгил шикаст етказган ва А.га тегишли ҳайдовчилик гувоҳномасини, фуқаролик паспорти ва ишончномани эгаллаган. Суд Д.нинг ҳаракатларини жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, бир гуруҳ шахслар томонидан, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаб, уриш-дўппослаш орқали содир этилган безорилик (ЖК 277-моддаси, 2-қисми, "б, д" бандлари) ва паспорт ёки бошқа муҳим ҳужжатларни эгаллаш (ЖК 227-м. 2-қ. "а" б.) деб квалификация қилган [5].

Суд айбдорнинг қилмишини ЖК 277-модда 2-қисми "д" банди билан квалификация қилишда қўйидаги хатоликларга йўл қўйган деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, айбдор безориликни фақатгина қария шахсга, яъни 60 ёшдан ошган кишига нисбатан содир этган бўлса-да, суд ҳукмида жиноятнинг қария, ногирон, ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан содир этилганини кўрсатилмоқда;

иккинчидан, безориликнинг қарияга нисбатан содир этилгани бу вазиятда "хўрлаш" аломатларига эга эмас. Чунки айбдор жабрланувчига нисбатан Жиноят кодекси 277-модда 1-қисмида назарда тутилган уриш-дўппослаш ҳаракатларини амалга оширган холос. Агар ушбу ҳолат "хўрлаш" деб баҳоланса, у ҳолда уриш-дўппослаш орқали содир этиладиган барча безорилик ҳаракатлари "хўрлаш" деб баҳоланиши лозим бўлади.

Юқоридаги таҳлилларимиздан келиб чиқиб, тергов-суд органлари томонидан йўл қўйиладиган бу каби хатоликларни олдини олиш учун Жиноят кодекси 277-моддасидан "хўрлаш" ҳамда "қария" ва "ногирон" тушунчаларини чиқаришни таклиф қиламиз. Чунки, "қария" ва "ногирон" шахслар, ожиз аҳволда ҳисобланиб, уларни ягона тушунча билан ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан жиноят содир этилишининг ўзи, айниқса безорилик қилиниши қилмишининг ва жиноятчининг ижтимоий хавфлилиги юқорилигидан далолат беради. Шу сабабли, бундай шахсларга нисбатан жиноят содир этилганда, яна қўшимча белгиларнинг талаб қилиниши тўғри бўлмайди.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <http://www.lex.uz>. (Criminal Code of the Republic of Uzbekistan // <http://www.lex.uz>)

2. Плаксина Т.А. Основания повышения ответственности за убийство лица, заведомо для виновного находящегося в беспомощном состоянии // Правоведение, 2005. - № 1. (Plaksina T.A. The grounds for increasing responsibility for the murder of a person known to be in a helpless state // Jurisprudence, 2005. - № 1)

3. Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари. Юрид. фан. ном. ... дис. автореф. - Тошкент, ТДЮИ, 2006. (Payzullaev Q.P. Problems in the protection of the sexual integrity and liberty of minors. Author. dis. ... cand. legal sciences - Tashkent, TSU, 2006)

4. Хатуев В.Б. Уголовно-правовая охрана беременных женщин, малолетних, беззащитных и беспомощных лиц и лиц, находящихся в зависимости от виновного. Дис. ... канд. юрид. наук. - М., 2004. (Khatuev V. B Criminal protection of pregnant women, minors, defenseless and helpless persons and persons depending on the guilty. Dis. ... cand. legal sciences. - M., 2004)

5. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди архивидан. 2006. (From the archives of Uchtepa district court of Tashkent. 2006.) (4. From the archives of the Uchtepa district court of Tashkent on criminal cases. 2006. (From the archives of Uchtepa district court of Tashkent. 2006)

6. Лысенко А.В. Преступность несовершеннолетних и ее предупреждение уголовно-правовыми мерами (на примере Краснодарского края): Автореф. дис. ...

канд. юрид. наук. - Краснодар, 2008. (5. Lysenko A.V. Juvenile delinquency and its prevention by criminal law measures (on the example of the Krasnodar Territory): Author. dis. ... cand. legal sciences. - Krasnodar, 2008.)

7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // <http://www.lex.uz> (Civil Code of the Republic of Uzbekistan // <http://www.lex.uz>)

8. Рустамбоев М.Х. Ответственность за сексуальные насилие по уголовному законодательству Узбекистана. - Ташкент: ТГЮИ, 2009. (Rustamboev M.Kh. Responsibility for sexual violence under the criminal law of Uzbekistan. - Tashkent: TSUL, 2009)

9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" (2008 йил, 29-30-сон, 277-модда (Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan "(2008, No. 29-30, Article 277)

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 9-сон қарори (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan No. 9 "On Judicial Practice in Cases of Hooliganism")

11. Дементьев С. Понятие беспомощного и бессознательного состояния // Российская юстиция. 1999. № 1. (Dementiev S. The concept of a helpless and unconscious state // Russian justice. 1999. No.1)

12. Дядькин Д.С. Теоретические основы назначения уголовного наказания: алгоритмический подход. - СПб.: издательство Р.Асланова "Юридический центр пресс", 2006. (Dyadkin D.S. Theoretical principles of criminal punishment: an algorithmic approach. - SPb.: publishing house of R. Aslanov "Legal Center Press", 2006)

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. Иккинчи жилд. - Тошкент: Адолат, 2006 (Collection of decisions of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan. 1991-2006. The second volume. - Tashkent: Adolat, 2006.

14. Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди амалиёти архивидан. 2007 йил. (Following the practice of the Fergana city court on criminal cases. 2007)

15. Салаев Н.С. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро устав муносабатларига оид устав қоидаларини бузиш (жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари). Монография. - Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2012. (Salaev N.S. Violation of the rules of the charter (criminal and criminological aspects) of the statutory relations between non-subordinate servicemen. Monograph. - Tashkent: TSU Publishing House, 2012)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХЎЖАҚУЛОВ Сиёвуш Бахтиёрович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Олий ўқув юртидан
кейинги таълим факультети докторанти (DSc),
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
e-mail: xujakulov.s_1983z@mail.ru

ЎУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЎУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ХЎЖАҚУЛОВ С.Б.
ЎУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЎУҚУҚИЙ
ТАВСИФИ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 3
(2020), Б.88-95.



№3 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-3-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф ўуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг манмунини тушунишда назария ва амалиётдаги мавжуд муаммоларни аниқлашга ва асослашга, шунингдек ушбу муаммоларни бартараф этиш учун профилактиканинг мазкур турини ўзига хос хусусиятлари ва афзалликларини очиб беришга ҳаракат қилган. "Ўуқуқбузарликлар умумий профилактикаси" тушунчасига оид ўуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари ва МДЎга аъзо давлатларнинг қонунчилик нормаларини таҳлил қилган. "Ўуқуқбузарликлар умумий профилактикаси" тушунчасига нисбатан муаллифлик таърифини ишлаб чиққан.

Калит сўзлар: ўуқуқбузарлик, ўуқуқбузарликлар профилактикаси, ўуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси, ўуқуқбузарликларнинг криминалогик умумий профилактикаси, ўуқуқбузарликларнинг виктимологик умумий профилактикаси.

ХУЖАҚУЛОВ Сиёвуш Бахтиёрович

Докторант (DSc) факультета послевузовского образования
Академии МВД Республики Узбекистан,
доктор философии (PhD) по юридическим наукам, доцент
E-mail: xujakulov.s_1983z@mail.ru

ПРАВОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ОБЩЕЙ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье автор пытается выявить и обосновать существующие теоретические и практические проблемы в понимании смысла общей профилактики правонарушений, а также раскрыть специфические особенности и преимущества профилактики для преодоления этих проблем. Автор проанализировал научные взгляды ученых юристов, определяющих понятие "общей профилактики правонарушений" и законодательство государств-участников СНГ. Авторском дается свое определение понятия "общей профилактики правонарушений".

Ключевые слова: правонарушение, профилактика правонарушений, общая профилактика правонарушения, общая криминологическая профилактика правонарушения, общая виктимологическая профилактика правонарушения.

KHURJAKULOV Siyovush,

DSc candidate of the faculty of postgraduate education of the Academy of the
MIA of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law, associate professor
E-mail: xurjakulov.s_1983z@mail.ru

THE LEGAL CHARACTERIZATION OF THE GENERAL PREVENTION OF OFFENCES**ANNOTATION**

In the article, the author tries to identify and justify the existing theoretical and practical problems in understanding the meaning of the general prevention of offenses, as well as to reveal the specific features and advantages of this type of prevention to overcome these problems. The author analyzed the scientific views of legal scholars on the concept of "general prevention of offenses" and the legislation of the CIS member states. He developed the author's definition of the concept of "general prevention of offenses".

Keywords: offense, prevention of offences, general prevention of offences, general criminological prevention of offences, general victimological prevention of offences.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси тушунчасига нисбатан аниқ ва мукамал таърифнинг берилиши профилактиканинг ушбу турини бошқа турлардан фарқлашга, унинг объекти, мақсади ва вазифаларини аниқ белгилашга хизмат қилади.

Таҳлиллариимиз илмий адабиётлар ҳамда қонунчиликда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига тўлиқ ва мукамал тавсиф берилмаганлигини кўрсатмоқда.

З.С. Зарипов ва И. Исмаиловлар умумий тартибдаги жиноятларни олдини олишга, жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятининг субъектлари томонидан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги унинг сабаб ва шароитлари, бошқа детерменантларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, таъсирини йўқотиш, кучсизлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдир, деб таъриф беришади. Ушбу таърифда асосий эътибор жиноятларнинг сабаб ва шароитларини аниқлашга ва бартараф этишга қаратилиб, имкон қадар уларнинг таъсирини йўқотиш, батамом йўқотиш имкони бўлмаганда, кучсизлантиришга доир профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. М.Ю. Кержнер ва Ғ.Т. Абдуллаходжаевлар эса умумий профилактика "давлат миқёсида ташкил

этилади ва жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишдаги давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади" деб тушунади [9, Б.170].

Бу борада Қ.Р. Абдурасулова умумий профилактикага нисбатан юқоридагилардан фарқли ўлароқ кенгроқ ва мукамалроқ таъриф беради. Унинг фикрича, "Умумижтимой профилактика ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ёки нейтраллаштиришга, бошқа гайриижтимой қилмишларга қарши курашишга, фуқаролар ва мансабдор шахсларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ижтимой ахлоқ қоидаларини бузувчиларни қайта тарбиялашга қаратилган ижтимой-сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий ва тарбиявий тадбирларни қамраб олади" [1, Б.104].

Бизнингча, мазкур таърифнинг "ижтимой ахлоқ қоидаларини бузувчиларни қайта тарбиялаш" билан боғлиқ жиҳати мунозаралидир. Чунки, "ижтимой ахлоқ қоидаларини бузувчиларни қайта тарбиялаш" умумий эмас, балки яқка тартибдаги профилактиканинг мақсадига хосдир.

Худди шунга ўхшаш таърифни, Н.Б. Қурбонов ҳам илгари сурган. Унинг таъкидлашича, жиноятчиликнинг умумий олдини олиш деганда, жиноятчиликка қарши курашишнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимой ва бошқа институтларини ривожлантириш, инсонларни маънавий-маърифий камолоти учун шароит яратиш, жиноятчиликни келтириб чиқарадиган турли сабабларни аниқлаш, жиноятчиликни юзага келтирувчи шароитларнинг зарарли таъсирини олдини олиш назарда тутилади [10, Б.139-140].

Ушбу таърифда ҳам авваламбор, жиноятчиликнинг олдини олишни умумийлигини тавсифловчи ўзига хос жиҳатларга, қолаверса мазкур фаолият билан шуғулланувчи субъектлар тизимига урғу берилмаган.

Аксарият адабиётларда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси деганда, профилактика субъектларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти тушунилиши таъкидланган [8, Б.191-194], [14, Б.7]. Бироқ фикримизча, бу ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасига нисбатан мавҳум ёндашув, чунки профилактиканинг бошқа турлари ҳам ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишга йўналтирилади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тушунчаси ҳақида бугунги кун талабига жавоб берадиган, тўлиқ мазмунга эга таъриф мавжуд эмас.

Мазкур муаммони Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг ўрганилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид миллий қонунчилигида ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига берилган қуйидаги таърифларда ҳам кўриш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида: "ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси - ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти" (22-м.) [11];

Россия Федерацияси қонунчилигида: "ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси - ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва уларнинг содир этилишига имкон берган ёки осонлаштирган шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ривожлантириш

ва ҳуқуқий билимларини оширишга йўналтирилган" (15-м.) [12];

Қирғизистон Республикаси қонунчилигида: "ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси - республикада ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш (нейтраллаштириш)га йўналтирилган" (18-м.) [4].

Беларусь Республикаси қонунчилигида: "ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси - ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятнинг асослари тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни содир этишига йўл қўймаслик мақсадида ижтимоий жараён ва ҳодисаларга таъсир кўрсатиш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш фаолияти" (1-м.) [5];

Ўйлашимизча, юқорида келтирилган таърифларда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасига умумий тавсиф берилган, холос. Унда умумий профилактиканинг мақсад ва вазифалари, унга хос бўлган индивидуал хусусиятлар ва афзалликлар етарлича ўз ифодасини топмаган. Шу боис, келтирилган таърифларнинг бирортасига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси тушунчасига нисбатан таъриф беришда энг аввало, профилактиканинг ушбу турини мақсади, вазифалари, объекти ва афзалликларига ойдинлик киритиш зарур ҳисобланади.

Илмий адабиётларда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг мақсадиқуйидагича шакллантирилган: ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кенг жамоатчиликни жалб этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликлар ва гайриижтимоий хулқ-атворларнинг олдини олиш, бу борада уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, кам куч ва вақт сарфлаб, кенг жамоатчиликка профилактик таъсир кўрсатган ҳолда, уларда қонунга итоаткорлик ва ҳуқуқбузарлик содир этишдан тийилишга оид хулқ-атворини шакллантириш ҳамда ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини уйғотиш ва жиноят содир этишдан тийилишига эришиш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфи ҳақида огоҳ этиш ҳамда ҳуқуқбузарликлардан ҳимояланишнинг усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш орқали уларнинг жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришдан иборат.

Ушбу мақсаднинг мазмунига асосланиб, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг вазифаларини қуйидагича белгилаш ўринли деб ҳисоблаймиз:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқиш, рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш орқали кенг жамоатчиликни ҳуқуқбузарликлар профилактикасига жалб этиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, мавжудларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини назорат қилиш,

мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш;

турли шаклдаги маданий ва маърифий тадбирларни уюштириш орқали аҳолидаги мавжуд ижобий хулқ-атворни ривожлантириш;

аҳолида турли шаклдаги хавф ва тажовузлардан ҳимояланишга доир билим ва кўникмаларни шакллантириш;

жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш;

аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш;

аҳолининг маънан ва ахлоқан юксалишини таъминлашга йўналтирилган маънавий-ахлоқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг юқорида келтириб ўтилган вазифаларидан баъзилари олиб борилган бир қатор илмий тадқиқотлар натижалари билан асослаб берилган [3, Б.23-24].

Илмий-назарий адабиётларда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси объекти бўйича ҳам аниқ назарий-ҳуқуқий ёндашувнинг мавжуд эмаслиги кузатилади. Чунки мақсад ва вазифаларнинг ноаниқлиги объектнинг белгиланишига ҳам салбий таъсир кўрсатган.

Баъзи адабиётларда нафақат умумий профилатика, балки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объекти шахслар билан чекланади. Ваҳоланки, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, давлат органлари, алоҳида тоифаланган бино ва иншоотлар, аҳоли хонадонлари ва кўчмас мулкни қўриқлаш масалалари ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан умумий профилактиканинг объекти саналади.

Адабиётларнинг айримларида эса ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси объекти сифатида шахсда жамиятга зид йўналишни шакллантирувчи воқеа ва жараёнлар, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари ҳамда криминоген вазиятлар эътироф этилади [6, Б.175-176], [13, Б.120].

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг юқорида тўхтама келинган мақсад ва вазифаларига асосланиб, унинг объектини қуйидагича шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз: 1) кенг жамоатчилик; 2) жамоат тартибининг сақланиши; 3) фуқаролар хавфсизлигининг таъминланиши; 4) давлат органлари, алоҳида тоифаланган бино ва иншоотлар, аҳоли хонадонлари ва кўчмас мулкнинг қўриқланиши; 5) ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар; 6) ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, мавжуд тартиб ва қоидалар.

Мазкур объектларни ҳам профилактик таъсир кўрсатиш хусусиятига кўра, ҳуқуқбузарликларнинг криминологик ва виктимологик профилактика объектларига ажратиш зарурати мавжуд. Чунки, бу каби тасниф ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирларининг манзилли йўналтирилиши ва таъсирчанлигига катта ҳисса қўшади.

Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқбузарликларнинг криминологик умумий профилактикаси объектларига келгусида ҳуқуқбузарлик содир этишдан тийилишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик умумий профилактикаси объектларига эса келгусида ҳуқуқбузарликлардан жабрланишини олдини олиш мақсадида профилактик таъсир кўрсатилади.

Ушбу вазиятда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг қуйидаги афзалликларини ажратиш кўрсатишимиз мумкин:

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси бир вақтнинг ўзида ўнлаб, юзлаб, минглаб, ҳаттоки, миллионлаб инсонларга профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Бу борада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари жойларда учрашув, маъруза, давра суҳбати, конференция, семинар кабиларни

ташкил этиш, газета ва журналларда мақолалар чоп этиш, профилактик мазмун ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган китобларни нашр этириш, телевидениеда кўрсатувлар, фильмлар намойиш қилиш, радиода эшиттиришлар қилиш орқали бир вақтнинг ўзида кўплаб аҳолига профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эга.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг кам куч, вақт ва маблағ сарфлашига доир афзаллиги [2, Б.101]. Масалан, бир соатлик телекўрсатув орқали минглаб фуқароларга профилактик таъсир кўрсатиш учун ўн нафар кишининг меҳнати кифоя бўлса, айнан шу бир соатлик вақт оралиғида индивидуал профилактикани амалга ошириб, минглаб фуқароларга профилактик таъсир кўрсатиш учун юзлаб профилактика субъектларининг меҳнати талаб этилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига комплекс ёндашилиши. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси махсус ва яқка тартибдаги профилактик мазмунга эга чора-тадбирларни ҳам қисман қамраб олиши мумкин. Масалан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат, ҳудудий ва бошқа дастурларда илгари судланганлар, маъмурий назоратда турганлар, вояга етмаганлар билан яқка тартибда ёндашиш ёки махсус профилактик тадбирларни амалга ошириш вазифалари ҳам белгиланиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишни талаб қилиш хусусиятига эгаллиги. Ушбу хусусиятни "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасида белгиланганлигини кўриш мумкин. Унда "ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш" профилактик чора-тадбири тақдимнома юборилган органга ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш мажбуриятини юклайди. Мазкур мажбуриятни бажармаган субъектларнинг ҳаракатсизлиги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Демак, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг юқорида ўрганилган ҳуқуқий табиатига ва мантиқ қонуниятларига асосланиб, унга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин ҳисобланади:

"ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси ? бу, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан амалга ошириладиган, ғайриижтимоий ҳулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида бир гуруҳ шахслар ёки кенг жамоатчиликка профилактик таъсир кўрсатишга, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш (зарарсизлантириш)га йўналтирилган ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, психологик, тиббий, педагогик, тарбиявий, ташкилий, инфорацион, махсус чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига қамраб олган фаолиятдир"

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мақолада илгари сурилган илмий хулосалар биринчидан, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг мазмун ва моҳиятини очиқ беришга; иккинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ушбу турини аниқ ва объектив ҳуқуқий тавсифлашга; учинчидан, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси объекти, мақсад ва вазифаларининг аниқлаштирилишига; тўртинчидан, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг афзалликларини тушуниб етишга; бешинчидан, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини профилактиканинг бошқа турларида фарқлашга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ. Рустамбоев. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. (Abdurasulova Q.R. Criminology: Textbook. Responsible editor: yu.f.d., prof. M.H. Rustamboev. -T., 2008)

2. Бабишов А.М. Предупреждение хищений путем присвоения или растраты, совершаемые организованными группами. дисс. канд.юрид.наук. Т., 2013. (Babishov A.M. Prevention of theft by appropriation or embezzlement committed by organized groups. diss. Candidate of Legal Sciences. T., 2013)

3. Закирова А.Г. Рашк туфайли содир этилган жиноятларга қарши кураш муаммолари. юрид. фан. док. ... дис. автореф. - Т., 2004. (Zakirova A.G. Problems in combating crimes committed due to jealousy. jurid. fan. doc. ... dis. avtoref. - T., 2004. ? P. 41)

4. Закон Киргизской Республики от 25 июня 2005 г. № 82 "О профилактике правонарушений в Киргизской Республике" //www.cbd.minjust.gov.kg. (The Law of the Kyrgyz Republic dated June 25, 2005 No. 82 "On the Prevention of Offenses in the Kyrgyz Republic" // www.cbd.minjust.gov.kg.)

5. Закон Республики Беларусь от 4 января 2014 г. №122-З "Об основах деятельности по профилактике правонарушений" // https://www.pravo.by. (The Law of the Republic of Belarus dated January 4, 2014 No. 122-Z "On the Basics of Activities for the Prevention of Offenses" // https://www.pravo.by.)

6. Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология (Умумий қисм): Дарслик. ? Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 1996. (Zaripov Z.S., Ismailov I. Criminology (General Part): Textbook. - Tashkent: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 1996)

7. Исмаилов И. Уюшган жиноий тузулмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш. юрид. фан. док. ... дис. автореф. Т., 2006. (Ismailov I. Theoretical and organizational-legal support of the prevention of the activities of organized criminal structures. jurid. fan. doc. ... dis. avtoref. T., 2006)

8. Криминология. Умумий қисм: ИИБ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. (Criminology. General part: textbook for higher education institutions of the Ministry of Internal Affairs / I.Ismailov, Q.R.Abdurasulova, I.Yu.Fazilov. T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2015)

9. Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ. Проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2006. (Criminology: Textbook / Z.S.Zaripov, A.S.Yakubov, G.A.Avanesov et al. Prof. Z.S. Edited by Zaripov. T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2006)

10. Курбонов Н.Б. Одамлардан фойдаланиш учун ёллаш жиноятида жавобгарлик масалалари (жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари). юрид. фан. ном. дис. - Т., 2005. (Qurbonov N.B. Issues of liability in the crime of recruitment for the use of people (criminal and criminological aspects). jurid. fan. nom. dis. - T., 2005)

11. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни // URL: https://lex.uz/docs/2387357 (Law of the Republic of Uzbekistan dated May 14, 2014 "On crime prevention" // URL: http://www.lex.uz.)

12. Федеральный Закон Российской Федерации от 23 июня 2016 г. №182-ФЗ "Об основах системы профилактики правонарушений в Российской Федерации" https://mvd.ru/document. (Federal Law of the Russian Federation dated June 23, 2016 No.

182-ФЗ "On the Basics of the System for the Prevention of Offenses in the Russian Federation" <https://mvd.ru/document>)

13.Хамидов Д.Х. Криминологическая характеристика тяжких насильственных преступлений против личности и их предупреждение (умышленное убийство, умышленное тяжкое телесное повреждение, изнасилование). Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. - Т., 2009. - С.226. (Khamidov D.Kh. Criminological characteristics of serious violent crimes against the person and their prevention (intentional homicide, intentional grievous bodily harm, rape). Theses for the degree of candidate of legal sciences. - T., 2009. P. 226)

14.Хуқуқбузарликлар профилактикаси психологияси: Дарслик / Ё.А.Фарфиев, М.З.Зиёдуллаев ва бошқ. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. - Б. 7 (Psychology of crime prevention: Textbook / Yo.A. Farfiev, M. Z.Ziyodullaev et al. - T. : Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

МАТЧАНОВ Алимжан Атабаевич
Исполняющий обязанности профессора
Академии МВД Республики Узбекистан,
доктор юридических наук, доцент
E-mail: alimjan-60@inbox.uz

ОТДЕЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ДОКАЗЫВАНИЯ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИЙ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): МАТЧАНОВ А.А.
ОТДЕЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ДОКАЗЫВАНИЯ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ
КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИЙ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer
herald. № 3 (2020), С.96-103.

 №3 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-3-12>

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются проблемы, которые связаны с отдельными особенностями доказывания при расследовании киберпреступлений. Эти особенности отражают алгоритм действий направленный на обнаружение, сбор, проверку и оценку новых разновидностей доказательств, выраженных в цифровой (электронной) форме. Изучен зарубежный опыт и мнения ученых о понятии и сущности цифровых (электронных) доказательств, порядок проведения следственного действия (осмотра), направленного на их сбор, фиксацию и определение уголовно-процессуальных особенностей этого вида доказательств.

Ключевые слова: киберпреступление, доказывание, процесс обнаружения доказательств, цифровые доказательства, электронные доказательства, информационно-коммуникационные технологии, Интернет, уголовно-процессуальный порядок, алгоритм.

МАТЧАНОВ Алимжан Атабаевич
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессори вазифасини
бажарувчи, юридик фанлар доктори, доцент
E-mail: alimjan-60@inbox.uz

КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ИСБОТ ҚИЛИШНИНГ

АЛОҲИДА ХУСУСИЯТЛАРИ**АННОТАЦИЯ**

Мақолада кибержиноятларни тергов қилишда исбот қилишнинг алоҳида хусусиятлари билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган. Рақамли (электрон) шаклдаги далилларни топиш, тўплаш, текшириш ва баҳолаш характлар алгоритми хусусиятларни ифодалайди. Рақамли (электрон) далилларни тушунчаси ва моҳияти, ушбу турдаги далилларни тўплаш, қайд этиш ва жиноят-процессуал хусусиятларни аниқлашга қаратилган (куздан кечиритиш) тергов харакатини ўтказиш тартибининг хорижий тажриба ва олимларнинг фикрлари ўрганилган

Калит сўзлар: кибержиноятлар, исбот қилиш, далилларни топиш жараёни, рақамли далиллар, электрон далиллар, ахборот-коммуникацион технологиялар, Интернет, жиноят-процессуал тартиби, алгоритм.

MATCHANOV Alimjan

Acting Professor of the Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan

Doctor of Law Sciences, Associate professor

E-mail: alimjan-60@inbox.uz

SEPARATE FEATURES TO PROVE AT INVESTIGATION OF CYBERCRIMES**ANNOTATION**

In article problems which are connected with separate features to prove at investigation of cybercrimes are analyzed. These features reflect algorithm of actions directed on detection, collecting, check and an estimation of a new version of the proofs expressed in the digital (electronic) form. Foreign experience and opinions of scientists on concept and essence of digital (electronic) proofs, an order of carrying out of the investigatory action (survey) directed on their gathering, fixing and definition of criminally-remedial features of the given kind of proofs is studied.

Keywords: Cybercrimes, to prove, process of detection of proofs, digital proofs, electronic proofs, information-communication technologies, the Internet, a criminally-remedial order, algorithm.

Среди транснациональных преступлений, таких как: терроризм, экстремизм, незаконный оборот наркотических и психотропных веществ, торговля людьми, коррупция особое место занимают преступления в сфере информационных, телекоммуникационных технологий, которые именуются как киберпреступления.

Эти преступления стали настоящей проблемой транснационального масштаба, и мировые аналитические агентства приводят данные о нанесении огромного материального вреда, наносимого общественно-опасными деяниями в сфере информационных технологий (киберпреступлений). К 2022 году, по прогнозу Всемирного экономического форума, сумма всемирного ущерба от кибератак вырастет до 8 триллионов долларов США. В исследовании Zurich Insurance Group ущерб от злоумышленников и затраты на обеспечение кибербезопасности в Интернете оцениваются в 120 триллионов долларов США к 2030 году [1].

Современные проблемы, связанные с возрастающим числом преступлений в сфере информационно-коммуникационных технологий (далее ИКТ) или киберпреступность, приобрели всемирный характер и не ограничиваются какой-либо страной или регионом, а представляют собой угрозу всему мировому

сообществу. Обстановка в мире демонстрирует необходимость совершенствования механизма сотрудничества в доказывании при расследовании киберпреступлений.

Следует признать, что киберпреступления отличаются от правонарушений в сфере информационных технологий. На наш взгляд, первое понятие шире, чем второе и более точно отражает природу такого явления, как преступность в информационно-телекоммуникационном пространстве. Термин "киберпреступления" можно воспринимать как общественно-опасные деяния, связанные с совершением преступлений, в сфере информационно-коммуникационных технологий, где сама электронная информация, техника или ресурсы, с помощью которой совершаются преступления, составляют признаки этих противоправных деяний.

Процесс развития и совершенствования ИКТ и распространения в глобальном, международном пространстве посредством информационной интеграции, создал благоприятные условия для совершения киберпреступлений. Это потребовало от правоохранительных органов государств создать и оптимизировать механизм получения нового вида цифровых (электронных) доказательств [2, Р.155].

Н.А. Нугманов среди проблем связанных с применением информационных технологий анализирует такую как создание правовых условий для электронного документа в качестве доказательства в уголовном процессе [3, С.42].

А.У. Расулев в своем исследовании отмечает, что повышению эффективности борьбы с преступлениями в сфере информационных технологий имеется и такое приоритетное направление как обеспечение принципа неотвратимости ответственности за киберпреступления в сфере экономики путем раскрытия их юридической природы [4, С.37].

Анализ уголовно-процессуального законодательства Узбекистана (ст. 81 УПК) показал, что доказательствами по уголовному делу являются любые фактические данные, на основе которых, в определенном законом порядке, орган дознания, следователь и суд устанавливают наличие или отсутствие общественно опасного деяния, виновность лица, совершившего это деяние, и иные обстоятельства, имеющие значения для правильного разрешения дела.

Эти данные устанавливаются: показаниями свидетеля, потерпевшего, подозреваемого, обвиняемого, подсудимого, заключением эксперта, вещественными доказательствами, материалами звукозаписи, видеозаписи и кинофотосъемки, протоколами следственных и судебных действий и иными документами (курсивом выделено нами М.А.). Доказательства, полученные посредством информационных технологий, в силу особенностей их фиксирования, приобретают иные специфические формы, которые отличаются от предусмотренных в действующем УПК. Эти особенности создали предпосылки для возникновения в уголовном процессе таких специфических форм как цифровые или электронные доказательства.

Относительно этого Е.С. Ермакова отмечает, что "электронные доказательства легко подвергаются изменениям и мгновенному уничтожению. В силу этого, особую важность приобретает их своевременная и правильная фиксация. На наш взгляд, можно выделить следующие особенности фиксации электронных доказательств: 1) Оперативность; 2) Участие специалиста; 3) Наличие специальных устройств для их записи, сохранения и воспроизведения" [5, С.86]. На наш взгляд эти особенности при расследовании киберпреступлений наиболее полно отражают уголовно-процессуальный алгоритм, который необходимо знать сотрудникам правоохранительных органов.

Анализ зарубежного опыта показал, что в некоторых странах и, в частности,

в уголовно-процессуальном кодексе Вьетнама еще в 2015 году были внесены изменения, согласно которым, в качестве самостоятельного вида доказательств были определены "электронные данные". При этом были закреплены и присущие только этому источнику доказательств характеристики, а именно факт формирования цифровых сигналов в виртуальном пространстве.

Опыт расследования киберпреступлений в другой стране - США предусматривает использование цифровых доказательств как одного из основных средств установления обстоятельств дела. Для получения подобных доказательств были созданы специальные технические группы по исследованию цифровых доказательств - Technical Working Group on Digital Evidence (TWGDE), впоследствии были преобразованы в единую Scientific Working Group on Digital Evidence (SWGDE) (Официальный сайт - <http://ncfs.org/swgde/>).

По нашему мнению вышеуказанный зарубежный опыт показывает значение инновационных достижений информационных, коммуникационных технологий, которые могут быть использованы для получения цифровых (электронных) доказательств. Этот вид доказательств в настоящее время стал приобретать самостоятельное значение, как необходимая часть расследования киберпреступлений.

В Узбекистане также осуществляется правотворческая работа по урегулированию проблем связанных с использованием инновационных технологий по фиксации цифровых доказательств в уголовном процессе. В частности Законом Республики Узбекистан от 23 мая 2019 года № ЗРУ-542 (Национальная база данных законодательства, 24.05.2019 г., № 03/19/542/317) УПК был дополнен статьями 911 - 914, которые регулируют производство, основания, условия, порядок, закрепление хода и результатов следственного действия, проведенного в режиме видеоконференцсвязи. Для того, чтобы эти средства доказывания имели правовое основание необходимо закрепить за цифровыми доказательствами их правовой статус как отдельный, самостоятельный вид.

Н.А. Иванов дал собственное авторское определение цифровым доказательствам, которое наиболее полно отражает их уголовно-процессуальные особенности. По его мнению, под цифровыми доказательствами понимаются фактические сведения, полученные с помощью информационно-коммуникационных технологий дискретных сигналов, содержащихся или зафиксированных на компьютерных или иных машинных носителях, изъятую, переданную участниками процесса или полученную иным способом в соответствии с действующим уголовно-процессуальным законодательством [6, С.78].

Одним из основных средств обнаружения и фиксации цифровых доказательств является изъятие электронных носителей при проведении следственного осмотра, как следственного действия.

В.А. Мещеряков, В.В. Трухачев относительно осмотра, как средства обнаружения и изъятия цифровых (электронных) доказательств, установили особую важность данного следственного действия отметив, что "арсенал имеющихся процессуальных действий достаточно велик, он все же, с одной стороны, ограничен, исчерпывающим списком, а с другой - в рассматриваемых нами целях фактически сводится к одному единственному следственному действию - осмотру" [7, С.108]. Это связано с тем, что осмотр является универсальным следственным действием, в котором восприятие цифровой информации предусматривает наличие определенных технических средств и необходимого программного обеспечения, позволяющего понять сущность информации, выраженной в цифровой форме.

Органы, ответственные за расследование преступлений, не всегда имеют дело

непосредственно с физическим электронным носителем информации. Особенность информационных, телекоммуникационных систем выражается в том, чтобы получить соответствующие цифровые доказательства, имеющие значение для расследования уголовного дела, не имея физического доступа к месту нахождения информационного носителя. При этом цифровая информация фиксируется в составляемом протоколе осмотра с использованием доступных для пользователей открытых источников, но только в том случае, когда данные размещены на общедоступных машинных, компьютерных или иных информационных носителях [8, С.171].

В отличие от осмотра, обыск и выемка являются средством, направленным на возможность активного поиска и принудительного изъятия необходимой доказательственной цифровой информации. Эти следственные действия проводятся с физическим проникновением в помещение, где находятся их машинные, электронные и иные информационные носители, с последующим изъятием либо самих физических носителей, либо копирования (переноса) информации на другие носители.

Таким образом, перед органами предварительного следствия, при расследовании киберпреступлений, возникает проблема фиксирования цифровых доказательств, полученных с информационных носителей и имеющих форму цифровых (электронных) доказательств. При этом, вышеуказанный вид доказательств может быть зафиксирован на любом материальном носителе, в том числе, полученном в результате применения и использования информационно-телекоммуникационных технологий. В сущности, они материализуются как вещественные доказательства или электронный документ посредством ИКТ, как сведения, представленные в форме цифровых сигналов материальным, машинным (электронным) носителем, независимо от средств их хранения, обработки и передачи. Это могут быть аппаратные и программные средства микропроцессорной техники. При этом доказательственную базу составляет информация, зафиксированная на машинных носителях или на CD-дисках, DVD-дисках, флешнакопителях (переносимые носители), а также встроенных в средства микропроцессорной, компьютерной или иной инновационной техники.

Н.А. Иванов считает сами машинные носители информации как источник доказательств. Он предлагает рассматривать их с двух точек зрения: как искусственно созданный материальный объект, предназначенный для хранения информации в дискретной форме и как информацию, записанную на машинном (электронном) носителе, вне зависимости от типа последнего [9, С. 75].

В сущности, цифровые доказательства при расследовании киберпреступлений представляют собой фактические сведения, хранящиеся в материальном носителе, основу работы которого составляют информационные или иные телекоммуникационные технологии, представленные в электронном или ином инновационном виде.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасининг расмий Веб-сайтидаги статистик маълумотлари (Statistical data on the official website of the Main Department of Traffic Safety of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan)

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази "Суд-баллистика ва трасологик экспертизаси лабораторияси"нинг ҳисобот ҳужжатлари (Documents of "Laboratory of forensic ballistics and trasological examination" of the Republican Center of Forensic Examination named after H. Suleymanova under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan Reporting)

5. Маълумотлар социологик сўровнома натижаларидан олинган (The data were obtained from the results of a sociological survey)

6. П.Л. Коледа. Задачи, объекты и этапы трасологической экспертизы. - М., Правоведение, 1999. - 268 с. (P.L. Koleda. Tasks, objects and stages of trasologicheskoy examination. - M., Pravovedenie, 1999. - 268 p.)

7. Махмудов Р.Х., Хасанов Ш.Х. Суд-траасологик экспертизаси жараёнини ахборотли таъминлашнинг автоматлаштириш масалалари // Ўзбекистонда суд экспертизасининг ривожланиш истиқболлари. - Т., 2006. - 127-130 б. (Mahmudov R.X., Khasanov Sh.X. Issues of automation of information support of forensic examination

// Prospects for the development of forensic examination in Uzbekistan. - Т., 2006. - 127-130 р.)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

СУЛАЙМАНОВ Одилжон Раббимович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби бош мутахассиси, юридик фанлар номзоди, доцент
E-mail: odiljon.sulaymanov@gmail.com

ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА ИШНИНГ МУСТАҚИЛ ВА ХОЛИС СУД ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ҲУҚУҚИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): СУЛАЙМАНОВ О.Р. ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА ИШНИНГ МУСТАҚИЛ ВА ХОЛИС СУД ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ҲУҚУҚИ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 3 (2020), Б.118-125.



№3 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-3-15>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи оид халқаро ва минтақавий ҳужжатлар ўрганилган. Универсал ва минтақавий шартномаларда ишнинг мустақил ва холис судлар томонидан адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқи таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига соҳага оид халқаро стандартларни имплементация қилиш бўйича хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: халқаро ва минтақавий ҳужжатлар, суд ҳокимияти мустақиллиги, мустақил ва холис суд, суднинг индивидуал ва институционал мустақиллиги.

СУЛАЙМАНОВ Одилжон Раббимович

Главный специалист Высшей школы судей при высшем судебном совете Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент
E-mail: odiljon.sulaymanov@gmail.com

ПРАВО НА СПРАВЕДЛИВОЕ СУДЕБНОЕ РАЗБИРАТЕЛЬСТВО В УНИВЕРСАЛЬНЫХ И РЕГИОНАЛЬНЫХ ДОГОВОРАХ

АННОТАЦИЯ

В статье исследуются международные и региональные документы, касающиеся права на независимый и беспристрастный суд. Анализируется право на справедливое судебное разбирательство в универсальных и региональных договорах.

Сделаны выводы об имплементации международных стандартов в области право на справедливое судебное разбирательство в Конституции и законов Республики Узбекистан.

Ключевые слова: международные и региональные документы, независимость судебной власти, независимость и беспристрастность суда, индивидуальная и институциональная независимость суда.

SULAYMANOV Odiljon

Chief Specialist of the Higher Judicial School under the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan,
Candidate of Juridical Sciences,
Associate Professor
E-mail: odiljon.sulaymanov@gmail.com

THE RIGHT TO A FAIR TRIAL IN UNIVERSAL AND REGIONAL TREATIES

ANNOTATION

The article examines international and regional documents regarding the right to an independent and impartial court. The author analyzes the right to a fair trial in universal and regional treaties. Conclusions are drawn on the implementation of international standards in the field of the right to a fair trial in the Constitution and laws of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: international and regional documents, the independence of the judiciary, the independence and impartiality of the judiciary, the individual and institutional independence of the judiciary.

Халқаро ва минтақавий ҳужжатлардаишнинг мустақил ва холис суд томонидан адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқига оид нормалар белгиланган. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида "Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаш учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга" [1, Б.32] деб қайд қилинган.

"Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро пактнинг 14-моддаси 1-банди қуйидагиларни кўзда тутди: "Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқиляётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга" [2, Б.41]. Ушбу пактга давлатлар томонидан риоя қилиниши мониторинги учун масъул бўлган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси таъкидлашича, ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи "ҳеч қандай истисноларга йўл қўймайдиган мутлақ ҳуқуқ" [3] ҳисобланади.

Шунингдек, Қўмита ҳатто уруш даври ёки фавқулодда вазиятларда ҳам фақатгина суд бирон бир шахсни жиноий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиши мумкинлигини ойдинлаштириб берди. Шундай экан, бу ҳуқуқ барча ҳолатларда ва барча оддий, махсус судларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Шу билан бирга, "Барча меҳнаткаш мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги халқаро конвенциянинг 18-модда 1-бандида белгиланишича, "меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари иши қонунга мувофиқ тузилган малакали, мустақил ва ҳолис суд томонидан адолатли ва ошкора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга" [4].

Минтақавий халқаро ҳужжатларда, шу жумладан, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясининг 6-модда 1-бандида белгиланадики, "Ҳар ким ўзининг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақидаги даъволашувда ёки ўзига нисбатан ҳар қандай жиноий айблов билдирилганда, ўз ишининг қонун асосида тузилган мустақил ва ҳолис суд томонидан оқилона муддатда адолатли ва ошкора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга" [5].

Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитасининг "Инсон ҳуқуқлари ва террорчиликка қарши курашга оид" раҳбарий принципларининг IX принципи шуни белгилайдики: "Террорчилик ҳаракатларида айбланаётган шахс ишининг қонун асосида тузилган мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилишига ҳақли" [6]. Европа Иттифоқи асосий ҳуқуқлари хартиясининг 7-моддасида айтилишича: "Ҳар ким ишининг қонун асосида тузилган мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилишига ҳақли" [7].

Осиё-Тинч океани минтақасида "Суд муассасаларининг мустақиллигининг принциплар тўғрисида"ги Пекин баёнотида ("Пекин принциплари") кўзда тутилишича: "Суд ҳокимиятининг мустақиллиги у томонидан масалаларни ҳолис баҳолаш асосида ҳамда қаердан келаётганидан қатъи назар, бевосита ёки билвосита тарзда, қонунни тегишли таъсирсиз тушуниш асосида ҳал қилинишини тақозо этади" [8].

Америка Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари декларациясининг 26-моддасида таъкидланишича эса: "Ҳуқуқбузурликда айбланаётган ҳар бир киши ишининг мавжуд қонунлар асосида тузилган суд томонидан кўриб чиқилишига ҳақли" [9].

Америкалараро Инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциясининг 8-моддаси 1-бандида белгиланишича "Ҳар бир инсон ўз ишининг тегишли кафолатлар билан ва муайян вақт давомида ўзига нисбатан жиноий характердаги ҳар қандай айбловни асослаш учун ёки унинг фуқаролик, меҳнатга оид, молиявий ёки бошқа характердаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш учун қонуний тузилган малакали, мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга" [10].

Шунга ўхшаш ифодадан фойдаланилган ҳолда Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартиясида шундай дейилади: "Ҳар бир инсон ўз ишининг кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга", ушбу ҳуқуқ "айби ваколатли суд ёки трибунал томонидан белгиланмагунча айбсиз, деб ҳисобланиш ҳуқуқи"ни ҳам назарда тутаяди, "ишининг малакали суд ёки трибунал томонидан оқилона муддатда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга" [11]. Ушбу моддани Хартиянинг 26-моддаси билан бирга ўқиш керак, унга кўра, аъзо-давлатлар "судларнинг мустақиллигини кафолатлашга мажбур". Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси эса, 7-модда "чекиниш мумкин бўлмаган сифатда кўриб чиқилиши" кераклиги, зеро, у "фуқароларнинг энг кам даражадаги ҳимоясини" таъминлашини" [12] таъкидлайди.

Суд тизимининг мустақиллигига оид Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссиясининг "Суд тизими мустақиллигини ҳурмат қилиш ва уни кучайтириш бўйича Резолюцияси" [13] ни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Халқаро гуманитар ҳуқуқда ҳам ишнинг адолатли судлов йўли билан кўриб чиқилиши ҳуқуқи тан олинади. Женева конвенциясининг биринчи баённомаси 75-моддаси 4-бандида белгиланганидек: "Қуролли можаро билан боғлиқ жиноий ҳуқуқбузарлик содир қилишда айбланган шахсга нисбатан оддий суд жараёнининг умумэтироф этилган принципларига риоя қилувчи бетараф ва тегишли тарзда

таъсис этилган суд қарорисиз ҳеч қандай ҳукм чиқарилиши ва жазо чоралари кўрилиши мумкин эмас" [14].

Юқоридаги халқаро ва минтақавий ҳужжатлардаги нормалар ўз ичига қуйидаги ҳуқуқларни қамраб олади:

а) жараён айбланувчи ўзи айбланаётган ҳуқуқбузарлик тафсилотлари ҳақида дарҳол хабардор қилиниши ва айбланувчига судгача ва суд жараёнида барча зарур ҳуқуқлар ва ҳимоя воситалари берилишини кўзда тутиши керак;

б) ҳеч бир шахс шахсан жиноий жавобгарлик асосидан ташқари ҳуқуқбузарлик учун ҳукм қилиниши мумкин эмас;

в) ҳуқуқбузарликда айбланаётган ҳар бир шахс унинг айби қонун йўли билан исботланмагунча, айбсиз ҳисобланади;

г) айбланаётган ҳар бир шахс ишининг ўзи иштирокида судда кўриб чиқишига ҳақли.

Декларатив хусусиятли ҳужжатлар юридик маънода мажбурий эмас, аммо инсон ҳуқуқларига оид қатор масалалар бўйича кенг тан олинадиган стандартларни белгилайди. Умуман, ушбу ҳужжатлар, хусусан, БМТ доирасида қабул қилинган ҳужжатлар халқаро ҳуқуқнинг асосини ташкил қилади.

Уларнинг аксарияти халқаро ҳужжатларда такрорланувчи ва айрим ҳолларда халқаро ҳуқуқда ифодаланган қоидаларни акс эттиради. Масалан, БМТнинг "Юристарнинг ролига тааллуқли асосий принциплар"ининг 1-принципи "Ҳар бир киши жиноят иши кўриб чиқишининг барча босқичида ўз ҳуқуқларини ва ўзини ҳимоя қилиш тўғрисида ёрдам сўраб ҳар қандай юристга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга" [15, Б.169-175] "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро пактнинг 14-моддаси 3d)-бандида келтирилган "Ўзи қатнашиб суд қилиниши ва ўзини ўзи ёки танлаб олинган оқловчи воситасида ҳимоя қилиниши; агар оқловчи бўлмаса, унга эга бўлиш ҳуқуқи борлиги ҳақида хабардор қилиниши; одил суд манфаатлари талаб этган ҳар қандай ҳолларда унга тайинланган оқловчига эга бўлиш, ушбу оқловчига тўлаш учун етарли маблағи бўлмаган барча ҳолларда унинг учун оқловчини текинга бериш" [16, Б.42] ҳуқуқини баён этади.

Ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқи нафақат халқаро шартномаларда тан олинган, айни пайтда халқаро ҳуқуқнинг бир қисми ҳисобланади. Шу муносабат билан, ушбу шартномаларга қўшилмаган ёки уларни ратификация қилмаган давлатлар, бундан қатъий назар, ушбу ҳуқуқни ҳурмат қилиши ва тегишли тарзда ўз суд тизимини унга мувофиқлаштириши керак.

Ишнинг адолатли ҳал қилиниши учун у ёки бу ишни кўриб чиқувчи судьянинг ёки суднинг мустақиллиги таъминланиши керак. Инсон ҳуқуқлари бўйича барча халқаро шартномалар ишнинг мустақил ва холис судлар томонидан адолатли кўриб чиқиши ҳуқуқини кўзда тутди. Шахс ишнинг судда адолатли кўриб чиқишига бўлган ҳуқуқга, мустақил судья мавжуд бўлгани ҳолда риоя қилиниши мумкин, давлат суд тизими ҳокимиятнинг мустақил тармоғи бўлмагани ҳолда ўзининг халқаро мажбуриятларини таъминлай олмайди. Шу нуқтаи назардан мустақиллик шахсан судьяга ва умуман суд тизими тааллуқли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматининг таклифига мувофиқ 2019 йилнинг 19-25 сентябрь кунлари Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян ўзининг дастлабки мулоҳазаларида қайд этишича "Ўзбекистондаги судлар мустақил бўлмаганликлари сабабидан инсон ҳуқуқлари поймол қилинишидан жабрланган шахсларга самарали суд ҳимояси воситаларини ва умуман ҳимояни таъминлаб беришга оид муҳим вазифаларини бажара олмадилар. Ушбу вазифага инсон ҳуқуқлари поймол

қилинишида айбдор бўлган шахсларнинг жавобгарликка тортилишини ва жиноят содир этганликда гумон қилинган ҳар қандай шахс халқаро стандартларга мос равишда адолатли судловга эга бўлишини таъминлаш кабилар киради. Мустақил судлов тизимининг мавжуд эмаслиги ҳам коррупция ва жазосизликка кўмаклашувчи омил бўлиб хизмат қилди ва натижада бундай ҳолатлар мамлакатда кенг тарқалди" [17] деб мамлакатимизда ишларнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилишига ҳуқуқий баҳо берган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасида "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади" деб қайд қилинган [18, Б.64]. Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши суд ҳокимиятининг мустақиллиги таъминлашга масъул орган сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги 2000 йил 14 декабрдаги қонуни (янги таҳрирдаги) 11-моддасида "Судларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши принципларига қатъий мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан амалга оширилади" деб белгиланган [19]. Ушбу моддага кўра Ўзбекистонда судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши принципларига қатъий мувофиқ ҳолда таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан таъминланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида "Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади" [20, Б.64-65] деб қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги 2000 йил 14 декабрдаги Қонуни (янги таҳрирдаги) 8-боби "Судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари" деб номланиб унда судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш, судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик, суд ишларини ҳал қилишга аралашушга йўл қўйилмаслиги, судьялар дахлсизлиги, судьянинг ваколатларини тўхтатиш, судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, судьяларнинг интизомий жавобгарлиги ва судьялар малака ҳайъатлари каби масалалар тартибга солинган.

Ҳар бир давлат судьялар ишларни мустақил ҳал қила олишлари учун зарур механизмларни яратиши зарур. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги унинг ишига ва қарорлари ижросига аралашмаслик орқали қўллаб-қувватланиши керак. Суд ҳокимияти институционал мустақилликка эга бўлиши, судьялар эса суд тизимининг ичида ва унинг бошқа институтларига нисбатан шахсий мустақилликдан фойдаланиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро ва минтақавий ҳужжатлар таҳлилига кўра суд ҳокимияти ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан мустақил деб ҳисоблаш мумкинлигини аниқлаш учун одатда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинади.

Биринчидан, судьяликка тайинлаш усуллари, судьялик лавозимида бўлиш муддати, иш шароитлари, ташқи босимдан ҳимоя кафолатларининг мавжудлиги бўйича судни мустақил деб тушуниш ҳисобланади.

Иккинчидан, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг учта минимал шартлари қуйидагиларда иборат:

судьялик лавозимини эгаллаш муддати: судьянинг лавозимда бўлиш муддати умрбодми, нафақа ёшишгача ёки белгиланган муддатми бу судьянинг ижро ҳокимияти ёки уни тайинлаган бошқа орган томонидан ўзбошимчалик билан аралашидан кафолатлаш ҳисобланади;

молиявий таъминоти: бу судьянинг иш ҳаққига ва пенсия таъминотига бўлган ҳуқуқи бўлиб у қонун билан белгиланади, бу ижро ҳокимияти томонидан ўзбошимчалик билан аралашиди объектика айланиб қолиши мумкин эмас, чунки бу судьянинг мустақиллигида ўз аксини топадиган ҳолат ҳисобланади. Аммо мазкур талаб доирасида ҳукумат турли судьяларни аниқ бир режа асосида рағбатлантириш шартларини ишлаб чиқиш ҳуқуқини ўзига қолдиришлари мумкин. Шундай қилиб, судья меҳнатига ҳақ тўлашнинг турли схемалари мавжудлиги мазкур шартнинг моҳиятини сақлаган ҳолда судьяларнинг молиявий таъминотига нисбатан талабларга ҳам мос бўлиши мумкин;

институционал мустақиллик: яъни судьялик функциясини тўғридан-тўғри амалга оширишга оид маъмурий масалаларда мустақилликни англатади. Судьялик функциясига тўғридан-тўғри тегишли бўлган масалаларда ҳеч қандай ташқи кучнинг аралашиди имкон яратилмаслиги шарт, масалан, судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш, суд мажлисларининг жадвалини тузиш ёки суд ишларининг рўйхатини тузишда. Суд ва ижро ҳокимияти ўртасида маълум институционал муносабатларнинг албатта бўлишига қарамасдан, бундай муносабатлар баъзи низоли масалаларни кўриб чиқишда ва қонунлар ҳамда Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган қадриятларни ҳимоя қилиш учун суднинг эркинлиги аралашиди мумкин эмас.

Иқтибослар/Сноски/References

1.Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплами. -Тошкент: "Адолат", 2004. -Б.32. (Universal Declaration of Human Rights. The collection of International human rights treaties.: -Tashkent: "Adolat", 2004. -P.32.)

2."Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро пакт. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплами. -Тошкент: "Адолат", 2004. -Б.41.(International Covenant on Civil and Political Rights. The collection of International human rights treaties. -Tashkent: "Adolat", 2004. -P.41.)

3.González del Rio v Peru, HRC Communication 263/1987, UN Doc CCPR/C/46/D/263/1987.

4.Международная конвенция о защите прав всех трудящихся-мигрантов и членов их семей. Принята резолюцией 45/158 Генеральной Ассамблеи от 18 декабря 1990 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/migrant3.shtml.(The International Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination against Migrant Workers and Members of Families. Adopted by General Assembly resolution 45/158 of December 18, 1990. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/migrant3.shtml.)

5.Convention for the Protection of Human Rights and Fundamental Freedoms. Rome, 04/11/1950. <https://www.coe.int/en/web/conventions/full-list/-/conventions/treaty/005>.

6.Руководящие принципы в области прав человека и борьбы с терроризмом. Утвержденным на 304-ом заседании Кабинета Министров 11 июля 2002 г. [http://www.concourt.am/hr/rus/h-inf\(2002\)8rus.pdf](http://www.concourt.am/hr/rus/h-inf(2002)8rus.pdf).(Guidelines on human rights and the fight against terrorism. Approved at the 304th meeting of the Cabinet of Ministers on July 11, 2002. [http://www.concourt.am/hr/rus/h-inf\(2002\)8rus.pdf](http://www.concourt.am/hr/rus/h-inf(2002)8rus.pdf).)

7.Хартия Европейского союза об основных правах. <https://eulaw.ru/treaties/charter>.

(European Union Charter of Fundamental Rights. [https://eulaw.ru/treaties/charter.](https://eulaw.ru/treaties/charter))

8. Beijing Declaration on the Principles of the Independence of the Judiciary, adopted in 1995 by the Sixth Conference of Chief Judges of Asia and the Pacific. https://www.hurights.or.jp/archives/other_documents/section1/1995/08/beijing-statement-of-principles-of-the-independence-of-the-judiciary-in-the-lawasia-region-beijing-1.html.

9. American Declaration of the Rights and Duties of Man (1948) (Adopted at the Ninth International Conference of American States, Bogota, Colombia, 2 May 1948) [https://www.ohchr.org/EN/Issues/Education/Training/Compilation/Pages/2AmericanDeclarationoftheRightsandDutiesofMan\(1948\).aspx](https://www.ohchr.org/EN/Issues/Education/Training/Compilation/Pages/2AmericanDeclarationoftheRightsandDutiesofMan(1948).aspx).

10. American Convention on Human Rights: "Pact of San Jos?, Costa Rica". Signed at San Jos?, Costa Rica, on 22 November 1969. Registered by the Organization of American States on 27 August 1979. <https://treaties.un.org/doc/Publication/UNTS/Volume%201144/volume-1144-I-17955-English.pdf>.

11. African Charter on Human and Peoples' Rights. Concluded at Nairobi on 27 June 1981. <https://treaties.un.org/doc/Publication/UNTS/Volume%201520/volume-1520-I-26363-English.pdf>.

12. African Charter on Human and Peoples' Rights. Concluded at Nairobi on 27 June 1981. <https://treaties.un.org/doc/Publication/UNTS/Volume%201520/volume-1520-I-26363-English.pdf>.

13. Resolution on the Respect and the Strengthening on the Independence of the Judiciary - ACHPR/Res.21(XIX)96 <https://www.achpr.org/sessions/resolutions?id=26>.

14. Дополнительный протокол к Женевским конвенциям от 12 августа 1949 года, касающийся защиты жертв международных вооруженных конфликтов (протокол I) Женева, 8 июня 1977 года. <https://lex.uz/docs/2674806>. (Additional Protocol to the Geneva Conventions of 12 August 1949 concerning the protection of victims of international armed conflict (Protocol I) Geneva, 8 June 1977. <https://lex.uz/docs/2674806>.)

15. Юристарнинг ролига тааллуқли асосий принциплар. БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича 8-Конгресси томонидан қабул қилинган. Гавана, Куба, 1990 й. 27-август - 7 сентябрь. // Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар: тўплам. - Тошкент: "Адолат", 2004. - Б.169-175. (Basic principles pertaining to the role of lawyers. Adopted by the 8th UN Congress on Crime Prevention and Dealing with Offenders. Havana, Cuba, 1990 August 27 - September 7. // International law enforcement documents: collection. - Tashkent: "Adolat", 2004. - P.169-175.)

16. "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро пакт. // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплами. - Тошкент: "Адолат", 2004. - Б. 42. (International Covenant on Civil and Political Rights. The collection of International human rights treaties. - Tashkent: "Adolat", 2004. - P.41.)

17. БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича маърузачиси Диего Гарсия - Саяннинг Ўзбекистонга расмий ташриф натижалари бўйича дастлабки мулоҳазалар // <http://www.un.uz/uzb/news/display/348>. (UN Special Rapporteur on the Independence of Judges and Advocates Diego Garcia - Preliminary comments on the results of Sayan's official visit to Uzbekistan. <http://www.un.uz/uzb/news/display/348>.)

18. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. "Ўзбекистон", -Т.:2018.-Б. 64. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. "Uzbekistan", -Т.: 2018.-P. 64.)

19. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги 2000 йил 14 декабрдаги янги таҳрирдаги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда. (Law of the Republic of

Uzbekistan "On Courts" of December 14, 2000 in the new edition. // Bulletin of the Chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2019, No. 2, Article 47.)

20.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. "Ўзбекистон", -Т.:2018. Б.64-65.
(Constitution of the Republic of Uzbekistan. "Uzbekistan", -Т .: 2018. P.64-65.)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ГАФФАРОВА Шахноза Нуриддиновна

Тошкент давлат юридик университети (PhD) докторанти

E-mail: gaffarovashahnozanuriddinovna@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ГАФФАРОВА Ш.Н.ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 3 (2020), Б.126-133.



№3 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-3-16>

АННОТАЦИЯ

Мақолада жинсий мансублигидан қатъий назар, шахсинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, имкониятлари ва жавобгарликларини белгилашда юзага келиши мумкин бўлган номутаносибликни бартараф этиш мақсадида жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатланишини таъминлаш асосий вазифамиз эканлиги, Ўзбекистонда амалга оширилаётган гендер ислохотлари ва уларнинг истиқболлари, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг аҳамияти ёритиб ўтилган, ечимини кутаётган муаммолар таҳлил қилинган ва уларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: ҳуқуқ, гендер, тенг ҳуқуқлилиқ, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар.

ГАФФАРОВА Шахноза Нуриддиновна

Докторант (PhD) Ташкентского государственного
юридического университета

E-mail: gaffarovashahnozanuriddinovna@gmail.com

ОБЕСПЕЧЕНИЕ РАВНОПРАВИА ЖЕНЩИН И МУЖЧИН В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

Статья акцентирует внимание на главные задачи по обеспечению гарантии равных прав и возможностей как для женщин так и мужчин во всех сферах жизнедеятельности общества. В целях устранения несовместимостей, которые могут возникнуть в установлении прав, обязательств, возможностей и ответственности личности без различия гендерной принадлежности. В статье освещены проводимые реформы в области гендерной политики Узбекистана и их перспективы, принятые нормативно-правовые акты и их значение, проанализированы проблемы, требующие решение и предложены пути их устранения.

Ключевые слова: право, гендер, равноправие, равные права и возможности для женщин и мужчин.

GAFFAROVA Shakhnoza

Tashkent State University of Law, PhD candidate

E-mail: gaffarovashahnozanuritdinovna@gmail.com

ENSURING EQUALITY OF WOMEN AND MEN IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article focuses on the main tasks on ensuring equal rights and opportunities for women and men in all spheres of society in order to eliminate incompatibilities that may arise in establishing the rights, obligations, opportunities and responsibilities of individuals without distinction of gender. The article highlights gender reforms in Uzbekistan and their perspectives, adopted legal acts and their essence, analyses existing problems and suggests options to solve them.

Keywords: law, gender, equality, equal rights and opportunities for women and men

Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тенг ҳимоя қилиш, соғлиғини мустаҳкамлаш ҳамда уларга муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашда тенг имконият яратиш, сиёсий майдонда, бошқарувдаги ва қарорлар қабул қилишдаги тенг иштирокини таъминлаш ва бошқа қатор долзарб масалаларда кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Дунё харитасида мавжуд давлатлар қонунчилигида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва ҳудудий ҳужжатларнинг барчасида демократик талаб сифатида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги тамойили акс эттирилган. Бу эса инсон ҳуқуқлари ва асосий манфаатлари устунлиги тан олиними ҳамда уларни сўзсиз таъминланиши ҳар бир давлатнинг вазифаси эканлигини англатади.

Халқимиз мақсадларига, миллий ва маданий анъаналарига, барча фуқаролар ҳамда турли ижтимоий гуруҳлар ҳуқуқ ва манфаатларига мос келадиган ҳамда уларни таъминлаш кафолатланадиган асл демократия ва ижтимоий адолатга садоқатли, инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлатни қуриш улкан сиёсий аҳамиятга молик вазифадир ва бунга эришишда Ўзбекистонда улкан ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмунидан қуйидаги ҳуқуқий тамойилларни - демократизм, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларининг амал қилиши, Конституция ва қонунлар устуворлиги, тенг ҳуқуқлилиқ, мулк барча шакллариининг тенглиги, одил судлов тамойилларини англаш мумкин [1]. Ушбу

тамойиллар қаторида тенг ҳуқуқлилиқ тамойилининг мавжудлиги Ўзбекистонда илк мустақил давлатчилиққа тамал тоши қўйилган йиллардаёқ инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг ажралмас қисми ҳисобланган тенглик масаласини ҳам долзарб эканлигини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига мувофиқ Ўзбекистонда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. 46-моддасида эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқли эканлиги эътироф этилиши Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги (Нью-Йорк, 1979 йил 18 декабрь) Конвенция қоидаларини асосий қонуниimizда ҳам ўз аксини топганини кўрсатади [2]. Конвенциянинг 2-моддаси иштирокчи давлатларга "Агар улар илгари қилинмаган бўлса, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципини ўзларининг миллий консититуцияларига ёки бошқа тегишли қонун ҳужжатларига киритишни ва қонун томонидан ва бошқа тегишли воситалар билан ушбу принципнинг амалда бажаришни таъминлаш" мажбуриятини юклайди [3].

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, "гендер" атамаси илмий муҳитда ўтган асрнинг 60-йилларида вужудга келди ва 1995 йилдаги аёллар бўйича Пекин Жаҳон конференциясида қонуний тасдиқланди. Ҳуқуқий адабиётларда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканлиги ҳар хил талқин этилсада, гендер тенглик - хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги; жинслар тенглиги; шахсининг ҳуқуқий ҳолати тенглиги сифатида акс эттирилади.

Анъанавий бу атама жинслар ўртасидаги фарқни билдириб, жамият ривожланишининг ўзига хослигини ҳисобга олиб ижтимоий жинсни англатади. С.В. Поленина ва Е.В. Скуркoning фикрига кўра, гендер тенглик тамойилининг моҳияти шундан иборатки, аёллар ва эркаклар мустақил (эркин) ва тенг ҳуқуқ субъектлари бўлиб, ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда жумладан, ижтимоий алоқа ва муносабатларда иштирок этганда тенг ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлишади [4]. А.А. Максимов гендер тенгликни давлат томонидан таъсис этилган, жамият томонидан ўрнатилган жинслар ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш тамойили сифатида тушуниш керак, бунда "гендер тенглик эркак ва аёлларга берилган ҳуқуқлар, асосий эркинликлар ва мажбуриятлар тенглигида акс эттирилади" деб талқин этади [5].

О.В. Нечаева гендер тенгликни "аёллар ва эркакларнинг ҳуқуқий ҳолати тенглиги ва ҳуқуқларни амалга оширишда иккала жинс вакиллари ўзларининг потенциал қобилиятларини эркин ривожлантиришларида, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишида билим ва кўникмалар олишда тенг имкониятларга эга эканлиги"да деб таъкидлайди [6]. "Эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлилиги - бу аёллар муаммосининг ҳуқуқий жиҳати, яъни аёлларнинг жамиятдаги ҳуқуқий ҳолатни эркаклар ҳолатига таққослаш" деб ҳисоблайди В.В. Чвыкалов [7]. Гендер тенглиги шундан иборатки, деб таъкидлайди А. А. Китаева [8] "Эркаклар ҳам, аёллар ҳам ҳар томонлама, ҳам ақлий салоҳият, жисмоний куч, маълум меҳнат турларини бажара олиш қобилияти билан бир-биридан кам эмас. Ақлий меҳнат, спорт, касб ва ҳоказоларда чекловлар бўлмаслиги керак..." Гендер атамаси хотин-қизлар ва эркаклар роллари, мажбуриятларини таҳлил қилишда ва унинг барча соҳалардаги эҳтиёжлари ва имкониятлари қай йўсинда чекланаётганлигини аниқлашда ишлатилади. Гендер - хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати [9] ва тенгликни таъминлаш

давлат томонидан кафолатланиши лозимдир.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши ва бошқарувидаги ролини кучайтириш, уларнинг сиёсий ҳуқуқларини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли уларнинг жамиятдаги тутган ўрни юксалди. Ўзбек аёли исми-шарифи ёнига Ўзбекистон Қаҳрамони, Депутат, Сенатор, Вазир, Вазир ўринбосари, Академик, Олима, Тадбиркор, Директор атамалари қўшиб айтилиши бунинг яққол мисолдир. Зеро, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини, яъни 29 фоизини 14 ёшгача, 28 фоизини 15-30 ёшлилар, 21 фоизини 31-45 ёшлилар, 15 фоизини 46- 60 ёшлилар, 7 фоизини 60 ёшдан катта хотин-қизлар ташкил этади [10].

Дарҳақиқат, аёлларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини кучайтириш, қарорлар қабул қилиш даражасидаги мавқени эгаллашига қаратилган кўплаб масалалар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Қонунчилик асосини такомиллаштириш жараёнида мавжуд амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан: оила-никоҳ соҳасида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аёлларга нисбатан оилавий, маиший зўравонликни бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтириш, аёллар ва ёшларга нисбатан мавжуд салбий патриархал стереотиплар ва амалиётга қарши курашиш, фуқаролик жамияти институтлари ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда ва аёллар ҳуқуқларини таъминлашнинг механизмлари ишлаб чиқиб амалиётга жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан аёлнинг жамиятдаги роли ва ҳолатини оширишга қаратилган асосий вазифалар белгиланди. Биринчидан, хотин-қизларни парламент ва ҳудудий вакиллик органлардаги иштирокини таъминлаш, қонун лойиҳаларини тайёрлашда ва давлат бюджетини шакллантиришда улар фикрларини инобатга олиш; иккинчидан, парламентнинг юқори палатасида гендер тенглик масалалари бўйича ишчи орган ташкил этиш; учинчидан, гендер тенглик бўйича қонунчиликни такомиллаштириш; тўртинчидан, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашда аёллар ННТларининг ролини ошириш [11].

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, хотин-қизларнинг қарорлар қабул қилиш даражасидаги мавқени эгаллаш, жамият ҳаётида фаоллиги борасида тўхталадиган бўлсак, сайловлар натижаларига эътибор қаратмасдан иложимиз йўқ. Расмий маълумотга кўра, бўлиб ўтган сайловларда фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутатлари сайланди, уларнинг 48 нафари аёллардир. Шунингдек, 831 нафар вилоят ва Жўқорғи Кенгес депутатлари ҳамда 5 минг 738 нафар шаҳар ва туман депутатлари фуқаролар томонидан сайландилар. Ўзбекистон бўйича жами 6 минг 719 нафар депутатлар ўз фаолиятини бошлади. Уларнинг ҳам кўпчилигини аёллар ташкил этади [12]. Бошқарувдаги ўрни ва қарорлар қабул қилиш даражаси борасида Сенат раиси ва бир неча вилоятлар туманларида аёл хокимларнинг фаолият олиб бораётганликларини, куни кеча эса ташқи алоқалар йўналишида аёл-элчи тайинланганини кузатишимиз мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида янги тузилма - Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита ташкил этилди, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия фаолият юритмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тенгликни

мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, гендер тенглик бўйича қонунчилик такомиллаштирилмоқда. 2019 йил 2 сентябрь куни "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги, шунингдек, "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди. Бу эса аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада оширишга хизмат қилиб, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тенг ҳуқуқлилиқни мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсатида дадил қадамлар қўйилганлигини аниқлатмоқда.

"Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонунда илк бор "гендер", "жинс бўйича бевосита камситиш", "жинс бўйича билвосита камситиш" каби атамаларига ҳуқуқий таърифлар берилди. Гендер масалаларида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланиб, Вазирлар Маҳкамаси, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, давлат органлари ва ваколатли шахслари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги иштироки ҳамда тенгликни таъминлашда камситишнинг барча турларни олдини олиш ва бартараф этишдаги ваколатлари белгилаб берилди.

XXI аср бошида БМТнинг Мингйиллик Декларацияси (2015 йилга қадар) асосида унга аъзо барча давлатлар - ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва гендер тенгликни (жинслар тенглигини) таъминлаш борасида тантанали равишда тегишли мажбуриятларни ўз зиммасига олишди. Ҳар йили БМТ Тараққиёт дастури дунёда ва айрим давлатларда инсон потенциали ривожланиши ва гендер нотенглик индекси аниқлаш мақсадида жинслар тенглигини даражасини ўрганadi. Ҳозирда гендер индекси бўйича Ўзбекистон 188 та мамлакат орасида 57-ўринни эгаллаб турибди [13].

2015 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 70-сон резолюциясига асосан, 2030 йилга қадар 17 йўналишдаги Барқарор ривожланиш мақсадлари ишлаб чиқди. Ўзбекистонда БРМ ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди ва унга асосан миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолият олиб бормоқда. Ҳозирда камбағалликни камайтириш, даромад тенгсизлигини бартараф этиш, самарали бандликни ошириш ҳамда эркак ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш учун қонуний асосларни яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш долзарб вазифаларимиздан бўлиб турибди. Бунинг учун назаримизда "Яшаш минимуми тўғрисида"ги, "Минимал ижтимоий стандартлар тўғрисида"ги қонунларни қабул қилишимиз лозим. Сабаби БРМ мақсадлари бизнинг миллий манфаатларимизга, мамлакатимизнинг стратегик вазифаларига тўлиқ ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Парламентга йўллаган мурожаатномасида олий мақсадимиз, Ўзбекистондаги ҳар бир инсон, миллати, тили ва динидан қатъий назар тинч ва фаровон ҳаёт кечирishi ва албатта ҳаётдан мамнун бўлиши кераклигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тенгликни мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда, мавжудларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бироқ фикримизча, хотин-қизлар билан эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашда Ўзбекистонда кенг миқёсдаги қўшимча тадбирларни

ҳам амалга оширмоқ мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жумладан: сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда илм-фан соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни кафолатлаш. Билим олишда, айнан олий таълим билан қамраб олишда тенг имкониятлар яратиш ва унда хотин-қизлар улушини ошишида ОТМ томонидан қўшимча квоталар тақдим этиш, сиртқи, кечки ва масофавий таълим олишга кенг йўл очиш; ногирон, ижтимоий кўмакка мухтож, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оила қизларига аҳолида турдаги квота ажратиш. Дарҳақиқат, олий таълимда ўқиш аёлларнинг эркаклар билан меҳнат бозорида рақобатга кириша олишига имкон беради ва оила бюджетига ўз ҳиссасини қўшишига хизмат қилади; меҳнат бозорида ҳозирги кунгача сақланиб қолаётган "аёлларга хос" ва "эркакларга хос касб" ва мутахассисликларда аниқ гендер асимметрияси сақланиб қолмоқда, яъни аёлларнинг таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар, санъат ва маданиятда, эркакларнинг эса қурилиш, молия, транспорт, алоқа, ҳуқуқшунослик, саноатда баланд маош тўланадиган секторларда кўпчилиқни ташкил этаётганлигини қузатамиз. Айнан ушбу секторларда аёллар улушини ошириш, шу секторлардаги ОТМда аёллар учун қўшимча квота ажратиш, ушбу секторда аёлларни жалб этишда ОАВдан фойдаланиб тарғибот ишларини амалга ошириш, давлат гранти асосида ўқишни амалга оширишни ташкиллаштириш; ОТМда доимий равишда талабаларда гендер билимларни оширишга қаратилган ўқув курсларини ўқув жараёнига жорий этиш, сабаби ҳозирги кунга қадар бирор бир ОТМда гендер бўйича таълим берилмайди. Имкониятларини ҳисобга олиб, масофавий, таълимдан ёки асосий ишдан ажралмаган ҳолда меҳнат қилиш ва унга тенг ҳақ олиш тизимини ишлаб чиқиш, бевосита ёки билвосита тенг ҳуқуқлилиқ принципи бузилиши ҳолатларида маъмурий кейин жиноий жавобгарлик чораларини қўллашни қайта кўриб чиқиш ва ҳ.к.

Шунингдек, ҳозирда мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва шу асосда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш долзарб масалалардан яна бири ҳисобланади. Бу эса жинсий мансублигидан қатъий назар, шахснинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, имкониятлари ва жавобгарлигини белгилашда юзага келиши мумкин бўлган номутаносибликни бартараф этиш мақсадида жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатланишини таъминлашга хизмат қилади. Гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларига ҳам тадбиқ этилади.

"Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенглиқни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясига катта ваколатлар берилди. Қонуннинг 12-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириши, жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигига эришиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириб, давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши шунингдек, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик, оталиқ ва болалиқни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг равишда ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўриши, гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалиқ махсус чоралар, давлатнинг раҳбарлик лавозимларига илгари суриш чоғида эса жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик принципини таъминлашга кўмаклашиши ва

бошқа бир қатор ваколатлари белгилаб берилди.

Ушбу ваколатлар қаторида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ўқитишни ташкил этиши ҳам қайд этилди. Албатта ушбу ваколатни амалга оширишда хорижий илғор тажрибанинг ижобий ютуқларини амалиётга жорий этилишини ўрганиш, комплекс чоратadbирлар режасини ишлаб чиқиш асосида босқичма-босқич амалиётга тадбиқ этиш лозим бўлади. Бунда муболағасиз давлат органларининг ўзига хослигини инобатга олиш лозим.

Давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ваколатли мансабдор шахс белгиланиши қонуннинг 13-моддасида қайд этилган бўлиб, ваколатли шахснинг мажбуриятларини бажариш давлат органи раҳбарининг ўринбосарларидан бири зиммасига юклатиладиган бўлди. Назаримизда давлат органларида кадрлар масаласи билан бевосита шуғулланувчи масъул шахсларнинг ҳам ушбу ўқишларда бевосита иштирокини таъминлаш қонун орқали кўзланган мақсадларга эришишда ижобий аҳамиятга эга. Ўқитишни ташкил этишда умумий стандартлар ҳамда муайян ташкилотнинг ўзига хослиги инобатга олиниши керак ва йўриқнома, намунавий низом кўринишидаги ўша ташкилотнинг тенгликни таъминлаш стратегияси ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашга мавжуд гендер муаммоларини англаш, уларни бартараф этиш, бу соҳада жамият аъзолари тафаккурида мавжуд камситувчи стереотипларни ўзгартириш ва батамом йўқотиш орқали эришиш мумкин. Бугунги кунда давлат томонидан адолатли гендер сиёсати босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Кўзланган марраларимиз қанчалик юксак ва машаққатли бўлмасин, уларга етиш учун барча имкониятларимиз мавжуд, фақатгина амалга оширилаётган ислохотларнинг четдан кузатувчиси эмас, фаол ташаббускор бўлмоғимиз лозим.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Сайдуллаев Ш.А., Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Ўқув қўлланма, - Т.: 2012. Б - 57. (Saydullaev Sh.A., Theory of State and Law. Study Guide, - Т.:2012. P -57)

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 87-И-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга қўшилган. Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 18 августда кучга кирган. www.lex.uz. (Uzbekistan acceded this Convention in accordance with the Decree of Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan №87-I from 1995. The Convention entered into force for Republic of Uzbekistan on August 18, 1995. www.lex.uz.)

3. Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги (Нью-Йорк, 1979 йил 18 декабрь) Конвенция. (Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination against Women (New York, 18 December 1979)

4. Поленина С.В., Скурко Е.В. Право, гендер и культура в условиях глобализации. М.: Формула права, 2009. С. 14. (Polenina S.V., Skurko E.V. Law, gender and culture in a Globalizing World. М.: Law Formula, 2009. С. 14.)

5. Максимов АА. Положение гендерного равноправия в системе принципов правового статуса личности в России // Проблемы права. 2012. № 5 (36). С. 31. (Maximov A.A. The position of gender equality in the system of principles of the legal status of an individual in Russia // Problems of Law. 2012. №5 (36). P. 31.)

6. Нечаева О.В. Гендерные проблемы России как социального государства (конституционно-правовое исследование): Дис. ... канд. юрид. наук. Челябинск,

